

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна

**ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА
ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

**Toshkent
“Innovatsiya-Ziyo”
2023**

УДК:373.2.011.3-051:004

КБК 74:00

Ж 87

М.Т.Жуманиёзова

Ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик асослари. монография. – Тошкент: “Innovatsiya-Ziyo”, 2023, 128 б.

Ушбу монография Республикамизнинг олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларга инновацион педагогика, таълим инновацияларининг моҳияти, назарий асослари ва турлари, таълимда инновацион жараёнларни бошқариш, педагогик технологиялар ва интерфаол усулларни ўргатиш, илгор педагогик технологияларга оид билимларини янада мустаҳкамлаш, уларга педагогик маҳорат сирларини очиб бериш, педагогик ва ахборот технологияларини амалиётга жорий этишда педагог-ўқитувчиларнинг касбий малакаси ва маҳоратини оширишга амалий ёрдам кўрсатиш, ўқитувчиларни инновацион фаолиятга йўналтириш мақсадида тайёрланди.

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК-374.6:93-99

Масъул муҳаррир:

О.Мусурманова – Педагогика фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

Н.Исақулова – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети “Педагогика ва психология” кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори

Х.И.Ибрагимов – Т.Н. Қори Ниёзий номидаги ПФИТМ директори, педагогика фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий-методик кенгаши йиғилишининг 2022 йил 24 июндаги 12-баённомаси билан нашр этишга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-8870-7-7

© М.Т.Жуманиёзова, 2023.

© “Innovatsiya-Ziyo”, 2023.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон бугунги кунда мустақкам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тизимга эга замонавий давлат сифатида дадил ривожланиш йўлидан бормоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда кенг миқёсда ислохотлар амалга оширилди.

Шунингдек, таълим тизимига замонавий илм-фан ютуқларини жорий этиш, мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, илмий фаолиятга истеъдодли, қобилиятли ёшларни жалб этиш орқали юқори билим ва малакали жамиятни шакллантиришга томон илдам қадамлар қўйилди.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда олий таълим тизимини такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур норматив-ҳуқуқий асос ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини мустақкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғриси”да 1533-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли ҳамда 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва

педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида» 2019 йил 27 августдаги ПФ-5789-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 23 сентябрдаги 797-сонли қарори юқори самарали замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услубларини тубдан янгилаш, олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларида фойдаланган ҳолда, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши, олий ўқув юртлари педагог кадрларининг чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириш ва ундан ўз касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ошириб бориши учун кенг фойдаланиши учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жамият ривожланишининг замонавий босқичида олий педагогик таълим тизимини таркибий қайта қуриш ва мазмунини такомиллаштириш, тайёрланаётган мутахассислар сифатини оширишнинг янги заҳираларини излаб топиш, олий таълим тизимида бўлажак педагогларни креатив сифатларини ривожлантириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги , 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030

йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-637-сон Қонунида шахсни ҳар томонлама камол топтиришга, таълим олувчиларда билим, малака, кўникмаларни, савияни шакллантиришга ва уларнинг қобилиятини ривожлантиришга, ўқув режалари ва ўқув дастурларини жорий этиш жараёнида замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг инновацион шакллари ва усуллари, ахборот-коммуникация ва кредит-модуль тизимига асосланган ўқитиш технологияларини кенг қўллаш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилган¹.

2020 йил 24 июлда имзоланган “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эса инновацион фаолият соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида инновацион ривожланишнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини таъминлаш; устувор йўналишларни белгилаш; зарур шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш; инновацион фаолият субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш; республика, тармоқ ва ҳудудий давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш; инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш; давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш; кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон)

этиш; халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни белгилаб берди.

Қонунга мувофиқ, давлат томонидан инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш қуйидаги тарзда амалга оширилади: инновацион ривожлантириш стратегияларини қабул қилиш ва амалга ошириш; норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш; инновацион фаолият субъектларига солиқ, божхона имтиёзлари ва преференциялар бериш; республика Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан инновацияларни яратишга оид давлат буюртмасини бажариш; инновацион фаолиятни молиялаштиришга хўжалик юритувчи субъектлар маблағларини жалб қилиш учун шарт-шароит яратиш; илм-фан ютуқларига асосланган маҳсулотнинг ва илғор технологияларнинг давлат харидларини ташкил этиш; инновацион фаолият соҳасида кадрларни тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашишдан иборат.

Сўнгги йилларда олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий билим, малака ва кўникмаларини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилмоқда. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув жараёнига ўқитишнинг замонавий шакл ва технологиялари, жумладан, масофавий таълим, вебинар технологиялари, автоматлашган мониторинг, электрон портфолио ахборот тизимлари жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, олий таълим тизимидаги реал ҳолатни ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бир қатор олий таълим муассасаларида ҳали ҳам илмий-педагогик салоҳиятнинг пастлиги, таълим жараёнларини ахборот-услубий ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш замонавий талабларга жавоб бермаслиги, уларнинг моддий-техника базасини тизимли янгилашга эҳтиёж мавжуд.

Олий таълим тизимида ўз йўналишлари бўйича дунёнинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибаларини жорий этиш, айниқса, истиқболли педагог ва

илмий кадрларни хорижнинг етакчи илмий-таълим муассасаларида стажировкадан ўтказиш ва малакасини ошириш борасидаги ишлар етарли даражада олиб борилмаяпти.

Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий билими, кўникмалари ва маҳоратини узлуксиз янгилаб бориш механизмларини жорий этиш, замонавий талабларга мувофиқ олий таълим сифатини таъминлаш учун зарур даражада касбий тайёргарликни ошириш, қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг бевосита ҳамда касбий фаолиятга алоқадор билвосита шакллари вариатив ва бир-бирини тўлдириш тамойиллари асосида амалиётга жорий этишни таъминлаш, раҳбар ва педагог кадрларнинг ўқув-методик ва илмий-педагогик фаолияти натижаларини инобатга оладиган, уларга мунтазам равишда касбий ўзи-ўзини ривожлантириб бориш имкониятини берувчи узлуксиз малака ошириш тизимини амалиётга жорий этиш зарурати пайдо бўлмоқда. Ўқув режалари ва дастурлари мазмунини такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда педагог кадрлар малакасини оширишнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш, ўқитувчиларнинг креативлигини ривожлантириш асосий вазифа сифатида белгиланмоқда.

Ҳар бир жамият ва давлатда таълим тизими зиммасига стратегик вазифалар юкланади. Шу сабабли, таълим соҳасига мавжуд жамият тараққиётидан бир қадар олдин юриш тамойилидан қараш азалдан анъана сифатида шаклланган.

Узлуксиз таълим тизимида ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш каби мураккаб ва кўп қиррали вазифани муваффақиятли ҳал этишни фақат малакали, юқори педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчи билан амалга ошириш мумкин. Аммо педагогик маҳорат- туғма талант ёки наслдан-наслга ўтувчи хусусият эмас, балки у изланиш, ижодий меҳнат орқали қўлга киритиладиган ютуқ ҳисобланади.

Бугун амалиётда ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ қуйидаги муаммоларни амалиётда ижобий ҳал этиш зарурияти пайдо бўлмоқда:

- таълим ислохотлари даврида ўқитувчиларни фаол бўлишга, янгича ишлашга, мустақил фикрлашга ўргатиш;

- ўқитувчиларни таълимнинг янги мазмунини ўзлаштиришга ижтимоий-психологик жиҳатдан тайёрлаш;

- педагогик технологияларни ўзлаштириб олишларига ёрдам бериш;

- таълим тизимида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг узлуксиз малака оширишини ташкил қилиш.

Педагог кадрларнинг узлуксиз таълим олишини ташкил этиш муаммоларига бутун дунёда катта эътибор берилмоқда. Бир қатор халқаро ташкилотларда, жумладан, Жаҳон таълимини режалаштириш институти (Париж), ЮНЕСКОнинг таълим бўйича институти (Гамбург), Олий таълимнинг Европа Маркази (Бухарест), Европа Муаллимлар таълими Ассоциацияси (АТЕЕ) ва бошқа қатор илмий муассасаларда бу муаммо тадқиқ этилмоқда.

Таълим-тарбия жараёнига илғор технология ва инновациялар шиддат билан кириб келмоқда. Лекин ўқитувчилар бу янгиликларни аксарият ҳолларда ўз фаолиятида қўллай олмаяптилар. Чунки ўқитувчиларнинг асосий қисми таълимдаги инновацион жараёнларга тайёр эмас. Шу сабабли ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларга кўрсатиладиган методик хизматни янгича, ижодий ёндашиб ташкил қилиш таълим тизимининг амалий эҳтиёжини таъминловчи асосий воситага айланмоқда. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини янгилаш, инновацион фаолиятга йўналтириш, таълим жараёнига инновацияларни киритишга тайёрлаш зарурати пайдо бўлмоқда.

Муаммонинг ишланганлик даражаси. Инновация, инновацион таълим, инновацион фаолият, инновацион жараёнлар муаммоси, асосан, АҚШ, Англия, Германия, Чехия, Франция каби давлатларда кенг кўламда ўрганилган. МДХ

давлатлари орасида бу муаммо устида кўпроқ Россия, Белоруссия, Украина ва Болтиқбуйи Республикалари педагог олимлари самарали иш олиб бормоқдалар. Жумладан, К.Ангеловский, М.Я.Вилинский, В.К.Дьяченко, В.В.Гузеев, М.В.Кларин, В.А.Сластенин, В.И.Слобадчиков, Л.М.Фридман каби олимларнинг илмий тадқиқот ишларида бу муаммога кўпроқ аҳамият берилган. Ўзбекистонлик олимлардан Н.Н.Азизхўжаева, Н.Сайидахмедов, Ж.Ғ.Йўлдошев, Б.А.Фарберман, Б.Зиёмуҳаммедов, У.Нишоналиев каби олимларнинг тадқиқотларида таълим тизимидаги инновациялар, янги педагогик технологиялар ва уларни ўқув жараёнига киритиш масалалари муҳокама этилган.

Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муаммоси Ж.Ғ.Йўлдошев, К.Зарипов, Ш.Саидкулов, Б.Нуриддинов, Ш.Мардонов, А.Аминов, З.Артиқбоева, М.Дехқонова, К.Обидов, Д.Сайфуров, қ.Шоназаров каби олимларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Тадқиқот муаммосига доир адабиётларни ўрганиш, таҳлил этиш шуни кўрсатадики, таълим ислохотларини ҳаракатга келтирувчи асосий куч, деб эътироф этилган ўқитувчи фаолиятини янгилаш масаласига, ўқитувчининг инновацион фаолияти ва бу фаолиятни шакллантириш муаммосига оид илмий тадқиқот ишлари кенг кўламда амалга оширилмаган. К.Ангеловский, А.Ахренов, Г.Гомидов, М.Кларин, В.Г.Мединский, О.Л.Никольская, М.М.Поташник, В.Сластенин, Г.К.Селевко, В.И.Слобадчиковлар томонидан олиб борилган илмий изланишлар ўқитувчи инновацион фаолиятини шакллантиришни илмий асосда ўрганиш борасида асосий манба ҳисобланади.

Аммо кўриб чиқилган илмий тадқиқот ишларида малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш масаласи илмий муаммо сифатида ўрганилмаган. Педагогик инновацияларни ўқув-тарбия жараёнида қўллаш учун ўқитувчининг педагогик фаолиятини инновацион педагогик фаолиятга айлантириш зарур эканлиги, бу борада илмий асосланган лойиҳаларни ишлаб чиқиш масалаларини тадқиқ этиш, айниқса, малака ошириш ва қайта тайёрлаш

жараёнида айнан шу масалага илмий ёндашув зарур эканлиги эътибордан четда қолган.

Педагогик инновация нима? Педагогикада инновацион ўзгаришларнинг йўналишлари, ўқитувчининг инновацион фаолияти, қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида интерфаол таълим методларини қўллаш муаммоси, малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг асосий мезонларини белгилаш, малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик асосларини ишлаб чиқиш, бу жараёнда фаол таълим методларидан ва мустақил малака ошириш дастурларидан фойдаланишнинг афзалликларини асослаб бериш мақсадида ушбу монография тайёрланди.

Монографияда «инновацион фаолият» тушунчасининг моҳиятини ва ўрганилганлик даражасини таҳлил қилиш, ўқитувчи инновацион фаолиятининг мезонларини аниқланган, ўқитувчилар малакасини ошириш муаммосининг назарий ва амалий ҳолати ўрганилган, малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг яхлит тизими ва технологиясини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинган, ўқитувчининг мустақил малака ошириш дастурини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар белгилаб берилган. Шунингдек, ўқитувчилар малакасини оширишнинг вариатив дастурларини ишлаб чиқиш, инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнида интерфаол таълим усулларидан фойдаланишнинг самарадорлиги асослаб берилган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида педагогик фаолият тизимида «инновацион фаолият»нинг ўрни ва моҳияти аниқланди, «инновацион фаолият» тушунчасига таъриф берилган. Ўқитувчининг инновацион фаолиятини белгиловчи мезонлар ва бу фаолиятни шакллантириш технологияси, малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг тизими ишлаб чиқилган. Ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда интерфаол методлардан фойдаланишнинг аҳамияти ва мавқеи белгиланган, инновацион фаолиятга

тайёрлашда мустақил малака ошириш дастурлари ишлаб чиқилган, педагогик тажриба-синовдан ўтказилган ва шу асосда илмий тавсиялар яратилган. Эҳтиёжга асосланган малака ошириш тизимига ўтиш учун мўлжалланган инвариант ўқув дастурлари ишлаб чиқилган, малака оширишдан ўтган ўқитувчи фаолиятини мониторинг қилиш мезонлари яратилган.

Тадқиқот ишининг назарий аҳамияти тадқиқот натижасида инновацион фаолият педагогик фаолиятнинг алоҳида, ўзига хос шакли бўлиб, бошқа фаолият турлари каби ўзининг берилган шакли, субъектлари, мақсадлари, воситалари ва амалга ошириш шарт-шароитларига эга эканлиги, ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш механизми назарий жиҳатдан асосланганлиги, инновацион фаолият таълим сифатини кафолатловчи асосий омиллардан бири эканлиги, педагогика назарияси ва тарихи фани малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашга оид янги назарий қарашлар ва ёндашувлар билан бойитилганлиги билан белгиланган.

Монографиянинг илмий янгилиги инновацион фаолият педагогик фаолиятнинг алоҳида муҳим қисми эканлиги ва ўзига хос хусусиятлари; ўқитувчи инновацион фаолиятини белгиловчи мезонлар; ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш тизими ва технологияси; ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда интерфаол таълим усуллариининг асосий восита эканлиги; ўқитувчининг малака оширишдан кейинги фаолиятини мониторинг қилиш мезонлари илаб чиқилганлиги билан асосланади.

Монографияда ўтказилган илмий тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва асосланганлиги методологик ва умумназарий қоидалар татбиқида, тадқиқот концепцияси, тадқиқот методлари, мақсади, предмети ва вазифаларининг ўзаро мослигида, уларнинг жадвал ва схемаларда кўрсатмали акс эттирилганлигида, олинган натижаларнинг математик статистика методи ёрдамида исботланганлигида, сифатли таҳлил билан таъминланганлигида кўринади.

I БОБ. МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. “Инновацион фаолият” тушунчаси, унинг моҳияти ва ўрганилганлик даражаси

Илгари бирор бир мамлакатнинг тараққиёти ва куч-қудратини ифодалаш ва баҳолаш учун унинг мавжуд бўлган табиий бойликлари ва иқтисодий салоҳияти ҳақида сўз юритилар эди. Бугун дунё тараққиётнинг шундай босқичига қадам қўйдики, ҳар қандай миллат ва давлат имкониятларининг ҳал қилувчи белгиси-бу маърифат, инсонларнинг интеллектуал, касбий ва маънавий салоҳиятидир.

XXI аср таълимида ислохотларни амалга оширишдаги асосий тамойиллардан бири - бу таълим тизимини тузилиш ва мазмун жиҳатидан ислоҳ қилиш учун ўқитувчи ва мураббийларни қайта тайёрлаш, юқори малакали, рақобатга қодир мутахассислар тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштириш, илғор педагогик технологияларни, педагогик инновацияларни таълим жараёнига киритиш ҳисобланади.

Аммо илғор педагогик технологиялар ва инновациялар ўз-ўзидан таълим тизимига кириб келмайди. Бу ўқитувчи фаолияти ва унинг мотивациясига боғлиқ жараён. Ўқитувчи фаолиятини, унинг масъулияти ва фаоллигини оширмасдан таълимда бир қадам олдинга силжиб бўлмайди. Академик А.Н. Леонтьев «Дунёни идрок қилишнинг биринчи шarti - фаолият, иккинчи шarti - тарбиядир. Фаолият жараёнида кишиларнинг қобилияти, билим ва малакалари шаклланади, демак, фаолият-ижтимоий ҳодиса бўлиб, ҳаётий курашнинг асосий шartидир», - деб таъкидлайди [67;248]. Яъни фаолият ижтимоий ҳодиса бўлиб, шахсий, гуруҳий, миллий ёки умуминсоний эҳтиёжларга жавоб берувчи мақсадлар сари йўналтирилган ҳаракат ҳисобланади.

Инсон фаолияти ўз олдига қўйган мақсадларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Масалан, ижодий фаолият, илмий фаолият, педагогик фаолият, тадбиркорлик фаолияти, ўқув-билув фаолияти, бошқарув фаолияти ва инновацион фаолият кабилар. Фаолиятнинг мазмуни, шарт-шароитлари, воситалари ўзгариб бориши натижасида инсоннинг ахлоқий маданияти такомиллашиб боради.

«Педагогик фаолият - жамиятнинг таълим-тарбияга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида умуминсоний сифатлар ва миллий фазилатларни шакллантиришни илмий асосланган режа-дастурга мувофиқ амалга ошириш, яъни ёш авлодни ҳаётга тайёрлайдиган ижтимоий зарур фаолият», - дея таърифлайди Б.Зиёмуҳаммедов [45;28].

Педагогик фаолият, унинг тузилиши ва таркибий қисмлари ҳақида жуда кўп олимлар илмий изланишлар олиб борганлар. Жумладан, С.Л.Кузьмина ўз тадқиқотларида педагогик фаолиятнинг гносеологик (билиш), лойиҳалаш, ташкилотчилик, коммуникатив таркибий қисмлари мавжуд эканлиги баён этиб ўтган. [65;9].

Бугунги кунда педагогика соҳасида янги илмий йўналиш - педагогик инновация ва таълим жараёнини янгилаш ғояларининг пайдо бўлиши натижасида ўқитувчининг педагогик фаолиятида ҳам янги йўналиш «ўқитувчининг инновацион фаолияти» тушунчаси пайдо бўлди.

Педагогикада **инновация, инновацион фаолият, инновацион педагогика, таълимда инновацион жараёнларни бошқариш** каби тушунчалар XX асрнинг 60-йилларида дастлаб, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида «таълим технологияси» тушунчаси эътироф этилган вақтда пайдо бўлди. Ўша вақтдаёқ Европада педагогик инновациялар маркази ва институти ташкил этилди. Бу тушунчаларнинг пайдо бўлиши ва инновацион таълим назариясининг яратилиши тўғрисида маълумот берувчи манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, бу тушунчалар таълим тизимини технологиялаштириш, педагогик технологияларни таълим тизимига киритиш орқали таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахс

ижтимоийлашувини таъминлаш, бу борада муайян муваффақиятларга эришиш учун таълим жараёнида болага дўстона муносабатларни шакллантиришга уриниш натижасида вужудга келди. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмида педагогик фаолият бу -ижодий жараён ва педагогик инновациялар бирлашмаси, деган янги илмий йўналиш таркиб топди. Бу эса ўқитувчининг инновацион педагогик фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиш жараёнини таҳлил қилиш имконини берди.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг умумий ва алоҳида жиҳатларини К.Ангеловский, Г.И.Горская, В.А.Кан-Калик, С.Л.Кузьмина, В.А.Сластенин, Л.М.Фридман каби олимлар ўзларининг илмий тадқиқот ишларида ёритиб бердилар. Мамлакатимизда педагогик инновацияни ривожлантириш муаммолари устида педагог олимлардан Н.Азизхўжаева, Ж.Ғ.Йўлдошев, Б.Фарберман, У.Нишоналиев, Н.Сайидахмедов, М.Очиловлар илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

И.Шумпатер ва Н.Кондратевлар **«Инновация»** тушунчасининг илк ва улкан назариячилари ҳисоблансалар, К.Ангеловский, В.А. Сластенин ва В.И.Слобадчиковлар ўз илмий тадқиқотларида инновацион фаолият педагогик фаолиятнинг алоҳида шакли эканлигини исботлашга ҳаракат қилдилар ҳамда бу борада муайян натижаларга эришган олимлар, деб тан олинадилар.

Жумладан, В.И.Слобадчиков шундай ёзади: «Аввало, инновацион фаолиятни илмий ижодиёт соҳасидаги фаолиятга ўхшатиб бўлмайди, чунки бундай ўхшатиш «Инновацион фаолият» термини маъносини саёзлаштириб юборади. Чунки ҳар қандай илмий-техникавий фаолият ўз табиатига кўра инновацион ҳисобланади.

Шунинг учун инновацион фаолиятни маълум бир ижтимоий амалиёт майдонида кўриб чиқиш зарур. Бу амалиётни конкрет субъект нуқтаи назаридан ва амалдаги анъанага нисбатан жиддий ўзгаришларга олиб келадиган ҳар қандай фаолиятни инновацион деб ҳисоблаш мумкин» [110;9].

*Инновацияларнинг
асосий кўринишлари:*

- янги ғоялар;
- тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар;
- ноанъанавий ёндашувлар;
- одатий бўлмаган ташаббуслар;
- илғор иш услублари;


Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, 80-йилларда педагогик фаолиятни аввалдан пухта ишлаб чиқилган дастур ғояларига мувофиқ амалга ошириш ва дастурлаштирилган мустақил малака оширишни ташкил этиш ташаббуси кўтарилди. Натижада, ўқитувчиларнинг масофадан малака ошириш тизимини яратиш кун тартибидаги асосий масалага айланди.

«Инновацион фаолият» тушунчасини таҳлил қилар эканмиз: Г.А.Мкритичяннинг бу ҳақдаги фикри диққатга сазовар: «Педагогик тажриба-синов фаолиятининг 3 та асосий шаклини ажратиш мумкин: хусусий тажриба, тажриба-синов иши, ўқитувчининг инновацион фаолияти. Педагогик фаолиятда инновациялар қанча кўп бўлса, ўқитувчи хусусий экспериментни шунча яхши тушунади» [80;48].

Инновацион фаолият-педагогнинг ўз касбини такомиллаштиришдаги мавжуд шакл ва воситаларни эгаллашга ижодий ёндашувини назарда тутди. Таълимдаги инновациялар ва инновацион педагогик фаолият ҳақида барқарор ва ҳаммага маъқул бўлган илмий тасаввурлар ва таснифлар шу пайтгача мукаммал таркиб топган эмаслигини

ҳам эътироф этиш лозим. Бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири таълимга йўналтирилган илмий билимлар тизимлари ўртасидаги қийинчилик билан енгиб ўтиладиган узилишлардир. Яна каттароқ сабаб эса таълимий билим ва амалий педагогик фаолият ўртасидаги узилишдир. Ўқитувчи инновацион фаолиятнинг субъекти ва ташкилотчиси сифатида янгиликни яратиш, қўллаш ҳамда оммалаштиришда иштирок этади. У фандаги билим, анъаналардаги ўзгаришлар мазмунини ва моҳиятини таҳлил эта билиши керак.

Инновацион фаолият тушунчаси инновация, инновацион жараён каби тушунчалар билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли бу тушунчалар мазмунини изоҳламасдан туриб, инновацион фаолият мазмунини англаш мумкин эмас.



Инновация (инг. Innovation-янгилик киритиш) –тизим ички тузилишини ўзгартириш, деб таърифланади. Инновация -амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий объект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат

тизимидир[91;64]. Бу ғоя назарияси моҳиятининг яратилишига нисбатан турли ёндашувлар ва фикрлар мавжуд бўлиб, унинг моҳияти борасида фанда ягона фикр мавжуд эмас. **Инновациялар** долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлар. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлади, шунингдек, умуман таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Инновация-маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараённи қўллаш, олдингидан анча муваффақиятга эришишга олиб келиши маълум бўлган охирги натижадир.

Бугун таълим тизимидаги инновацияларни қуйидагича таснифлаш маъқулланмоқда:

1. Фаолият йўналишига қараб (педагогик жараёндаги, бошқарувдаги).
2. Киритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра (радикал, модификацияланган, комбинацияланган).
3. Ўзгаришлар кўламига кўра (локаль, модулли, тизимли).
4. Келиб чиқиш манбаига кўра (шу жамоа учун ички ёки ташқаридан олинган).

Инновациянинг мақсади-сарфланган маблағ ёки кучдан энг юқори натижа олишдан иборат. Бошқа турли-туман ўз-ўзидан пайдо бўладиган янгиликлардан фарқли ўлароқ, инновация бошқарилувчи ва назорат қилинувчи ўзгаришлар механизмини ташкил этади.

Таълим тизимидаги ҳар қандай янгилик инновация бўла олмайди. Шу сабабли «новация» ва «инновация» тушунчалари ўртасидаги асосий фарқларни кўрсатиб ўтиш зарур. Бунинг учун ислохот фаолиятининг аниқ шакли, мазмуни ва кўлами асос бўлиб хизмат қилади. Агар фаолият қисқа муддатли бўлса ва яхлит тизим хусусиятига эга бўлмаса, ўз олдига муайян тизимдаги фақат баъзи элементларини ўзгартиришни вазифа қилиб қўйган бўлса, у ҳолда биз **новация** билан мулоқот қилаётган бўламиз. Агар фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга

оширилаётган бўлса ва унинг натижаси ўша тизим ривожланишига ёки унинг принципиал ўзгаришига олиб келсагина **ИННОВАЦИЯ** дея оламиз.



1-расм. Таълим инновацияларининг турлари

Ҳар иккала тушунча мезонлари қуйидагича: новация амалдаги назария доирасида амалга оширилади, кўлам ва вақт бўйича чегараланади, методлар янгиланади ва натижаси аввалги тизимни такомиллаштиради. Инновация эса тизимли, яхлит ва давомли бўлади, маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди, амалиёт субъектлари позицияларини тўла янгилайди. Бунда фаолиятнинг янги йўналишлари очилади, янги технологиялар яратилади, фаолиятнинг янги сифат натижаларига эришилади, натижада амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади.

Новация ва Инновация ўртасида муайян фарқлар

Новация	Инновация
1) амалдаги назария доирасида қўлланилади ;	1) тизимли, яхлит ва давомли бўлади;
2) кўлам ва вақт бўйича чегараланади;	2) маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди ;
3) методлар янгиланади ;	3) субъектларнинг фаолияти тўла янгиланади ;
4) натижа аввалги тизимни такомиллаштиради	4) янги технологиялар яратилади;
	5) фаолиятда янги сифат натижаларига эришилади ;
	6) амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади

2-расм. Новация ва инновация тушунчаларининг фарқи


Инновациянинг амалиётга киритилиши инновацион жараёнларда амалга оширилади. **Инновацион жараён** деб инновацион ўзгаришларга тайёгарлик кўриш ва уни амалга ошириш жараёнига айтилади.

И.П.Подласий педагогик тизимда **инновацион ўзгаришларнинг йўналишларини** ўрганиш асосида қуйидагиларни белгилаб беради:

- Педагогик тизимнинг тамомига ўзгариши.
- Ўқув жараёнининг ўзгариши.
- Педагогик назариянинг ўзгариши.
- Ўқитувчи фаолиятининг ўзгариши.
- Ўқувчи фаолиятининг янгиланиши.
- Педагогик технологиянинг ўзгариши.
- Мазмуннинг янгиланиши.
- Шакл, усул ва таълим воситаларининг ўзгариши.
- Бошқарувнинг ўзгариши.
- Мақсад ва натижанинг ўзгариши [91;191].

Таълим жараёнидаги инновацион ўзгаришлар, таълим тизимига ҳар қандай янгиликнинг киритилиши бевосита

ўқитувчи фаолиятини янгилаш ва ўзгартириш орқали амалга оширилиши ҳам муаллиф томонидан қайд этилган.



3-расм. Инновацион жараёнлар тузилмаси

Таълим тизимидаги инновациялар, уларни амалиётга киритиш, инновацион жараёнларни бошқаришни таҳлил қилиш орқали инновацион фаолият тушунчасини таърифлаш имконияти пайдо бўлди. Инновацион фаолият – педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға бошловчи, тараққий эттирувчи кучдир. **«Инновацион фаолият** – бу янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги, ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрининг мавжуд меъёр билан тўқнашуви натижасида вужудга келган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолиятдир», -деб таъкидлайди В.И.Слободчиков [109;9]. Инновацион фаолият бу амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий объект сифатларини

яхшилашга қаратилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизими бўлиб, у маълум доирадаги муаммоларни ечиш қобилиятигина эмас, балки ҳар қандай вазиятдаги муаммоларни ечиш учун мотивацион тайёргарликка эга бўлишдир. Ўқитувчи инновацион фаолиятининг марказий масаласи ўқув жараёнини самарали ташкил этишдан иборат.

Ўтган асрнинг 70-йиллари охирларида А.М.Арсеньева, К.Н.Вольков, М.Н.Скаткин ва ўзбекистонлик педагог олимлардан бир гуруҳи педагогика опсиш амалиётида муваффақиятга эришиш муаммосини ҳал қилиш борасида самарали ғояларни илгари сурдилар ва таълим самарадорлигини таъминлашда ўқитувчининг таълим жараёнига янгиликларни киритишга тайёргарлик даражаси асосий ўрин эгаллашини асослаб бердилар. Шунга кўра «инновацион ўзгаришларни сезиш, англаш ҳар қандай ўқитувчига ҳам хос бўлавермайди,-деб ёзади У.Нишоналиев,- бу ерда энг асосийси ўқитувчининг ўзи янгиликни сезишга психологик жиҳатдан тайёр бўлишидир» [82;60].

Инновацион фаолият -узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узоқ вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради. Ўқитувчи инновацион фаолияти хусусиятларини ўрганиб чиққан педагог олимлар фикрларига таянган ҳолда, қуйидагиларни инновацион фаолиятнинг асосий белгилари деб ҳисоблаш мумкин:

- ижодий фаолият фалсафасини эгаллашга интилиш;
- педагогик тадқиқот методларини эгаллаш;
- муаллифлик концепцияларини яратиш қобилияти;
- тажриба-синов ишларини режалаштириш ва амалга ошира олиш;
- ўзидан бошқа тадқиқотчи-педагоглар тажрибаларини қўллай олиш;
- ҳамкасблар билан ҳамкорлик;
- фикр алмашиш ва методик ёрдам кўрсата олишлик;
- зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
- янгиликларни излаб опсиш ва уларни ўз шароитига мослаштириб бориш.

Ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш муаммосига мурожаат этиш жамиятда инновацион жараёнлар динамикасининг ўсиб бораётганлигини тушуниш натижасида вужудга келди.



4-расм. Инновацион фаолиятни шаклланиш босқичлари

Унинг таҳлили фақат фан ва техника эришган замонавий ютуқлардан фойдаланишни ўз ичига олмасдан, балки янгиликларни излаш, яратиш, мослаштириш, татбиқ этиш ва олинган натижаларни қайта текшириш каби жараёнларни ҳам қамраб олади.

Инновацион фаолиятнинг тузилишини ўрганиб чиққан олимлардан бири В.Сластенин уни қуйидагича тузилишга эга деб кўрсатиб ўтади: «Инновацион фаолиятнинг тузилиши-ижодий ёндашув, ижодий фаоллик, янгиликни киритишга технологик ва методологик тайёргарлик, янгича фикрлаш, муомала маданияти. Инновацион фаолиятнинг даражалари: репродуктив, эвристик, креатив бўлиши мумкин» [108;97].

Инновацион фаолият даврида янгиликлар, инновациялар, том маънода таълим жараёнига кириб келади. Шу сабабли таълим тизимидаги инновацияларни педагогик жараёнга киритиш 4 босқичда амалга оширилади:

1. Муаммони таҳлил асосида аниқлаш.
2. Мўлжалланаётган таълим тизимини лойиҳалаш.
3. Ўзгаришлар ва янгиликларни режалаштириш.
4. Ўзгаришларни амалга ошириш.

Инновацион фаолиятга тайёрлашдан мақсад-ўқитувчининг янгиликка интилувчанлигини, мустақил ўз устида ишлаш кўникмаси ва малакасини шакллантириш, янги педагогик технологиялар, интерфаол методлардан фойдаланиб, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни ўтказиш малакасини такомиллаштиришдан иборат.

Инновацион фаолият –бу илмий изланишлар, ишланмалар яратиш, тажриба –синов ишлари олиб бориш ёки бошқа фан- техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда янги технологик жараён ёки янги такомиллаштирилган маҳсулот яратиш бўлиб, унинг прогматик хусусияти шундаки, у ғоялар майдонида ҳам ва алоҳида бир субъектнинг ҳаракат майдонида ҳам амалга оширилмайди, балки бу фаолиятни амалга ошириш тажрибаси кишилар ҳаётида ҳаммабоп бўладиган ҳолдагина ҳақиқий инновацион ҳисобланади. Инновацион фаолиятнинг асл мазмуни амалда янги технологиянинг шаклланиши бўлиб, унинг натижаси инновация сифатида юзага келган ихтирони–лойиҳага, лойиҳани–технологияга айлантиришга йўналтирилган фаолиятдир. Инновацион фаолиятда илмий тасаввурлар академик илм мантиқи бўйича туғилмайди, балки ривожланиш жараёнининг модификациялари қўллаб-қуватланиши натижасида ривожланаётган амалиёт мулоҳазасидан пайдо бўлади.

«Инновацион фаолият ўқитувчининг ўз фаолиятидан қоникмаслигидан келиб чиқади. У ўқитувчи томонидан у ёки бу педагогик вазифани ҳал қилишда қандайдир тўсиққа дуч келиниб, уни муваффақиятли ҳал этишга интилиш асосида юзага келади»[44;6]. Инновацион фаолият янги ғояни

излашдан бошланади. Педагогик инновация таълим-тарбия жараёнидаги муҳим ва мураккаб масала ечимига йўналитирилганлиги сабабли ўқитувчидан янгича ёндашувни талаб қилади. Ўқитувчи инновацион фаолияти тузилишини таҳлил қилишга турли хил ёндашувлар мавжуд. Масалан, А. Никольскаянинг фикрича, фаолиятни янгилаш 3 босқичда, яъни тайёргарлик, режалаштириш ва жорий этиш босқичларида амалга оширилади [81;34].

Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлашда бир қатор психологик тўсиқлар мавжуд. Буларнинг биринчиси ўқитувчининг ўзи кўниккан фаолият чегарасидан ташқарига чиқиши жуда қийинлиги, яъни ўқитувчиларда ижодкорликнинг етарли эмаслиги бўлса, яна бир сабаб янги ва номаълум нарсалар ҳар доим одамларда чўчиш ва хавфсирашни келтириб чиқаришидир.

А.М. Хон ўқитувчиларда инновацион фаолиятни шакллантиришда учрайдиган психологик тўсиқларнинг икки турини ажратади: когнитив психологик тўсиқлар ва мунтазам пайдо бўладиган тўсиқлар. Когнитив психологик тўсиқлар янгилик ҳақидаги билимларнинг етишмаслиги, янгиликни ҳис қилмаслик ва нофаол хатти-ҳаракатлар ҳисобланса, мунтазам психологик тўсиқлар янгиликка нисбатан ишончсизлик, раҳбариятга ишонмаслик, ташаббускорларни қўллаб-қувватламаслик ва одатда янгилик киритувчиларга қарши курашиш каби кўринишларда намоён бўлади [123;114].

Замон шиддат билан ўзгариб борар экан, таълим соҳаси ҳам у билан баробар ўзгаради ва ўқитувчидан ўз фаолиятини ўзгартиришни талаб этади. Бугун ўқитувчининг асосий вазифаси фақат таълим беришгина эмас, балки бошқарувчиликдан иборат бўлиб, у таълим жараёнини тўғри ташкил қилиши ва бошқариши талаб этилмоқда.

Инновацион фаолият ўқитувчининг ҳамма муваффақиятини белгиловчи асосий фаолият бўлиб, у шахснинг касбий, методик маҳоратини сифатли қайта қуриш демакдир.

Бизнинг фикримизча ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятга тайёргарлигини таҳлил қилишни 3 босқичда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Янгиликни педагогик фаолиятда қўллашдан олдинги даврдаги ўқитувчи фаолиятини таҳлил қилиш.

2. Инновацион фаолиятнинг фаол шаклланиш даврини таҳлил қилиш.

3. Педагогик жараёнга янгилик киритилиб бўлгандан кейинги даврдаги фаолиятни таҳлил қилиш.

Кўрсатиб ўтилган босқичларда ўқитувчи фаолиятини таҳлил қилиш асосида биз инновацион фаолиятнинг асосий хусусиятларини 1.1.1-расмда кўрсатиб ўтамиз:

5-расм. Ўқитувчи инновацион фаолиятининг асосий хусусиятлари



Маълумки, шахснинг хислат ва фазилатлари фаолият кўрсатиш жараёнида шаклланади ва фаолиятнинг натижаси ҳисобланади. Шу сабабли ўқитувчиларда янгиликка интилувчанлик ва мустақил мутолаа қилишга доимо

зарурият сезиш психологиясини сингдириш лозим. Чунки янгилик - инсонга улуғворликдан кўра кўпроқ завқ бағишлайди. Агар ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш вазифалари малака ошириш жараёнида амалга оширилса, амалиётда таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этиш ишлари анча самарали бўлади ҳамда масофадан ўқитиш тизими кутилган натижаларга олиб келади.

Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда шундай хулосага келиш мумкин. Ўрганиб чиқилган илмий ишларнинг аксариятида «инновацион фаолият» тушунчасига таъриф берилган бўлсада, бу соҳада ҳаммага маъқул келадиган ва инновацион фаолиятнинг тўлиқ мазмунини очиб берадиган ягона таъриф яратилмаган, шунингдек, бу фаолиятни шакллантириш жараёнига нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас. Мавжуд адабиётларда асосий урғу иқтисодий соҳадаги инновацияларга бағишланган бўлиб, уларда ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш масалалари, мазкур жараён моҳияти очиб берилмаган. Республикамизда эса юқоридаги муаммо доирасида айрим элементларгина тадқиқ қилинган, холос. Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида туб ислохотларни амалга ошириш жараёнида ушбу таълим муассасалари олдидаги вазифалар моҳияти ҳам ўзгарганлигини ҳисобга олиб, ўқитувчи фаолиятини янгилаш муаммоси долзарб педагогик муаммо сифатида тадқиқ этишга муҳтождир.

1.2. Инновацион фаолиятни ташкил қилиш зарурияти ва омиллари

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги (ЎРҚ- 637-сон, 23.09.2020 й.) қонуни, 2019 йил 29 октябрь “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-576-сон, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июлда «Инновацион фаолият тўғрисида» ги ЎРҚ-630-сонли Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон фармонлари бугунги кунда инновацион фаолиятни ташкил этишнинг асосий норматив-ҳуқуқий асослари ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўзининг ҳуқуқий асосларига эга бўлиб, кенг қулоч ёзаётган инновацион фаолият қуйидаги асосий принципларга таянади:

- инновацион фаолиятнинг эркинлиги;
- инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашдан тенг фойдаланилишини таъминлаш;
- инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ошкоралиги ва аниқ йўналтирилганлиги;
- рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш;
- ахборотни эркин алмашиш; инновацион фаолият натижасида яратилган интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш;
- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, аτροφ-муҳитга зарар етказмаслик.

Ўзбекистон қонунчилигида инновацион фаолият соҳасидаги муносабатлар, инновация ва инновацион фаолият соҳасидаги тушунчалар, иштирокчилар таркиби ва ушбу жараёнда уларнинг ўзаро муносабати, апробация механизмларини самарали ташкил этиш, илмий ишланмаларни амалиётга тадбиқ этиш ва саноатда ўзлаштиришни тартибга солувчи қонун ҳужжати сифатида 2020 йил 24 июль куни “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни имзоланган. Қонуннинг мақсади инновацион фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонунда инновация, инновацион инфратузилма, инновацион лойиҳа, инновацион фаолият,

технологиялар трансфери ва янги ишланмалар тушунчаларига қуйидагича таърифлар келтирилади:

Қонунда ифодаланган таърифга, кўра **инновация** – фуқаролик муомаласига киритилган ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган, қўлланилиши амалиётда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлайдиган янги ишланма. **Инновацион фаолият** эса, янги ишланмаларни ташкил этиш, шунингдек ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг ўтказилиши ва амалга оширилишини таъминлаш бўйича фаолиятдир.

Қонунда қуйидагилар **инновацион фаолият соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари** этиб белгиланган:

- инновацион ривожлантиришнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини таъминлаш;
- устувор йўналишларни белгилаш;
- зарур шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш;
- инновацион фаолият субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;
- республика, тармоқ ва ҳудудий давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш;
- давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш;
- кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;
- халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Қонунга мувофиқ, **давлат томонидан инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш** қуйидаги тарзда амалга оширилади:

- инновацион ривожлантириш стратегияларини қабул қилиш ва амалга ошириш;
- норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;
- инновацион фаолият субъектларига солиқ, божхона имтиёзлари ва преференциялар бериш;
- республика Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан

инновацияларни яратишга оид давлат буюртмасини бажариш;

- инновацион фаолиятни молиялаштиришга хўжалик юритувчи субъектлар маблағларини жалб қилиш учун шарт-шароит яратиш;

- илм-фан ютуқларига асосланган маҳсулотнинг ва илғор технологияларнинг давлат харидларини ташкил этиш;

- инновацион фаолият соҳасида кадрларни тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш.

Инновацион фаолият субъектлари қуйидагилардан иборат:

- инновацион фаолиятни амалга оширувчи жисмоний шахслар;

- соҳадаги ягона давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар;

- янги ишланмаларни яратадиган, жорий этадиган ва инновациялардан фойдаланадиган илмий, илмий-тадқиқот, олий таълим, ишлаб чиқариш ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар;

- ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчилар манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари;

- фаолият жараёнида амалга ошириладиган ва фойдаланиладиган интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқ эгалари;

- фаолиятга инвестиция қилишни амалга оширувчи инвесторлар ва тадбиркорлик субъектлари.

Инновацион фаолиятни моддий-техник, молиявий, ташкилий-услубий, ахборот, консультатив ва бошқа жиҳатдан таъминлайдиган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва улар бирлашмаларининг мажмуи инновацион инфратузилма ҳисобланади. Унинг субъектлари қуйидагилардан иборат:

Инновацион технологик парк (технопарк) – инновацион фаолиятни амалга ошириш учун қулай шарт-

шароитлар яратиладиган ягона моддий-техника мажмуаси бўлган ҳудудга эгалик қилувчи юридик шахс. Технопаркнинг асосий вазифаси – унинг резидентларини қўллаб-қувватлаш. Унинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилгачани ташкил этади, кейинчалик бу муддат узайтирилиши мумкин. Технопарк резидентининг мақоми танлов асосида 10 йил муддатгача берилади;

Технологиялар трансфери маркази – технологиялар трансферини ва инновацион ишланмаларни тижоратлаштиришни таъминлаш мақсадида ташкил этилган юридик шахс;

Инновацион кластер тегишли ҳудудда инновацияларни яратишда иштирок этувчи инновацион фаолият субъектларининг, инновацион фаолият натижалари истеъмолчиларининг йиғиндиси сифатида юридик шахс ташкил этмасдан тузилади. Уларнинг асосий мақсади самарали ҳамкорлик қилишдан, қувватлардан биргаликда фойдаланишдан ҳамда билимлар, кўникмалар алмашишдан, шунингдек технологиялар трансферига улушни таъминлаш орқали инновацион фаолиятни рағбатлантиришдан иборат бўлади;

Венчур ташкилотлар, фондлар, ширкатлар – асосий фаолият тури хавфли инновацион лойиҳалар амалга оширилишини молиялаштиришдан иборат бўлган, ҳам юридик шахс шаклида ташкил этиладиган, ҳам юридик шахс сифатида ташкил этилмайдиган ихтисослаштирилган молия институтлари.

Инновация маркази инновацион фаолият соҳасида янги ғояларни яратишдан янги ишланмаларни тижоратлаштиришгача бўлган тўлиқ ишлар туркумини амалга ошириш мақсадида юридик шахс шаклида ташкил этилади.

Қонун билан инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари Ўзбекистон республика бюджети; Қорақалпоғистон республика бюджети ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари; Инновацион ривожланишни ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш

жамғармасы; инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармалари; венчур жамғармалари; соҳа субъектларининг ўз маблағлари; халқаро грантлар, тижорат банкларининг, шу жумладан чет эл банкларининг ва халқаро молия институтларининг мақсадли кредитлари; хусусий инвесторларнинг маблағлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

“Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармон билан тасдиқланган Концепциясининг стратегик мақсади – миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг инновацион ва юқори технологик форматига ўтиш, мамлакатимизнинг рақобатдош устунликларини ишга солиш ва тўғри сафарбар этиш, инновацион маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш, жадал иқтисодий ўсишни таъминлайдиган йўналишларга инвестицияларни йўналтириш, аҳоли турмуш даражасини бир неча бор яхшилаш, ижтимоий соҳадаги долзарб масалаларнинг инновацион ёндашувга ҳамда илмий тадқиқотлар ва эришилган натижаларга асосланган илмий ечимини топиш, халқаро миқёсда илмий ҳамкорликни ривожлантириш шунингдек «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги ва «Инновацион фаолият тўғрисида»ги қонунлар ижросини таъминлаш ҳисобланади.

Мавжуд қонунчилик доирасида иқтидорли ёшларни аниқлаш, академик лицейларга жалб қилиш, олий таълим муассасаларига саралаб олиш, чуқурлаштирилган таълим дастурлари асосида ўқитиш, уларнинг фан олимпиадаларидаги иштирокини кенгайтириш, илмий фаолиятга бўлган қизиқишини ошириш, «устоз-шогирд» тизими асосида тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали мутахассисларга бириктириш, бу борадаги маълумотлар электрон базасини яратиш; олий таълим муассасаларининг Ёшлар академияси ҳамда Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантириб бориш; олий таълим муассасалари илмий салоҳиятини ошириш, мақсадли докторантура орқали илмий ва илмий-педагог кадрлар

тайёрлаш тизимини ривожлантириш; хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма илмий даража дастурларини ишлаб чиқиш; олий ўқув юртидан кейинги таълим институтлари фаолиятини хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, илмий кенгашлар ва ҳимоялар тизимини халқаро тажрибага мувофиқлаштириш таълим соҳасидаги инновацияларнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб берилган.

Концепция илм-фан ва илмий фаолиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, вазифалари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги ривожланиш босқичларини белгилаб беради ҳамда соҳага оид мақсадли дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади. Концепцияда яқин келажакда илм-фан соҳасида ҳал этилиши зарур бўлган ўн тўққизта асосий муаммолар кўрсатиб ўтилди. Илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қилиб илм-фан соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш, илм-фан ва илмий фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш, юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш, илм-фанни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини яратиш, илм-фан тараққиётига кўмаклашадиган замонавий ахборот муҳитини шакллантириш белгиланди.

Республикада илмий-тадқиқот ва инновацион ишланмаларнинг сифати, самарадорлиги ва манфаатдорлигини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан жами 49 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат жорий қилинди.

Мазкур қонунларни ҳаётга жорий этилиши жамиятда шаклланаётган янги илм-фан, интеллектуал мулк ва инновациялар соҳасидаги замонавий ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинишини, инновацион фаолият соҳалари ва унинг барча иштирокчиларини самарали ҳамкорлиги қонуний ваколатларини таъминлайди, инновацион фаолият

субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, инновацион фаолият субъектларини кенг кўламда ташкил этиш имконини беради.

Таълим тизимини мазмунан ислоҳ қилиш жараёнида педагог кадрлар обрў-эътибори, масъулияти ва касб кўникмасини ошириш юзасидан собитқадамлик билан давлат сиёсати олиб борилмоқда. Бу борада ўқитувчи фаолиятини янгилаш ва инновацияларни таълим жараёнига киритиш асосий вазифа ҳисобланади. Ҳар қандай бошқа соҳа мутахассислари каби ўқитувчиларнинг ҳам касбий тайёргарлик даражаси уларнинг билим, кўникама ва малакалари, ижодий салоҳияти ҳамда ностандарт тафаккурларида ўз аксини топувчи касбий лаёқати билан баҳоланади.



6-расм. Инновацияларни амалиётга татбиқ этиш босқичлари

Педагогнинг обрў-эътиборини ва ижтимоий мақомини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Таълим олувчилар ва педагогларнинг ўқиши, саломатлиги, дам олиши учун шароитлар яратилмоқда. Кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий базаси ишлаб чиқилмоқда. қўшимча таълим тизимлари ривожлантирилиб,

халқаро миқёсда илмий педагог кадрлар, талабалар ва ўқувчиларни алмашиш кенгайиб бормоқда.

Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир! Бу жараёнда узлуксиз таълим тизимининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш тури алоҳида аҳамиятга эга. қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимининг бош вазифаси мутахассисларнинг мунтазам равишда касбий билимлари, ўқув кўникмаларини бойитиб бориш, уларни таълим бозоридаги рақобатга тайёрлаш, рақобатли меҳнат муҳитини вужудга келтиришдан иборат. Ҳозирги кундаги энг долзарб вазифа илгари тайёрланган олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларни ислохотлар даврида фаол иш олиб боришга жалб қилиш мақсадида қайта тайёрлаш ва уларнинг касб малакаларини ошириш ҳисобланади. Бу вазифани ҳал қилиш янги кадрлар тайёрлаш учун талаб қилинадиган вақтни камайтириш ва маблағларни тежаш имконини беради.

Ўқитувчиларда фаол, изланувчан фаолиятни шакллантиришнинг ижтимоий педагогик омиллари В.В.Анисимов, Н.Н.Азизхўжаева, Ю.К.Бабанский, В.П.Беспалько, Е.Е.Вяземский, С.Б.Елканов, Н.В.Кузьмина, У.Н.Нишоналиев, М.Очилов, В.А.Сластенин, Б.С.Нуридинов каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Адабиётлар таҳлили ва бу соҳада олиб борилаётган ишлар, энг аввало, амалий тажрибаларни ўрганишга қаратилган бўлиб, тавсифий характерга эғалигидан дарак беради. Ўқитувчининг шахсий моделини тузиш ва шу асосда касбий педагогик тайёргарликни такомиллаштириш муаммоси В.А.Сластенин томонидан тадқиқ этилган бўлиб, бу бевосита тарих фани ўқитувчисига ҳам тегишли. Олимнинг фикрича, ўқитувчи шахсининг умумлашган моделини педагогик фаолият тузилмасини тизимли таҳлил қилиш асосида тузиш мумкин бўлади [108;97]. Ўқитувчи модели жамиятнинг ижтимоий буюрмаси сифатида Давлат таълим стандарти, ўқув режа ва дастурларни амалга ошириш ва тизимлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Ўқитувчи инновацион фаолиятини таҳлил қилиб, унинг шаклланиш босқичларини қуйидагича белгилаш мумкин:

Биринчи босқич -тайёр методик тавсияномалар аниқ қилиб кўчирилади.

Иккинчи босқич -мавжуд тизимга айрим янги мослама (модификация)лар, методлар киритилади.

Учинчи босқич - янги ғояни амалга ошириш мазмуни, методлари ва шакли тўла ишлаб чиқилади.

Тўртинчи босқич - ўқитувчи ўқитиш ва тарбиялашнинг ўз концепциясини ва методикасини ишлаб чиқади.

Ўқитувчи инновацион фаолиятнинг шаклланишидаги **биринчи босқич**да қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

- педагогик фаолиятда ижодий йўналишни шакллантириб бориш;

- педагогик жараёнда субъект-субъект ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

- педагогик касбини ривожлантириш ва бунга қизиқишни орттириб бориш;

- кенг қизиқиш доирасини шакллантириш, педагогик мулоқотда очиқликни таъминлаш;

- «мен-ғоялар» ижодий фикрлаш йўналишини ривожлантириб бориш;

- педагогик вазифаларни ҳал қилишга ижодкорлик билан ёндашув, таҳлил қилиш малакаларини ривожлантириб бориш;

- ижодий ишлаш технологиясини шакллантириш.

Бу жараёнда шахсиятни ўстириш тренинги, муаммоли ўқитиш технологияси, фаол таълим методикасидан фойдаланиш ва янгилик киритиш жараёни билан таништириб бориш лозим. Биринчи босқичнинг асосий мазмунини умумий психологик-педагогик билимларни эгаллаш, ўз фаолиятини таҳлил қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириш ташкил этади. Мазкур босқич олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнида шакллантирилиши лозим.

Ўқитувчиларда инновацион фаолиятни шакллантиришнинг **иккинчи босқичи**да қуйидаги вазифалар бажарилиши лозим:

- педагогик фаолиятни вариатив ривожлантириш;
- маънавий-маданий билимларни ошириш;
- педагогик янгиликларни ўзлаштириш эҳтиёжини шакллантириш;
- педагогик рефлексни ривожлантириш;
- янги турдаги фаолият сифатида инновацион ахборот фондини шакллантириш.

Ўқитувчиларни мазкур вазифаларни бажаришга тайёрлашда муаммоли ўқитиш, ўзини англаш бўйича тренинглар ташкил этиш, ўқитишнинг ривожлантирувчи технологиялари билан таништириб бориш, ўқитишнинг шахсга мўлжалланган технологияларидан фойдаланиш, муаллифлик концепцияларини изоҳлаш, ўқитиш методларини танлашга ўргатиш, дарсни композициялаш, педагогик техника ва технология тренингларини, мустақил ишларни ташкил этиш орқали педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш лозим.

Инновацион фаолиятни шаклланишининг **3-ва 4-босқич**ларида қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

- педагогик фаолият ва бир бутун ҳолатда педагогик мулоқот технологиясини замонавийлаштириш;
- инновацион фаолият технологиясини ўзлаштириб олиш.

Бунда муаллифлик дастурларини тузиш методикасини билиш, киритилаётган янгиликларни тажриба-синов босқичларига ажратиб, унинг режасини ишлаб чиқиш, янгиликни таҳлил қилиш, педагогик жараёнга янгиликни киритиш, тузатишларни амалга ошириш, педагогик тажриба-синов ишлари натижаларини баҳолаш талаб этилади. Бу босқични шакллантиришда, асосан, қуйидаги технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: ташкилий-фаолиятли ўйинлар, инновацион рефлексли амалиёт, муаллифлик концепцияларини ўрганиш, муаллифлик дастурлари, ишланмаларини яратиш,

инновацион типдаги ўқув муассасаларида амалиёт ўташ, малака оширишнинг турли шаклларида ва муаммоли курсларда иштирок этиш, педагогик маҳоратни мустақил ошириш. Инновацион фаолиятга тайёрлашдаги мавжуд муаммолардан бири-бу психологик тўсиқнинг мавжудлиги. Тарихдан маълумки, номаълум ва янги нарсалар ҳар доим инсонларда қўрқув ва хавотирни, ташвишланиш ҳолатини келтириб чиқарган.

Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда қийинчиликларга дуч келинишининг қатор сабаблари бор. Улар қуйидагилардан иборат:

- педагогларда консерватизмнинг мавжудлиги ва мослашувчанликнинг йўқлиги;

- таълим берувчи ва таълим олувчининг самарали ўзаро таъсирини ташкил эта олмаслик;

- янги педагогик технологияларни ўзлаштиришга нисбатан қизиқишнинг паст даражадалиги;

- таълим беришнинг анъанавий методларидан воз кечиб, замонавий методларини қўллай олмаслик.

Инновацион фаолиятнинг шаклланиш жараёнида тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва уни бошқариш муҳим босқич ҳисобланади, чунки ҳар қандай янгилик амалиётга киритилишидан олдин тажрибадан ўтказилади. Шу сабабли педагогик тажриба-синов дастурини тайёрлашда қуйидагилар назарда тутилади:

1. Таклиф қилинаётган янгиликнинг долзарблигини асослаш.

2. Тажриба-синов объектини аниқлаш.

3. Тажриба-синов мақсадини белгилаш.

4. Тажриба-синовни ўтказиш методикасини ва методларини белгилаб олиш.

5. Тажриба-синов муддати ва босқичларини белгилаш.

6. Кутилаётган натижаларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Педагогик жараёнда инновацион фаолият муҳим ўрин эгаллайди. Айни бир вақтда, бир хил шароитларда ўқитиш сифат-самарадорлиги ҳар бир ўқитувчида турли хил бўлиши

мумкин. Ҳозирги вақтда ўқитиш технологияси ва дарсни ташкил этишнинг замонавий методлари соҳасида ўқув фанлари бўйича билимларнинг ривожланиши ва узлуксиз равишда ортиб бориши кузатилмоқда. Шунинг учун ўқитувчиларнинг тайёргарлик даражасини эртанги кун талабларига мувофиқлаштириш зарурати туғилмоқда. Бу талабларнинг ўзгариш тезлигини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчилар малакасини оширишнинг узлуксиз ва доимий тизимини йўлга қўйиш керак. Бу таълим технологияларини мунтазам равишда янгилаш ва ўқитувчининг инновацион фаолияти билан боғлиқ. Билимнинг барча соҳаларидаги жадал жараён туфайли амалда қўлланилаётган ўқув материалларида келтирилган ахборотнинг маълум бир қисми тезда ўз долзарблигини йўқотади ва янгилашни тақозо этади. Айниқса, бу ижтимоий-гуманитар фанларга тааллуқли. Асосий мақсад ўқувчига бериладиган билим сифатини ошириш ва самарадорликка эришишдан иборат экан, ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнида педагогика ва технология соҳасидаги сўнгги ютуқларга, ўқув жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш механизмига катта эътибор бериш керак.

Шундай қилиб, тарих ўқитувчиларини инновацион фаолиятга ва инновацион жараёнларга тайёрлаш ишларининг анча мураккаблиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Бу бир қанча объектив ва субъектив сабаблар, энг аввало, ўқитувчиларнинг ахборот технологиялари бўйича бошланғич тайёргарлик даражасининг пастлиги, таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш борасида малакасининг етарли эмаслиги, зарурий ўқув ахборотларини мустақил ҳолда ўзлаштира олиш малакаси йўқлиги билан боғлиқ.

Аксарият ижтимоий фанлардан дарс берувчи ўқитувчилар ахборот технологияларидан фойдаланишни билиш шарт эмас, деб ҳисоблашади. Ҳолбуки, бугунги кунда ахборот технологияларидан фойдаланиш –ўқитувчилар

малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг замонавий амалий воситаси эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда дуч келинадиган қийинчиликларни бартараф этиш мумкин. Бунда таълим олувчининг ўқитишнинг янги шаклларига мослашувини сезиларли даражада тезлаштириш керак.

Тадқиқот доирасида ўтказилган педагогик тажрибасинов асосида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш учун махсус ўқув дастури яратиш зарурати борлиги аниқланди.

Педагогика олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлашда ўқитиладиган асосий фанлар қаторидан «Педагогика тарихи», «Умумий психология ва педагогик маҳорат асослари» каби фанлар ва ўқув курслари ўрин олган. Мазкур фанларнинг ўқув дастурлари ва ўқув-мавзу режаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, педагогик кадрлар тайёрлашдаги асосий эътибор бўлажак ўқитувчиларда педагогик маҳоратни шакллантириш, педагогик технология элементларини эгаллаш, ўқитувчи маҳоратига доир долзарб муаммолар, ўқитувчи маҳорати, унинг асослари, ўқитувчи фаолиятида касб маҳоратининг ўрни ва моҳиятини билиш, фаолиятнинг турли ҳолатларида ўқитувчининг муомала маданияти, алоқа ўрнатиши ва мулоқотга кириша билиши ҳақидаги билимлар талабалар томонидан ўзлаштириб олиниш керак. Масалан: “Педагогик маҳорат асослари” ўқув курсида талабаларга фақат педагогик маҳоратни шакллантиришнинг асосий тамойиллари, педагогик фаолиятни ташкил этишнинг таянч элементлари, фаолиятни режалаштириш босқичлари ҳақидаги билимлар берилади. Мазкур курсда, ўқитувчининг инновацион фаолияти, унинг шаклланиш босқичлари, бу фаолиятни таркиб топиш жараёнида педагогик жамоанинг ўрни ва роли, янгиликларни педагогик фаолиятга олиб киришнинг илмий асослари ҳақидаги билим ва кўникмалар шакллантирилса, бўлғуси мутахассислар амалий фаолиятига пухта замин ҳозирланган бўлар эди. Шунингдек, фаолият психологиясидаги мотивация муаммолари ҳам инновацион

фаолиятга тайёрлашдаги асосий масалалардан бири ҳисобланади. Ўқитувчининг инновацион фаолияти ҳақида гапирганда бу фаолиятнинг илмий-методик ўзига хослиги ҳақидаги савол пайдо бўлади. Бу фаолиятнинг имкониятлари таълим тизими кўламида инновацион ғоялар, лойиҳалар, технологияларни жорий қилишда ва шахсни ривожлантиришда намоён бўлади. Бу фаолият имкониятлари ўзида қуйидагиларни жамлайди:

- ўқитувчининг янгиликни қўллашга тайёргарлиги;

- ўқитувчининг педагогик янгиликни қабул қилиши;

- жамоада ўқитувчининг новаторлик даражаси;

- ўқитувчи коммуникатив қобилиятининг ривожланганлиги;

- ўқитувчининг ижодкорлик даражаси.

Ўқитувчиларнинг янгиликни ўзлаштиришга тайёргарлик мезонлари эса ўқитувчи мотивацияси, малака тайёргарлиги, педагогик тажриба-синов ишларини амалга ошириш борасидаги билим ва малакалари, инновация йўлидаги тўсиқларни бартараф эта олиш маҳорати билан белгиланади.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг асосий белгиларидан бири унинг ижодий фаоллиги, ижодкорлиги ҳисобланади. Ўқитувчидан янгиликларни ўзлаштириб бориш билан бирга уларни ўз фаолиятида қўллаши ва педагогик жамоа ўртасида тарғиб қилиши талаб этилади. Инновацион фаолият педагогик маҳоратнинг юқори босқичи бўлиб, бунда жамоа аъзолари бир-бирини қўллаб-қувватлаши, киритилаётган янгиликнинг мактабда ўз ўрнини топишига ишонч билан қараш, қийинчиликларга дуч келганда руҳан тушкунликка тушмасдан, ўз хатоларини кўра билиш ва уларни тузатишга ҳаракат қилиш талаб этилади. Ўз-ўзини тарбиялаб бориш, ўз устида тинмай ишлашга ҳаракат қилиш инновацион фаолиятнинг асосий шарти ҳисобланади.

Ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда жамоадаги психологик муҳит, жамоа аъзоларининг қанчалик даражада дунё таълим бозоридаги янгиликлардан хабардор эканлигини ҳисобга олиш зарур. Ўқитувчи инновацион фаолиятининг шаклланишида педагогик жамоанинг алоҳида

ўрни борлигини кўпчилик олимлар таъкидлаб ўтадилар. Ўқитувчиларнинг новаторлик хусусиятлари ва таълим жараёнидаги янгиликларга бўлган муносабатига қараб, К.Роджерс ва К.Ангеловский педагогик жамоа аъзоларини 5 та гуруҳга ажратишни таклиф этади [15;24]. 1. Новаторлар. 2. Олдинги реализаторлар, 3. Олдинги кўпчилик. 4. Кейинги кўпчилик. 5. Иккиланувчилар.

Таълим сифатини ошириш жамиятнинг барча жабҳаларида ҳаётни яхшилашга олиб келади. Янгилик киритиш таълим сифатини оширишнинг самарали воситаси бўлганлиги учун ҳам ривожланган давлатлар таълим жараёнига узлуксиз янгилик киритишга ҳаракат қиладилар. Кўпгина мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, инновацион жараёнларда таълим тизимидаги барча бўғинлар иштирок этиши лозим. Аммо инновацион жараёнлар юқоридан пастга қараб ҳаракатланса ва бунда ўқитувчи бўйсунувчи, яъни янгиликнинг фақат истеъмолчиси бўлиб қолса, у ҳолда бу жараён бюрократик тус олади. Инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнида мақсад аниқ белгиланиб, ўқитувчининг олдинги фаолиятини ташхислаш асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

Ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнида муайян муаммолар мавжудлиги ушбу тадқиқот ишини амалга ошириш жараёнида маълум бўлиб қолди. Булар қуйидагилар:

1. Таълим тизимидаги инновациялар, инновацион таълим, ўқитувчи инновацион фаолиятини шакллантирувчи, унинг назарий ва амалий асосларини илмий жиҳатдан асослаб берувчи манбалар, махсус адабиётларнинг етарли эмаслиги.

2. Малака ошириш институтлари педагогларни инновацион фаолиятга тайёрлаш борасида етарли билим ва тажрибага эга эмаслиги, шунингдек, бу борада махсус дастурлар, ўқув-мавзу режалари ишлаб чиқилмаган, вариатив малака ошириш дастурларининг мавжуд эмас, умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига мўлжалланган

услубий қўлланмалар ва тавсияларнинг талаб даражасида эмас.

3. Вилоятларда ва чекка туманларда жойлашган таълим муассасаларида инновацион фаолият, педагогик технология назарияси моҳиятини очиб берувчи амалий фаолиятнинг ташкил этилмаганлиги (семинар, тренинг, ўқув ва илмий-амалий конференциялар фақат туман ва шаҳар марказларида ташкил этилиб, чекка мактаб ва туман ўқитувчилари бундан беҳабар қолмоқдалар).

4. Муаммо доирасида оммавий ахборот воситаларида илғор ўқитувчилар тажрибалари ҳақида, таълим жараёни мазмунидаги янгиликлар тўғрисида маълумот берувчи таҳлилий чиқишлар уюштирилишига етарли даражада эътибор берилмаётганлиги.

5. Таълим соҳасида фаолият юритувчи халқаро донор ташкилотлар имкониятларидан кенг қўламда фойдаланиш учун ҳаракат қилинмаётганлиги (Халқаро ташкилотлар томонидан тайёрланган таълим тренерлари фаолиятининг сустлиги)

6. Ўқитувчи инновацион фаолияти, инновацион таълим муаммоларига бағишланган илмий тадқиқот ишларининг суст олиб борилаётганлиги, методик тавсиялар ва қўлланмаларнинг камлиги.

Ушбу муаммоларнинг ижобий ечимини таъминлаш учун малака ошириш мазмунини янгилаш, педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида касб маҳорати фанларини ўқитиш дастурларига тегишли ўзгартиришлар киритиш лозим. Инновацион фаолият шаклланишида янгиликка нисбатан ички эҳтиёж ва қизиқишнинг юзага келиши, янгилик киритишга нисбатан рағбатнинг қарор топганлиги, раҳбарият ва педагогик жамоа бирлиги, улар якдиллигининг шаклланганлиги, педагогик жамоа аъзоларининг инновация моҳиятидан хабардорлиги, ўқитувчиларда янгилик киритиш учун педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларнинг таркиб топганлиги, педагогик фаолиятда янгиликни қўллай олиш маҳоратига эгалиги, ижодкорлик ва

изланувчанлик, ўқувчилар ва педагогик жамоа орасида кўтаринки кайфиятни яратиш сифатларининг мавжудлиги асосий ўрин эгаллайди.

Шу ўринда инновацион фаолият натижаси нимада кўринади?-деган савол туғилиши табиий.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг натижаси қуйидагиларда кўринади:

- бажарилиши лозим бўлган ишнинг мақсадини аниқлай олишида;

- ностандарт вазиятларни таҳлил этиб, тезкор хулосалар чиқара билишида;

- ўқув-тадқиқот жараёни билан боғлиқ масалаларни ечиш усуллари эгаллаганлигида;

- муаммоларни ҳал этишнинг мақбул восита ва усуллари излаб топиш, кузатиш ва тажриба натижаларини тизимлаштиришда;

- ўз устида мустақил ишлашни режалаштира олишида;

- ўз иши натижасини назорат ва таҳлил қила олишида;

- янги ахборот технологияларидан фойдаланиш малакасининг мавжудлигида;

- янги ғояларни излаб топа олиши, педагогик масалаларни алгоритмлаштириш малакасига эгалигида.

Инновацион фаолиятнинг шаклланганлик даражаси ўқитувчида ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиш кўникма ва малакалари таркиб топганлиги, ўқитувчи ўз фаолиятида инновацияларни, педагогик технологияларни қўллай олиш маҳоратига эгалиги, тажриба-синов ишлари режасини ва дастурини тузиши ва уни амалга ошириш малакасига эгалиги, ўзидан бошқа тадқиқотчи педагоглар тажрибаларини таҳлил қилиб, уни амалиётда қўллай олиши, фикр ва тажриба алмашиб, методик ёрдам кўрсата олиши, муаллифлик концепцияларини ярата олиш маҳоратига эгалиги, зиддиятлар олдини олиш, педагогик вазиятларда тўғри қарор қабул қилиши билан белгиланади.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг илмий-методик таъминланиши муҳим аҳамиятга эга. Педагогик жамоанинг инновацион салоҳияти таълим тизими кўламида инновацион

ғоялар, лойиҳалар, технологияларни жорий қилишда ва уларни ривожлантиришда намоён бўлади.

Ўқитувчининг янгиликни ўзлаштириб олишга тайёрлиги ўзига хос мезонларга эга бўлиб, улар қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

-ўқитувчининг янгилик ҳақидаги маълумотларга эгалиги;

-ўқитувчи мотивацияси;

-ўқитувчининг малакавий тайёргарлиги;

-педагогик тажриба-синов ишлари ва тадқиқотларни амалга ошириш ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларга эгалиги;

-инновацияга қарши бўлган тўсиқларни бартараф эта олиши.

Юқорида баён этилган мулоҳазаларга асосланиб, қуйидаги хулосага келиш мумкин: инновацион фаолият бир неча босқичларда таркиб топадиган фаолият бўлиб, ўзининг назарий ва амалий асосларига эга бўлган педагогик фаолиятнинг алоҳида босқичи. Инновацион фаолиятга тайёрлашда педагогларнинг психологик тайёргарлигини ошириш, уларнинг шахсий имкониятларини намоёйиш этишга йўналтириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу тадбирлар малака ошириш жараёнида амалга оширилиши лозим. Инновацион фаолият инфратузилмасини шакллантириш, яъни инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган хизматларни тақлиф этувчи ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш тақозо этилади. Бунда инновацион фаолиятга тайёрлашнинг назарий ва педагогик асосларини ишлаб чиқиш ва унинг умумий моделини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

1.3. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш йўллари

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ижтимоий ривожланиш, фан-техника тараққиёти даражаси,

ишлаб чиқариш ва меҳнат бозоридаги ўзгаришларга мувофиқ равишда, шунингдек, уларнинг шахсий талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, касбий билим ҳамда кўникмаларини чуқурлаштириш ва бойитиш ҳамда янги ихтисослик ўргатиш мақсадида амалга оширилади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг замон талабларига мослашувчан, таълимнинг юқори сифатли ва барқарор ривожланишини кўзловчи тизимини вужудга келтириш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, рақобатбардош даражада касб сифатини қўллаб-қувватлашни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Малака ошириш тизимида инновацион фаолиятга тайёрлашдан мақсад ўқитувчиларга бериладиган назарий билим ва касбий кўникмалар самарадорлигини ошириш, ўқитувчининг психологик, педагогик маҳоратини янада кучайтириш, рақобат шароитида ишлаш кўникмасини ҳосил қилиш ва умумтаълим мактаблари олдида турган долзарб вазифаларни тўла тушиниб етишига қаратилган. Ўқитиш ва тарбиялашнинг янги методларини ўз вақтида ўрганиб олишларига шароит яратиш, уларнинг маданий, шахсий такомиллашувларига ёрдам бериш лозим.

Аммо амалдаги малака ошириш тизимининг таҳлили унда қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан:

- педагог кадрлар касбий фаолияти ва малака даражасининг доимий ички-ташқи мониторинги йўқлиги, уларнинг касбий маҳорати ташхисини ўтказишда ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги;

- педагог кадрлар малакасини ошириш аниқ эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда вариатив дастурлар асосида амалга оширилмаётганлиги;

- педагог кадрлар касбий таёргарлигидан қатъий назар, тегишли малака ошириш курсларидан, асосий вазифаларидан ажралган ҳолда ўтадилар, бу эса таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнига салбий таъсир

этади, чунки республика миқёсида минглаб юқори малакали педагоглар асосий иш жойидаги таълим-тарбия жараёнидан ажралган ҳолда малака ошириш курсларидан ўтадилар. Бундай ҳолат кадрлар малакасини оширишга ажратилган маблағдан самарасиз фойдаланишга олиб келади;

-педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ҳозирги тизимида малака ошириш институтларининг юқори малакали педагог кадрлар билан етарли даражада таъминланмаганлиги, ўқув-моддий негизнинг талаб даражасида эмаслиги, малака ошириш муддати, даврийлиги, мазмунининг бир хиллиги, педагогларнинг мустақил ва мунтазам ўз устида ишлаши, ўқув жараёнига инновациялар ва педагогик технологияларни татбиқ этиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг, шунингдек, мазкур жараёнга йўналтирувчи мотивларни шакллантиришнинг самарали механизми ишлаб чиқилмаганлиги каби камчиликлар мавжуд.

Малака ошириш жараёнида ташкил этиладиган малака ошириш курслари сифатини юқори даражада деб бўлмайди.

Малака ошириш курсларидан кўзланган асосий мақсад ўқитувчини фаол фикрлаш, мутолаа қилиш, мустақил ишлашга йўналтириш ҳисобланади. Аммо кўпчилик малака ошириш институтларида курслар учун асосий машғулот маъруза ёки бир қисм амалий машғулотлар ҳисобланади. Б.Нуридинов «Ўқитувчиларнинг жуда оз қисми ўқув жараёнини илмий тушунишни, билишни ўрганадилар, жуда кўп вақт ўқув дастурлари ва режаларини айтиб беришга, кўпинча уларни ёздиришга сарфланади. Малака оширишдаги бу камчилик ижод қилишга ёрдам бермайди, аксинча, ўқитувчини фикрлашдан узоқлаштиради ва тайёр усулларга ўргатади», -деб таъкидлаган эди [84;11].

Малака ошириш жараёни мақсадининг аниқ ва пухта белгиланиши унинг муваффақиятини таъминлашга пойдевор яратади. Бунда ўқитувчиларнинг психологик-педагогик хусусиятлари, эҳтиёж ва қизиқишлари, билими, касб маҳорати, ижодий лаёқати каби хусусиятларни инобатга олиш муҳимдир.

Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш аниқ мақсадга қаратилган ва пухта ишланган, ташҳисланган ўқув режалари ва дастурлари асосида амалга оширилганда муваффақиятга эришиш мумкин.

Таълим оловчида таълим ва билимга бўлган иштиёқни кучайтиришга, мустақил ишлашни, ўз касбига ҳурмат ва ифтихор, инсоний қадр-қиммат туйғусини шакллантириш инновацион фаолиятга тайёрлашдаги асосий омил ҳисобланади.

Инновацион фаолият -педагогнинг руҳий, ақлий, жисмоний кучини маълум мақсадга йўналтириш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни эгаллашни, амалий фаолият қирраларини назарий билимлар билан тўлдириб боришни, билиш, лойиҳалаш, коммуникатив нутқ ва ташкилотчилик маҳоратини ривожлантиришни талаб этади.

Ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш бир неча босқичда амалга оширилиб, узоқ давом этадиган жараён ҳисобланади.

1-босқич: Инновацион фаолиятга психологик жиҳатдан тайёргарлик босқичи. Бунинг учун ўқитувчи дидактик принциплардан қуйидагиларни билиши керак:

Мутаносиблик принципи -педагогик кўникмаларни эгаллашга эҳтиёж билан ўз фаолиятини ўзгартиришга эҳтиёж ўртасидаги мутаносиблик.

Ижодиёт принципи -педагогик жараёнда объект билан субъектнинг биргаликдаги ижодиёти.

Вазиятдан чиқа олиш -янги, шу давргача маълум бўлмаган вазиятлардан чиқиб кетиш.

2-босқич: Психологик-педагогик билимларни ва педагогик маҳоратни шакллантириш босқичи. Бунда:

- ижодий фаолият технологиясини эгаллаш;
- аввал эгалланган билим, кўникма ва малакаларни янги вазиятларга кўчира олиш;
- асосий ёки бош муаммоларни ажрата олиш;
- объектнинг янги функцияларини кўра билиш;

-мақбул ечимларни топа олиш;

-ўз-ўзини ва ўз фаолиятини таснифлай олиш кўникма ва малакалари шакллантирилади.

Инновацион фаолиятга тайёрлашдан мақсад ўқитувчининг янгиликка интилувчанлигини, ўз устида мунтазам равишда мустақил ишлаш кўникмаси ва малакасини шакллантиришдан иборат. Шу сабабли инновацион фаолиятга тайёрлашда ўқитувчи фаолиятидаги камчиликлар ва муаммолар, уларнинг сабаблари танқидий ўрганиб чиқиши лозим.

Педагог кадрлар малакасини ошириш тизимидаги мавжуд камчилик ва муаммолар раҳбар кадрлар ва педагогларнинг касбий-педагогик тайёргарлик даражаси асосида табақалаштирилган, вариатив дастурлар ва мустақил буюртмага асосланган тизимга босқичма-босқич ўтишни ташкил қилиш заруратини юзага келтирди.

Янгидан шакллантирилаётган тизимда ҳар бир педагогнинг педагогик фаолиятга илмий-методик жиҳатдан тайёргарлигини таҳлил қилиб, камчиликларга барҳам бериш мақсадида ўз эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда танлаб олиши мумкин бўлган малака ошириш шакллари белгиланди. Мазкур вазифани амалга ошириш мақсадида «Халқ таълими тизимидаги раҳбар ва педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги тартиби» ишлаб чиқилди. Унда муаммоли, мақсадли, муаллифлик курслари, ахборот технологиялари, педагогик технологияларни ўрганиш курси, масофадан ўқитиш каби малака ошириш курсларини ташкил этиш белгилаб берилган. Малака оширишнинг самарали тизимида ўқитувчи ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб, малака ошириш шаклини танлаш имкониятига эга бўлади.

Малака ошириш жараёнида тарих ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш қуйидаги масалаларни муваффақиятли ҳал қилиш имконини беради:

-ўқитувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини рақобатбардош даражада тутиб туриш;

-илгари тайёрланган кадрларни таълим ислоҳотлари шароитида фаол ишга жалб қилиш ва узлуксиз таълим тизимидаги ўзгаришларни тезликда амалиётга киритиш;

-ўқитувчи фаолиятини ривожлантириш орқали ўқувчи маънавияти, маданияти ва ахлоқи, иқтисодий, экологик ва ҳуқуқий саводхонлигини кўтариш;

-Давлат таълим стандартларини бажариш ва таълим жараёни сифатини оширишда илмий асосланган ёндашувларнинг қўлланишига имкон яратади.

Бугунги кунда малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида таркиб топган анъаналарга кўра янгиликлар одатда оммавий ахборот воситалари, маъруза ва семинарлар ташкил қилиш асосида амалга оширилмоқда. Бундай шароитда фақат бу борада маълум тажрибага эга, янгиликка интилувчан ўқитувчилар мисолида кутилган натижага эришиш мумкин.

Тажриба ва мотивациянинг етарли даражада шаклланмаганлиги кўпчилик ҳолатларда янги ғояларни жорий этишга жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Ўтказилган педагогик тажриба-синовлар, илмий тадқиқотларнинг якуни сифатида бугун педагогика олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабаларни ҳам, умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган ўқитувчиларни ҳам шартли равишда мазкур касбга бўлган муносабати, бу касбни танлаш сабаблари, эришган муваффақиятлари таҳлили асосида 3 та гуруҳга ажратиш анъанага айланиб бормоқда.

1-гуруҳ. Ўқитувчилик касбини севадиган, юқори тайёргарликка эга бўлган, ҳозирги замон ўқитувчисига қўйиладиган барча ижтимоий-педагогик талабларни тўғри тушунадиган, педагогик фаолиятнинг барча муаммоли масалаларини дадил ҳал этишга қодир, ҳар қандай янгиликни қўллаб-қувватлайдиган, ўз фани бўйича чуқур билимга эга, ўз устида мунтазам ишлайдиган ва мустақил малака оширишни тўғри режалаштирадиган ўқитувчилар.

2-гуруҳ. Ўрта тайёргарликка эга бўлган ўқитувчилар, уларда етарли ижтимоий-сиёсий ва жамоат ишлари учун

фаоллик мавжуд, жамоа билан иш олиб боришни истайдиган, баъзан ижодий янгиликка интиладиган, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш учун ҳаракат қиладиган, аммо таълимнинг психологик-педагогик асосларини билсаларда, кўзланган мақсадига эриша олмайдиган ўқитувчилар. Улар бошқаларга нисбатан кўпчиликни ташкил этадилар. Бунинг сабаби улар ўз билими ва маҳоратини, тажриба ва кўникмаларини оширишга интиладилар, аммо уни тизимли олиб бормайдилар.

3-гуруҳ. Назарий билим ва касб маҳорати қуйи савиядаги ўқитувчилар. Улар жуда тор сиёсий дунёқарашли, янгиликка бефарқ, тайёр материалдан фойдаланувчи, қийинчиликка бардош беришни истамайдиган, педагогик жамоа мақсадларига эътиборсиз, ўзларига ва бошқаларга нисбатан талабчан эмас, ўз фанлари ва умуман таълим-тарбия ишларидан юзаки маълумотга эга, шахсий малакаларини оширишни ва ўз- ўзини тарбиялашни ҳар доим ҳам истамайдилар.

Бундай ҳолат малака ошириш жараёнида инновацион фаолиятга тайёрлашда маълум қийинчиликлар ва муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки бир вақтда турли хил билим ва малакага эга ўқитувчиларни бир курсда бир хил дастур асосида малака ошириши самарадорликка олиб келмайди.

Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларда ижодий мустақилликни ривожлантириш ва энг муҳими педагогик фаолиятни лойиҳалашга ўргатиш лозим. Бунда ўқитувчига ижодкорликнинг аҳамияти ва қимматини тушунтириш, ижодий мустақилликни ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш, касбий тайёргарлик жараёнида ижобий ҳиссий кайфият, маънавий соғлом муҳит, касбий имкониятлар ва ички мотивация ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлаш керак.

Ўқитувчи фаолиятини янгилаш жараёнида ички ва ташқи омиллар таъсири жуда катта. Ички омилларга педагогнинг мотивацияси, масъулиятни ҳис қила олиши, меҳнатсеварлиги, ўз иши натижасини назорат қилиш

малакасининг мавжудлиги, ўзининг қадриятларига таяниши, бажараётган ишга бўлган ишончи каби омиллар киритилса, ташқи омиллар, педагогик жамоа салоҳияти, илмий-методик ва услубий манбалар, қўлланмалар мавжудлиги ва сифати, ташқи мотивация (инсонни ўз ишида эришган муваффақиятларини бошқа одамлар томонидан эътироф этилишини исташи, шахсий фазилатлари, лаёқати ва қадриятларининг ўзга кишилар ёки унинг учун аҳамияти бўлган гуруҳ томонидан тан олинishiга эришиш истаги), воситали мотивация (маош, мукофот, ташаккурнома ва бошқалар билан тақдирланиш истаги), илғор тажрибаларни ўрганиш учун шарт-шароит мавжудлиги, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш малакасига эгаллиги ва бошқа кўплаб омилларни киритиш мумкин.

Малака ошириш жараёнида инновацион фаолиятга тайёрлашнинг муҳим хусусияти унга изчиллик билан ёндашувда намоён бўлади. Шу асосда ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш механизмини қуйидагича тасвирлаш мумкин:



7-расм. Инновацион фаолиятга тайёрлаш механизми

Инновацион фаолиятга тайёрлашда яхлитлилик, таълим жараёнини инсонпарварлаштириш, педагогик фаолият узлуксизлиги тамойилларига амал қилиш лозим.

Айни вақтда таълим соҳасида фаолият юритувчи халқаро ташкилотлар ташаббуси ва молиявий қўллаб-қувватлаши билан илғор педагогик технологияларни, таълим инновацияларини, ўқитувчи фаолиятини илмий

асосда янгилаш моҳиятини тарғиб этувчи қисқа муддатли курслар ҳамда семинарлар ташкил этилмоқда.

Бироқ таълим жараёнига янгиликларни татбиқ этишда педагогик технологияларни қўллаш тажрибасига эга бўлмаган педагоглар қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Шунинг учун ўқитувчи фаолиятини янгилашга йўналтирувчи, улар фаолиятини тўғри баҳолаб бориш имконини берадиган шакл, метод, восита ва шарт-шароитларни ўзида мужассамлаштирган, ўқитувчилар учун мўлжалланган ва муҳим қўлланма бўла оладиган манба яратилиши лозим.

Бугун малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида самарадорликка эришиш учун малака ошириш жараёнида тингловчилар фаолиятини янгилашга йўналтирилган муайян шарт-шароитларни яратиш, тарих ўқитувчилари орасида педагогик жараёнга янгилик киритишнинг моҳиятини очиб беришга қаратилган махсус ўқув семинарларини ташкил этиш, малака оширишга келган тарих ўқитувчилари томонидан таълим жараёнига янгиликларни татбиқ этишнинг илмий асосларини пухта ўзлаштирилишига эришиш, тарих фани ўқитувчиларида таълим-тарбиявий фаолиятни ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашув малакаларини шакллантириш, малака оширишга келган тарих фани ўқитувчиларининг фаолиятини янгилашга эришиш, тарих фани ўқитувчиларини ижодий ишлаш борасидаги маҳоратини ошириш ва ўқув фаолияти самарадорлигини таъминлаш талаб этилади.

Малака ошириш жараёнида тарих ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

-тарих фани ўқитувчисининг илғор педагогик технология, инновация, инновацион таълим назарияси, унинг моҳияти, педагогик фаолиятни лойиҳалаш борасидаги билимларни ўзлаштирилишига эришиш;

- тарих фани ўқитувчиларида техник воситалар ва ахборот технологиялари хизматидан самарали фойдаланиш борасидаги амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш;

-ўқитувчида ўқувчилар жамоаси билан муваффақиятли мулоқотни ташкил этиш, педагогик фаолиятга нисбатан ижодий ёндашувни шакллантириш;

-психологик-педагогик вазиятларни баҳолай олиш ва уларга мутаносиб хатти-ҳаракатни ташкил этиш малакаларини шакллантириш;

-педагогик фаолият мазмуни, кўлами ва самарадорлигини ошириш воситаларини кўрсатиш ва тарих фани ўқитувчисининг рақобатбардошлик сифатлари ҳақида маълумот бериш;

-тарих фани бўйича ташкил этиладиган машғулотлар лойиҳасини ишлаб чиқиш, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, уларнинг назарий билим, амалий кўникма ва малакаларини баҳолаш ҳамда таълим жараёнининг самарадорлигини аниқлашга имкон берувчи дастурларни ишлаб чиқиш керак.

Тарих фани ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда ўқитувчининг имкониятини самарали ишга солиши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун ўқитувчи мактаб манфаатларини шахсий қизиқишлари билан мувофиқлаштира олиши ва айни вақтда раҳбарият ҳам ўқитувчилар фаолиятини янгилаш, мактабга инновация киритишга нисбатан эътиборли бўлиши лозим.

Умумий ўрта таълим мактабларида фаолият юритаётган тарих ўқитувчилари фаолиятини ўрганиш, малака ошириш курслари самарадорлигини аниқлаш мақсадида олиб борилган педагогик кузатувлар натижаси малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг бугунги ҳолати ҳақида қуйидагиларни баён қилиш имкониятини беради:

-малака ошириш жараёнида тарих фани ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг илмий-педагогик асослари ишлаб чиқилмаганлиги боис ўқитувчиларда

мотивацияни кучайтиришга хизмат қиладиган ўқув мажмуалари яратилмаган;

-тарих фани ўқитувчиларининг ўз устида ишлаши ва мустақил малака ошириши жараёнида узилиш ҳолатлари мавжуд;

-мактаб фан методбирлашмалари фаолияти замон талабларига тўла жавоб бера олмайди ва малака оширишнинг самарадорлиги аниқланмайди;

Булар инновацион фаолиятга тайёрлаш муаммосини амалиётдаги ҳолатини яхшилаш зарурлигидан далолат беради. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

1. Инновацион фаолиятга тайёрлаш шарт-шароитларини, механизмини ишлаб чиқиш.

2. Инновацион фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган метод ва воситаларни белгилаб олиш.

3. Малака ошириш самадорлигини аниқлаш мониторингини олиб бориш ва шу орқали таълимнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш.

4. Ҳар бир тарих фани ўқитувчиси мустақил малака ошириш дастурига эга бўлишини йўлга қўйиш.

5. Курсдаги малака ошириш жараёнида янги педагогик технологияларни амалда қўллашга ўргатиш.

Тарих фани ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда мақсаднинг аниқ ва пухта белгиланиши малака ошириш муваффақиятини таъминлашда пойдевор вазифасини бажаради. Чунки ўз малакасини ҳар кунлик амалий фаолият асосида ошириб боровчи инсон ҳаётда фаол йўналиш бўйича ҳаракат қилади. Айнан шунга эришиш учун ҳозир амалий йўл-йўриқларни ишлаб чиқиш зарурияти туғилмоқда.

I боб бўйича хулосалар

1. Инновация, инновацион таълим, инновацион фаолият тушунчалари ва унинг назарияси шаклланганлигига, шу асосда «Инноватика» фани пайдо бўлганига узоқ вақт бўлмаган бўлсада, унинг моҳиятини ёритишга хизмат

қилувчи манбалар етарли, аммо уларда инновацион фаолиятнинг назарий асослари ҳали тўлиқ очиб берилмаган.

2. Айни вақтда узлуксиз таълим тизимининг алоҳида тури бўлган кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ўқитувчи фаолиятини янгилаш муаммоси долзарб педагогик муаммо сифатида тадқиқ этишга муҳтож. Амалга оширилган илмий тадқиқотларда малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш масалалари ҳақида фикр юритилмаган ва мазкур муаммо борасида Ўзбекистонда бевосита илмий тадқиқот иши олиб борилмаган.

3. Инновацион фаолиятга тайёрлашда назарий билим ва амалий педагогик фаолиятнинг ўзаро алоқадор ва узвий бир бутун бўлишига эришиш, инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёни изчиллигини таъминлаш муаммосини ҳал қилиш муҳимдир.

4. Инновацион фаолият инфратузилмасини шакллантириш учун зарур бўлган хизматларни ўқитувчиларга таклиф этувчи ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш лозим. Зеро, инновацион фаолият динамик равишда шакллангандагина муаммо ўз ечимини топиши мумкин.

Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик асосларини ишлаб чиқиш малака оширишга ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолиятини, таълим сифатини ва малака ошириш самарадорлигини кўтаришга ёрдам беради. Шу сабабли тарих фани ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг назарий-педагогик асосларини ишлаб чиқиш, инновацион фаолиятга тайёрлашнинг умумий моделини яратиш муҳим илмий тадқиқот масаласи ҳисобланади.

II БОБ. МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ТАРИХ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ДИДАКТИК АСОСЛАРИ

2.1. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг методлари, шакллари ва педагогик шарт-шароитлари

Маълумки, педагог кадрлар малакасини ошириш муаммолари бутун дунёда, жумладан, ривожланган ғарб давлатларида ҳам долзарб ҳисобланади. Немис олимларининг фикрича, малака оширишнинг самарали шакли ўқитувчиларнинг ўз устида мустақил ишлаши ҳисобланади, чунки бу жараёнда билим ва тажрибалар онгли равишда пухта ўзлаштирилишига имкон яратилади. Бу давлатда педагогларнинг рақобатли меҳнати йўлга қўйилганлиги сабабли малака ошириш ҳар бир педагогнинг ҳаётий эҳтиёжига айланган.

Биз олдинги бобда малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш механизми ҳақида тўхталиб ўтган эдик. Мазкур бобда тарих фани ўқитувчилари малакасини оширишнинг шакл ва йўналишлари ҳақида тўхталиб ўтамыз. Тарих фани ўқитувчилари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини таҳлил қилганда, ундаги мавжуд камчиликлар қуйидагилардан иборатлиги яққол кўзга ташланиди:

- кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг олдиндан башорат қилиш механизмига эга эмаслиги;

- малака ошириш тизимининг юқори малакали кадрлар билан таъминланмаганлиги;

- малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими билан фан орасидаги ҳамкорлик фаолиятининг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги;

-тарих ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнининг самарали шакл, методлари, дастурлари ва воситаларидан кенг кўламда фойдаланилмаётганлиги;

-малака ошириш мазмунини тингловчиларнинг талаб ва эҳтиёжларига кўра танлаб олинмаганлиги;

-малака ошириш тизимини илмий–методик ва дидактик жиҳатдан етарли даражада таъминланмаганлиги;

-тингловчиларнинг мустақил ва ижодий ишлашлари учун шарт-шароит яратилмаганлиги.

«Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда малака ошириш курсининг мақбул мазмунини танлаб олиш ва шу асосда табақалаштириб ўқитиш лозим. Бунда малака оширишга келган тингловчиларнинг тоифаси, тайёргарлик даражаси, талаб ҳамда эҳтиёжлари, шарт-шароит, моддий-техник ва ахборот нагизининг яратилганлиги, ўқитувчиларнинг касбий-педагогик маҳорати каби кўплаб омилларга биноан модул вариантларини танлашга имкон берувчи инвариант модулли дастурлардан фойдаланиш лозим»-деб таъкидлайди Б.Нуридинов [84;13]. Бундай дастурлар замон талабларига тез мослашувчанлиги билан алоҳида ажралиб туради, тингловчиларни табақалаштириб ўқитишга, уларга мустақил ёндашишга, мустақил ишлашга имкон беради. Тингловчиларнинг истакларига биноан танланганлиги сабабли уларнинг онгли муносабатини ва фаоллигини таъминлайди. Тарих ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнида инновацион фаолиятга тайёрлаш шаклларида бири малака ошириш тизимида табақалаштирилган таълимни жорий этишдир. Малака ошириш жараёнига табақали ёндашув шахсий эркинликни таъминлайди, ҳар бир тингловчига ўз нуқтаи назари, билимларини тўла намоён этиш имконини беради. Малака ошириш тизимида табақалаштирилган таълимда курсларда ўқитиш аввалгидек, ўқитувчининг иш стажы, қачон малака оширишдан ўтганлигига қараб эмас, балки унинг ишчанлик хусусиятлари, эҳтиёжи ва имкониятлари асосида ташкил этилиши керак. Малака ошириш тизимида ўтказилган

тажрибалар шуни кўрсатадики, малака ошириш курслари шаклларининг хилма-хиллиги унинг самарадорлигини тўла таъмин эта олмайди, бу борада курснинг мазмуни асосий роль ўйнайди. Шу ўринда раҳбар ва педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимига босқичма-босқич ўтиш жараёнида ташкил этиладиган мақсадли, муаммоли курсларни ташкил этиш малака оширишнинг асосий шакллари сифатида келтириб ўтилганлигини таъкидлаган ҳолда, бундай курсларни ташкил этиш, уларнинг мазмун-моҳияти, мақсади, унга педагогларни жалб қилиш тартиби, шунингдек, ушбу курсларда иштирок этиш истагини билдирган тингловчиларга қўйиладиган асосий талаблар нимадан иборат?-деган саволларга жавоб бериш лозим.

Муаммоли курс - педагогикадаги ёки таълим жараёнидаги муаммони ҳал этиш учун зарур бўлган методик билим, кўникма ва малакаларни янгилаш, чуқурлаштириш мақсадида ташкил этиладиган малака ошириш шаклларида бири бўлиб, бу курсларда асосан педагогик тадқиқот методларини эгаллаган, ижодий фаолият юрита оладиган, тажриба-синов ишларини режалаштириш малакасига эга бўлган, таълим-тарбия масалаларини ҳал қилишда янгилик яратиш малакаси шаклланган педагоглар иштирок этиши лозим. Чунки муаммоли курсларнинг якунида ўрганилган муаммо юзасидан умумий тавсиялар ишлаб чиқирилиши талаб этилади. Улар асосан таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишдаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун алоҳида мавзулар бўйича методик ишланмалар тайёрлаш, умумлаштирувчи семинарлар ўтказиш билан якунланади. Бу курсларда янги ғояни амалга оширишнинг мазмуни, методлари, шакллари тўла ишлаб чиқилади.

Мақсадли курс - таълим-тарбия жараёни самарадорлигини таъминлаш мақсадида янги таҳрирдаги ўқув дастурлари ва ДТС, рейтинг тизими, таълим соҳасидаги ислохотларни амалиётга татбиқ этиш, ўқув дастурларига янги мавзулар киритилиши, чуқур ўрганиладиган фанларни ўқитишда самарали метод ва воситаларнинг жорий этилиши

муносабати билан ташкил этиладиган курслар бўлиб, бу курсларда иштирок этадиган тингловчилар муаллифлик концепциясини яратиш, фикр алмашиш асосида методик ёрдам кўрсата олиш, ўзидан бошқа тадқиқотчи-педагогларнинг тажрибаларини таҳлил қилиб, ўз фаолиятида қўллаш, педагогик тажриба-синов ишларини режалаштириш, ҳамкасблари билан тўла ҳамкорликни йўлга қўйиш малакасига эга бўлиши талаб этилади. Чунки мақсадли курслар таълим-тарбия соҳасида илмий жиҳатдан асосланган янги ғояларни ёйиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун ташкил этилади.

Инновацион фаолиятга тайёрлаш узлуксиз жараён ҳисобланади. Янгиликларни татбиқ этиш жараёнида баъзи ўқитувчиларнинг субъектив руҳий мослашмасликлари салбий туйғуларни келтириб чиқарадики, бу янгиликларни қўллашга бўлган ҳавасни пасайишига олиб келиши мумкин.

Малака ошириш жараёнида инновацион фаолиятга тайёрлашда тарих фани ўқитувчиларини янгиликка интилувчанлигини, тарихий манбалардан фойдаланиш малакасини, фаолиятни янгилашга бўлган қизиқишнинг мавжудлигини ҳисобга олиш зарур. Тарих ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашдан кўзланган мақсад тарих фанининг мазмуни тубдан ўзгарган бир шароитда, ўзбек ўқувчисига асл тарихни ўргатиш, аجدодларимиз билан фахрланиш туйғусини шакллантириш, ўзбек халқининг маънавий қадриятлари билан таништириш, шу орқали ўқувчиларда тарихий тафаккурни шакллантиришдир, чунки мустақилликка қадар Ўзбекистон тарихини ҳолис ўргатиш ўрнига сохта тарихдан таълим берилди. Бугун Ўзбекистоннинг ҳаққоний тарихини ўрганиш ва ўргатиш муаммосини ҳал қилиш учун тарих ўқитувчиларини узлуксиз малака оширишини таъминлаш биринчи галдаги вазифага айланди. Шу сабабли малака ошириш жараёнида инновацион фаолиятга тайёрлаш борасида қуйидагилар устувор деб белгиланди:

-тарих ўқитувчиси фаолиятини янгилашга қаратилган амалий характердаги ишларни ташкил этиш;

-тарих ўқитувчиларининг ўз фаолиятини янгилашга бўлган иштиёқини ошириш ва ички интилишини кучайтириш;

-инновацион фаолиятни шакллантириш жараёнида ахборот технологиялари ва техник воситалар билан ишлаш малакасини такомиллаштириш;

-инновацион фаолиятга тайёрлаш мураккаб жараён бўлганлиги сабабли бу ишни босқичма-босқич амалга ошириш.

Тарих ўқитувчиси фаолиятининг натижаси ўқувчига берилган таълим-тарбиянинг мазмуни, билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми билан белгиланади. Бунда тарих фани ўқитувчиси:

-фан назарияси ва методикасини, тарихни ўқитишда илғор педагогик технологияларни ва тажрибаларни чуқур билиши, ўқувчиларни алоҳида тарихий асарларни ёки ҳужжатларни мустақил равишда ўрганишга жалб этиши;-дастурий материалларни танлаш ва умумлаштириш бўйича ўқувчиларни фаол ишлашга жалб этиши, тарихий воқеалар, ҳодисалар, ижтимоий жараёнларни ўрганаётганда илмий тушунчалардан мустақил равишда фойдаланишни ўргатиши;

-дарс жараёнида дарслик, матн, кўргазмали материаллар, савол ва топшириқлардан мунтазам фойдаланиши, унча катта бўлмаган матн таҳлили асосида асосий фикрни ажратиб олиш, режа тузишни билиши;

-билимлар манбаларини, айниқса, идрок ва хотиранинг барча турларини ишлатиш ва ривожлантириш имконини берувчи кўргазмали материални ўрганиш методларини ранг-баранглаштириши, таълим ва тарбия бирлиги тамойилини амалга ошириши; -курснинг қисмлари: ўрта асрлар тарихи, янги ва энг янги тарих ўртасидаги ворисийликни сақлаб қолишга қаратилган дастурдаги ўзгаришларни маҳорат билан рўёбга чиқариши;

-дастурда мавжуд фан ичидаги ва фанлараро боғланиш ва алоқаларга таяниши, ўқувчилар билимларини тизимлаштириши, ўқувчиларни жамият ривожланишининг сабаб-оқибат алоқалари ва қонуниятларини янада чуқурроқ

тушунишлари учун улардан фойдаланиши, дарсда билиш қонуниятларини яхлит рўёбга чиқишини таъминлаши;

-кўп вақтни талаб қилувчи, айниқса, матн ёзилиши билан боғлиқ бўлса, уй вазифаларини соддалаштириши, дарс жараёнида уй вазифаси мазмунини мукаммал тушунтириб бериши, тарихни ўрганиш бўйича ташкилий-методик воситалар ва бошқа шакллардан кенг фойдаланиши;

-тарихни ўқитишда ўрганилаётган материални Республика ижтимоий ҳаётидаги сифат ўзгаришлар билан алоқадорлигини тушунтириши, таълим бериш жараёнида ўқувчиларнинг эҳтиёжини инобатга олган ҳолда дарсни ташкил этиши;

-ўқувчиларнинг мустақил ишлашларини аниқ режалаштириши, дарсга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ҳамда дарс натижаларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилишни билиши талаб этилади.

Шу сабабли биз малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда ташкил этиладиган тадбирлар, ўқувларда давра суҳбати, баҳс-мунозара, учрашувлар, семинар-тренинглар, аниқ муаммонинг ечимига бағишланган дебат ташкил этиш, танловлар орқали ўқитувчиларни тарихий манбалар билан ишлаш малакаларини шакллантириш лозим деган фикрга келдик ва шунга эътибор қаратдик.

Малака ошириш жараёнида тарих фани ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда қуйидаги омиллар ҳал қилувчи роль ўйнайди:

1. Малака ошириш мазмунининг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги.

2. Талаб доирасидаги шарт-шароитлар (техник, ахборот воситалари, кўргазмалар, кутубхона)нинг мавжудлиги.

3. Малака ошириш ўқув режаларини шакллантиришда ўқитувчилар имкониятининг инобатга олинганлиги.

4. Малака ошириш институтларида дарс берувчи профессор ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати.

5. Малака ошириш жараёнининг самарали шакл ва методлар асосида ташкил этилганлиги.

6. Малака ошириш жараёнида эгалланган билимларнинг таҳлил этиб борилиши ва малака ошириш мониторингининг йўлга қўйилганлиги.

Тарих ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган объектив омиллар билан бир қаторда субъектив омиллар, уларнинг ёши, иш стажи, педагогик жамоа салоҳияти кабилар ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Инновациялар, уларнинг моҳияти хусусидаги назарий билимларни эгаллашда педагогик жамоа салоҳияти, шунингдек, мустақил ҳолда ўқитувчи эҳтиёжининг шаклланганлиги, қизиқиши ва хоҳиши муҳим роль ўйнайди. Билишга бўлган қизиқишни шакллантириш муаммосига бағишланган тадқиқотларнинг далолат беришича, қизиқиш ўзининг барча турлари ва ривожлантиришнинг барча босқичларида учта ҳолат билан:

1) фаолиятга нисбатан ижодий эмоциялар; 2) бу эмоцияларда билишга бўлган қизиқишнинг мавжудлиги; 3) фаолиятнинг ўзидан келиб чиқувчи бевосита мотивациянинг мавжудлиги билан характерланади.

Таълим жараёнида ўқув фаолияти, унинг мазмуни, амалга ошириш шакл ва методларига нисбатан ижобий эмоцияларнинг шаклланишини таъминлаш муҳим. Ўз навбатида юзага келган эҳтиёж ва қизиқиш амалий фаолиятда инновацияларни қўллаш учун ҳаракатни юзага келтиради, рағбат эса амалий ҳаракатни ташкил этишга туртки бўлади. Тажриба-синов майдонларида тарих ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашга йўналтирилган тадбирларда «Тарих ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш» мавзусидаги семинар-тренинг муҳим ўрин эгаллади. Мазкур тренинг дастурининг режаси 3-иловада келтирилган. Малака ошириш жараёнида тарих ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш учун анъанавий ўқитиш усулларида кўра ҳозирги кунда кенг қўлланилаётган тренинглардан фойдаланиш яхши самара бермоқда.

«Тренинг -таҳсил оловчи фаолиятига мўлжалланган таълим шакли бўлиб, у таълим берувчи томонидан ўқитишни эмас, балки таҳсил оловчи томонидан мустақил ва фаол ўрганишни кўзда тутди»(97;14). Тренинг жараёнида қўлланиладиган турли хил топшириқлар тингловчиларни махсус билимлар билан қуроллантириш, уларнинг касбий кўникмаларини тизимга келтириш билан биргаликда инсонда мавжуд иқтидор ва қобилиятни ривожлантиришга туртки бўлади. Малака ошириш жараёнида тарих ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш, узлуксиз малака оширишни таъминлаш учун мустақил малака ошириш дастури ва лойиҳасининг тузиш ва ижодкорликни шакллантириш мақсадида «Ўқитувчиларда ижодий фаолиятни ривожлантириш» мавзусида қисқа муддатли семинар-тренинг ташкил этилди. Тренинг иштирокчилари тарих ўқитувчисининг касбий сифатларини аниқладилар, тарих дарсига қўйиладиган замонавий талабларни ишлаб чиқдилар. Ушбу тренинг дастури қуйидагича мазмунга эга бўлди:

2.1.1-жадвал

«Ўқитувчиларда ижодий фаолиятни ривожлантириш» мавзусида семинар-тренинг дастури

Тғ р	Мавзу	Ажратилган вақт		
		Назар ий	Амал ий	жам и
1.	Педагогик ижод нима? Ўқитувчининг ижодкорлиги ва ижодий сифатлари.	2	2	4
2.	Таълим жараёнини ташкил этишга ижодий ёндашувнинг асосий омиллари нимада?	2	-	2
3.	Ихтиёрий мавзу асосида ижодий иш яратиш технологияси.	-	4	4
4.	Тарихий манбалар билан ишлаш орқали ижодкорликни ривожлантириш.	2	2	4
5.	Тарих ўқитувчисига мўлжалланган мустақил малака ошириш дастурларини тузиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.	-	4	4
	Жами	6	12	18

Инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларидан бири ўқитувчи фаолиятини мониторинг қилинишидир. Бунда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Малака ошириш курсини тугатиб келган тарих фани ўқитувчисининг шахсий-ижодий дастур асосида иш юритаётганлиги.

2. Тарих фани ўқитувчиси касбий маҳорати ва малакаларининг такомиллашганлик даражаси.

3. Тарих фани ўқитувчиси маънавий, маданий, таълимий фаолияти самарадорлигининг ошганлик даражаси.

4. Тарих фани ўқитувчисининг малака ошириш курсида тажриба алмашиш жараёнида ўзлаштирган илғор тажрибаси ва бошқа янгиликларини амалда қўллаётганлик даражаси.

5. Тарих фани ўқитувчи рейтингининг ўзгариши, яъни ошганлиги.

6. Ўқитувчи ўзининг шахсий малака ошириш дастурини ишлаб чиққанлиги.

7. Танлов, семинар, конференцияларда фаол иштироки.

8. Ўз тажрибаларини жамоанинг бошқа аъзоларига ўргатиши натижалари.

9. Илғор педагогик тажрибалар ва тадқиқотларни мустақил ўрганиб, таҳлил қилиши ва уларни ўз фаолиятига қўллаш натижалари.

10. Ўқувчиларнинг назарий билими, амалий кўникма ва малакаларидаги ўзгаришлари даражаси.

11. Танловлар, мусобақалар, олимпиада натижалари, ўқувчиларнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари.

Тарих фани ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг асосий шаклларида бири масофадан малака ошириш ҳисобланади.

Бу жараёнда тарих фани ўқитувчисининг компьютер технологияларини билиши, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш борасида маълум бир малакаларга эга бўлиши, масофадан малака ошириш учун ўқитувчининг психологик-педагогик тайёргарлиги, касбий

ахборот манбаларини мунтазам кузатиб бориши, методик ишларни олиб бориши муҳим рол ўйнайди.

Малака ошириш жараёнида тарих фани ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда тарих дарсларига янгилик киритиш борасидаги назарий билимларни ўзлаштириш учун шароит яратиш муҳим бўлиб, бунинг учун тингловчиларда инновацион фаолият ва инновацион таълимнинг асосий хусусиятлари, моҳияти ҳақидаги назарий билимларни бериш ва инновацион фаолиятни йўлга қўйиш учун эҳтиёжни юзага келтириш, тарих ўқитувчилари инновацияларни амалиётга татбиқ этиш бўйича кўникма ва малакаларни эгаллашларига эришиш лозим.

Қўйилган мақсадларни амалга ошириш учун малака ошириш жараёнида инновацион фаолиятга йўналтирилган назария ва амалиёт бирлигини, машғулотлар жараёнида тингловчилар фаоллигини таъминлаш, ўз фикрларини эркин баён этишларига, тренингларда иштирокчиларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали лидерлик хусусиятларини юзага чиқаришларига ёрдам бериш, юзага келган муаммоларни бартараф этишнинг йўллариини ўргатиш, тренинг машғулотлари жараёнида кўргазмали, техник ва ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш талаб этилади.

Малака ошириш жараёнида тарих фани ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг асосий шакллари бу семинар-тренинглар ва мустақил дастурлар асосида малака оширишни ташкил этиш, инвариант модулли дастурлардан фойдаланиш зарурлигини эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Тарих фани ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш ишини такомиллаштириш учун ҳар бир вилоятда Халқ таълими бошқармалари қошида «Инновацион технологиялар» маркази ва бўлимларини тузишни ва бу бўлимларга педагогик технология асосларидан чуқур билимга эга, мазкур технологияларни амалиётда қўллайдиган педагогларни ва нодавлат ташкилотлар томонидан

тайёрланган тренерларни жалб этишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Шунингдек, малака ошириш институтларида чет давлатлар таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда ушбу бўлим мутахассисларининг малака оширишларини ташкил этиш ва вилоятлар ўртасида тажриба алмашиш ишларини йўлга қўйиш лозим деб ҳисоблаймиз.

2.1.2-жадвал Малака ошириш жараёнида инновацион фаолиятни шакллантириш босқичлари

Босқич	Фаолият мазмуни	Ташкил қилиш шакллари
1-босқич	Инновация, инновацион таълим, инновацион фаолият тушунчалари моҳиятини англаш, янгиликларни таълим жараёнига киритиш билан боғлиқ назарий билимларни эгаллаш.	Малака ошириш курсларида,
2-босқич	Педагогик фаолиятни янгилаш борасидаги билим, кўникма ва малакаларни, янгиликни таълим жараёнига киритиш билан боғлиқ шарт-шароитни яратиш кўникмаларини шакллантириш, янгиликни излаб топиш, тажриба-синов дастурларини ишлаб чиқиш, янгилик киритиш жараёнида қўлланиладиган воситалар, методлар ва таълим шакллари танлаш малакасини такомиллаштириш.	Семинар-тренингларда, ўзаро тажриба алмашиш жараёнида, муаммоли ва мақсадли курсларида,
3-босқич	Янгилик самарадорлигини аниқлаш учун мезонларни ишлаб чиқиш, лойиҳа яратиш малакасини эгаллаш, янгиликни бевосита таълим жараёнида қўллаш ва киритилган янгиликларнинг мониторингини ўтказиш.	Мустақил малака ошириш дастурларини амалга оширишда,

2.2. Фаол таълим усуллари ва уларнинг инновацион

Тадқиқот муаммоси моҳиятини ифода этувчи инновацион фаолият тушунчасига қуйидагича изоҳ бериш мумкин. **Инновацион фаолият** – аниқ мақсадга йўналтирилган, изчил, узлуксиз, тизимли равишда ва мажмуавий ёндашув асосида ташкил этилувчи фаолият бўлиб, мазкур жараёнда ўқитувчиларда таълим тизимидаги янгиликларни ўз касбий фаолиятига олиб кириш лаёқати таркиб топади. Ҳозирги вақтда муҳим ва мураккаб вазифа - бир қолипда фикрлашдан қочиш, педагоглик онгини ўзгартириш, янглиш тасаввурлардан қутилиш, ёш авлодни тарбиялашда ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи янгича йўналишларни излашдан иборат. Ҳақиқий дарс-ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳақиқатни биргаликда излаши бўлиб, фикрлаш маданиятини ўстирувчи лабораториядир, қаерда шу нарса бўлмаса, ўша ерда зерикаш, жонсизлик ва руҳсизлик бўлади. Таълимнинг фожеавий томони болаларнинг асосий меҳнати бўлган билим олишни - меҳнат тарбиясининг асосига айланмаганлигидадир. Ўтказилган педагогик тажриба-синовларда шу нарса маълум бўлдики, тарих фани ўқитувчиларининг асосий қисми ўқувчиларга, талабаларга тарихни ўргатишни далиллар ва рақамларни ёд олишлари, деб тушунадилар ва шунга эришишга ҳаракат қиладилар. Тарихга мурожаат қилиш - воқеъйликни билиш воситаси. Аммо ана шу воқеъйлик мазмунан бирёқлама эмас, балки мураккаб бўлиб, тарих дарсларида ўқувчилар ўтган замонлардаги буюк воқеаларни ҳис этиб, ўйлаб, мушоҳада-мулоҳаза қилиб, ўтмишдаги барча ижобий ва салбий воқеаларга муносабат билдира олиши, қаҳрамонлардан ибрат олишга ўрганиши лозим.

Тарихий хотира халқ ижобий тажрибасини йиғишга, уни кучайтиришга хизмат қилади. Аммо тарихни ўқитиш - фақат ўтган воқеаларни эслатиш ва тарихий материални айтиб беришдан иборат эмас. Агар тарих ҳам бошқа фанлар каби ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини оширишга ёрдам берсин десак, биз болаларни мустақил фикрлашга

ўргатишимиз лозим. Бунинг учун эса тарих ўқитувчисининг ўзи шундай малакага эга бўлиши керак.

Тарих дарсларида ўқувчилар ўрганилаётган материални қуруқ ёд олмай, воқеалар ва қаҳрамонларга шахсий муносабат билдиришга ўргатилса, ўтмиш билан суҳбат-мулоқотга киришиш йўлини ўқитувчи ёрдамида эгаллаб олсалар маънавий камолотга эришадилар. Бугун ўқитувчи боланинг шахсиятига, унинг ички дунёсига чуқур кириб бориши, уни ўзгартириш, тарбиялаш, ўқитиш ва ривожлантиришнинг педагогик йўллари қидириб топиши керак. Бу ўқитувчидан доимо ижодкор бўлишни, тўхтовсиз изланишни, яъни инновацион фаолият юритишни талаб этади. Тарих фани ўқитувчиси болаларни билим билан таништираётганда, айтилишига уларга одамийлик намунаси бўлиб кўринади, бола учун ўқитувчисиз билим йўқдек бўлади. Агар бола ўқитувчини яхши кўриб қолса, демак, у билимга қизиқиб қолади.

Борди-ю, бола ўқитувчини унчалик ёқтирмаса, ундан кўрқса, уни дўст деб билмаса, бундай ҳолда ўқувчи учун ўқишнинг ҳеч қандай қизиғи қолмайди.

Ўқувчи меҳрини қозонмоқ ўқитувчининг энг зарур иши, чунки фақат ўз ўқитувчисини яхши кўриш орқалигина ўқувчи билимлар оламига кириб боради. Бу борада ўқитувчи ўқитишнинг турли шакллари, воситалари, методлари ва технологиялари ёрдамида ўқувчи эътиборини ва меҳрини қозониши керак, яъни ўқитувчи интерфаол технологиялар ва методларни пухта эгаллаб олиши лозим.

Д.Н.Узнадзе таълимда ўқитувчи шахсининг аҳамиятини алоҳида қайд этиб, шундай ёзади: «Ўқувчи ўқитувчи ёрдамидан умидвор бўлиб, таълим орқали ўзининг имкониятларини ривожлантиришга интилади.

Бунинг устига ўқитувчи ўқувчининг мактаби! Ўқувчи учун, уни яхши ўқиши учун ўқитувчи шахсининг аҳамияти шундаки, ўқувчи назарида ўқитувчисиз таълим йўқ. Ўқитувчи обрўли, эътиборли бўлгандагина ўқувчи педагогнинг таъсир этишига очилади, педагогнинг ёрдами, маслаҳатлари, кўрсатмаларига амал қилади» [105;34].

Демак, ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида дўстона муносабатни яратиш маҳоратига ва малакасига эга бўлиши талаб этилади. Таълим жараёнида дўстона муносабатни ярата олиш инновацион фаолиятнинг асосий мезони ҳисобланади. Дарснинг мақсадига эришиш учун ўқув материални тўғри танлаш, ўқувчиларнинг билим савиясини ҳисобга олиш, дарсни жиҳозлашдан ташқари, ўқитувчининг турли методларни билиши, дарс жараёнини лойиҳаси, дастурини тўғри тузиши, замонавий педагогик технологияларни ўз ўрнида қўллаш олиши муҳим ҳисобланади. Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол методлар, инновацион, педагогик ва ахборот технологияларини қўллашга бўлган эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Чунки замонавий технологиялар ўқувчи эгаллаётган билимларни ўзи қидириб топишга, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишга, ҳатто хулосаларни ҳам ўзи келтириб чиқаришга ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши ва билим олиши, тарбияланишига шароит яратади ҳамда бошқарувчи вазифасини бажаради. Инновацион технологиялар педагогик жараён, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгиликлар, ўзгаришлар киритиш бўлиб, ўқувчи ва педагогнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади. Бу технология ва методларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар:

- таълим оловчини дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этади;

- ўқувчининг ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлайди;

- ўқувчининг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтиради;

- ўқитувчи ва таълим оловчининг доимий ҳамкорликдаги фаолиятини ташкиллаштиради.

Инновацион технологияларнинг негизи ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага

ҳамкорликда эришиши учун олдиндан таълим жараёнини лойиҳалашда кўринади.

Бунда ўқитувчи ҳар бир дарснинг яхлит ҳолатдаги технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эга. Дарснинг технологик харитаси ўрганилаётган мавзу учун фаннинг хусусиятидан, ўқувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади. Дарснинг самарали бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган технологик харитага боғлиқ.

Технологик харитада дарс жараёни яхлит акс этган бўлиши, аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этиш технологияси ўз аксини топиши керак.

Технологик харитани тузиш ўқитувчини дарснинг кенгайтирилган конспектини ёзишдан халос этади, чунки пухта ишланган технологик харитада дарснинг барча қирралари ўз аксини топган бўлади (4-илова).

Технологик харита ўқувчи имконияти, эҳтиёжидан келиб чиқиб тузилса, ўқувчини шахс сифатида таълим жараёнининг марказига олиб чиқади ва ўқитиш самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Хилма-хил ўқитиш методларининг имкониятлари нисбий ва бу методларни қиёслашда улар қўлланиладиган шароитларни, ҳал қилинадиган вазифалар характерини, материал мазмуни хусусиятини, ўқувчиларнинг ёши ва тайёргарлик даражасини ҳисобга олиш керак.

Биз қуйида малака ошириш жараёнида қўллаш мумкин бўлган баъзи бир технологиялар ва интерфаол методларга тавсиф бериб ўтамиз:

«Тармоқлар» («Кластер») методи -тингловчиларни мантиқий фикрлашга, фикр доирасини кенгайтиришга, мустақил равишда адабиётлардан фойдаланишга ўргатишга қаратилган метод. Мазкур метод тарих дарсларида қўллаш учун жуда қулай ва айни пайтда, малака ошириш жараёнида қўлланганда тингловчиларда мотивацияни кучайтиришга хизмат қилади.

«3Х4» методи - тингловчиларнинг эркин фикрлашга, кенг доирада турли ғояларни беришга, таълим жараёнида якка ҳолда ёки кичик гуруҳда ишлаш орқали қўйилган муаммони таҳлил этиб, хулоса чиқаришни ўргатишга қаратилган метод.

«Интервью» методи-тингловчини савол беришга, саволни тўғри тузишга, жавоб беришга, бошқа жавобларни эшитиб, хулосалашни ўргатишга қаратилган метод.

«Бумеранг» технологияси-тингловчиларни машғулот жараёнида, машғулотдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, фикрини эркин ҳолда баён этиш, бир дарс давомида барча тингловчиларни ишлатиш ва баҳолашга қаратилган технология. Янги мавзунини ёки материални ўрганиш жараёнида бу технологиядан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

2.2.1-жадвал

«Бумеранг» технологиясидан фойдаланиш тартиби

1-босқич	Тингловчилар 4-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлинадилар.
2-босқич	Ўқитувчи гуруҳнинг ҳар бир аъзосига мустақил ўрганиш, фикрлаш ва ёдда сақлаб қолиш учун янги мавзу бўйича тарқатма материал беради. Тарқатма материал умумий мавзунинг бир қисмини ташкил қиладиган матндан ёки жадвалдан иборат бўлиб, гуруҳнинг барча аъзоларига бир хил мазмунда берилиши керак. Демак, янги мавзу олдиндан ташкил этиладиган гуруҳлар сонига қараб 4 ёки 5 қисмга бўлиниши лозим.
3-босқич	Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси матнни якка тартибда ўрганиб чиқиб эслаб қолиши, кейин эса гуруҳ аъзолари матнни ўзаро савол-жавоб асосида гуруҳда муҳокама қилиши керак. Матннинг катта кичиклигига қараб бу ишга 10 минут ажратилади.
4-босқич	Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ ёнига келиб, гуруҳ аъзоларига олдиндан тайёрланган, рақам ёзилган қоғозлардан биттадан олишни таклиф этади (қоғоз сони гуруҳдаги тингловчилар сонига тенг бўлиши керак, 1 рақамини олганлар 1-гуруҳ, 2 рақамини олганлар 2-гуруҳ ва ҳоказо). Ўқитувчи рақамлар бўйича янги гуруҳлар тузишни таклиф

	этади.
5-босқич	Янги тузилган гуруҳнинг ҳар бир аъзоси энди ўзига 2 та вазифани ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчи вазифасини олади. Яъни гуруҳнинг ҳар бир аъзоси олдинги гуруҳда ўзи ўрганиб чиққан матн мазмунини янги гуруҳ аъзоларига ўргатиши ва ўз навбатида гуруҳнинг бошқа аъзоларидаги матнларни ҳам ўзлаштириб олиши талаб этилади. Бунда ҳар бир иштирокчи ўзи ўзлаштирган материални сўзлаб бериш орқали бошқаларга ўргатиши керак. Бунинг учун 20 дақиқа вақт ажратилади. Натижада, рақамлар бўйича тузилган янги гуруҳлар мавзу бўйича барча материалларни ўзлаштиришга эришадилар.
6-босқич	Матн қандай ўзлаштирилганини текшириш учун ўқитувчи гуруҳ аъзоларига ўз матнларидан келиб чиқиб бир-бирларига савол бериш орқали гуруҳ ичида ички назорат ўтказилади. Бу гуруҳдагиларнинг бир-бирларига сўзлаб берган материалларини қандай ўзлаштирилганини аниқлашга ва мустақкамлашга ёрдам беради
7-босқич	Ўқитувчи иштирокчиларни олдинги гуруҳларига қайтишини сўрайди ва ҳамма дастлабки гуруҳига қайтади.
8-босқич	Ўқитувчи барча иштирокчиларнинг мавзуга оид ҳамма материал билан танишиб чиққанлигини ҳисобга олиб, назорат саволларини рейтинг баллари асосида баҳолайди. Агар саволларга берилган жавоблар тўлиқ бўлса –3 балл, қўшимча қилинса-2 балл, ўтирган жойида луқма ташласа-1 балл, жавоб беролмаса-0 балл қўйилади. Гуруҳ аъзоларининг жавобларини белгилаш ва ҳисоблаб бориш учун масъул тайинланади.
9- босқич	Ўқитувчи тарқатма материаллардаги саволлар асосида гуруҳларнинг ўзлаштиришини текшириб чиқади.
10- босқич	Бу босқичда ҳар бир гуруҳга ўз материали асосида янгидан 3 та савол тузиш таклиф этилади.
11- босқич	Бу босқичда гуруҳлар бир-бирларига тузган саволларини беради ва берилган жавоблар юқоридаги тартибда ҳисобланади. Агар бошқа гуруҳлар саволга тўғри жавоб бера олмаса, гуруҳ жавобни тўлдиради ва қўшимча баллга эга бўлади.
12- босқич	Якуний босқичда гуруҳлар тўплаган баллар ҳисобланиб, гуруҳ аъзолари сонига бўлинади. Балларни тақсимлашда гуруҳ аъзоларининг ҳам фикри инобатга олинади.

Тарих ўқитувчиларининг иш тажрибасида таълим методларини тўғри танлашни маълум даражада етарли тушунмаслик ҳолатлари учрайди. У ёки бу методнинг самарадорлиги унинг аталиши, одатдагича бўлиб қолганлиги билан эмас, балки дарс вазифалари ва мазмунига мослиги, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг имкониятларига мувофиқлиги билан баҳоланади. Энг мақбул танланган методлар қўйилган вазифаларни белгиланган вақт ичида самарали ҳал қилиш имконини беради.

Ўқув жараёнини режалаштиришда ва дарс методларини танлашда тарих ўқитувчилари қуйидагиларга амал қилиши зарур:

- дастур ва мавзу юзасидан кўрсатмалар билан танишиб чиқиб, мавзунини ўрганишнинг мақсади ва аниқ вазифаларини белгилаб олиш;

- мавзу бўйича асосий талаблар, яъни мавзунини ўрганиш натижасида ўқувчилар қайси асосий тушунчаларни, қонунларни, назарияни билишлари, нималарни ҳал қила олишлари кераклигини, дарсдан кутиладиган натижаларни олдиндан аниқлаб олиш;

- ўқув режа билан танишиб, зарур бўлса унга ўзгартириш киритиш, ўрганиладиган мавзунини кичик бўлимларга бўлиб чиқиш;

- ҳар бир кичик бўлимни ўрганиш учун етарлича вақт ажратиш, дастурда назарда тутилган фанлараро алоқаларни ўйлаб топиш, мазкур дарснинг мазмунини режалаштириш;

- ўқитиш технологиялари ва методларининг мақбул бирлашмасини танлаш;

- дарсда умумий, кичик гуруҳда ва мустақил ўқув ишларини уюштириш шакллариининг ўзаро мос бирлашмасини танлаш;

- дарс давомида ўқитишнинг танланган вариантини қўллаб, таълим методи ва шаклларига зарур тузатишларни киритиш.

Инновацион фаолият самараси ўқитувчининг таълим жараёнини лойиҳалаш маҳоратида кўринади. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида ташкил этилган педагогик

тажриба-синов ишларида ўқитувчиларда таълим жараёнини лойиҳалаш малакаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Биз ўқитувчилар учун дарс лойиҳасини ишлаб чиқишга қаратилган топшириқлар тизимини белгилаб чиқдик. Булар қуйидагилар:

1. Дастур, дарслик, методик қўлланма, синф ўқувчиларининг умумий тавсифи билан танишинг.

2. Дарснинг асосий вазифалари мажмуасини: ўқитишнинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадини ва вазифаларини белгиланг.

3. Дарснинг асосий босқичларини тўғри, аниқ ва изчилликда жойлаштиринг.

4. Дарснинг ҳар бир босқичи мазмунидаги асосий ўринни ажратинг.

5. Дарснинг ҳар бир босқичи учун ўқитиш методини, шунингдек, ўқитиш воситаларини, технологияни танланг.

6. Дарснинг ҳар бир босқичи учун ўқитишнинг етакчи: умумсинфий, кичик гуруҳ ва мустақил шаклини танланг.

7. Танланган мавзу бўйича қўшимча манбаларни аниқланг ва шу манбалардан топшириқлар ёки ўқув машқларини тузиб чиқинг.

8. Тегишли синф ўқувчилари учун вақт меъёрларига мувофиқ уй вазифасининг оптимал ҳажмини танланг.

Мазкур топшириқлар тизимини бажариш жараёнида баъзи ўқитувчилар дарснинг асосий босқичларини изчилликда жойлаштиришга қийналган бўлса, баъзи ўқитувчилар эса дарснинг ҳар бир босқичидаги асосий ўринларни ажратиб беришга, бошқа ўқитувчилар технологиялар ва методларни танлашда ёки танланган мавзу бўйича қўшимча манбаларни аниқлаб, шу манбалардан топшириқлар ёки ўқув машқларини тузиб чиқишда қийинчиликка дуч келганликларини таъкидлаб ўтдилар. Шу сабабли, педагогик тажриба-синов жараёнида тажриба гуруҳларида «Ўқитиш методларини ва технологияларни мақбул танлашнинг асосий тамойиллари» мавзусида тренинглар ташкил этилди.

Ушбу тренингларда иштирок этган ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилган ва тарих дарсларида фойдаланиш учун тавсия этилган дарс лойиҳаларидан айрим элементларни келтириб ўтамиз.

Масалан: Ўзбекистон тарихи фанидан «XVI- XVIII асрларда Ўрта Осиё халқларининг маданияти» мавзусидаги дарс лойиҳасида ўқувчиларга «**Маноқиблар**» ҳақида маълумот беришни режалаштирган.

Аммо дарсликдаги матнда бу маълумот мавжуд эмас. Бу борада ўқитувчи Б. Аҳмедовнинг «Ўзбекистон тарихи манбалари» қўлланмасига асосланган ҳолда қуйидаги маълумотни тайёрлаган: «**Маноқиблар**–йирик дин арбоблари ва тариқат пешволарининг ҳаёти ва фаолияти, уларнинг кароматлари ҳақидаги асарлар бўлиб, бу асарлар ижтимоий-иқтисодий, тарихий ва маданий ҳаётга оид далиллар ва маълумотлар берувчи манбалардир. «Тазкираи Буғрохоний» (Буғрохоннинг ҳаёт йўли ва айтганлари), «Маноқиб хожаси Юсуф Хамадоний» (Хожаси Юсуф Хамадонийнинг ҳаёт йўли), «Рисолаи Шайх Нажмиддин Кубро» (Шайх Нажмиддин Кубро рисоласи) шулар жумласидандир». Ушбу маълумот асосидаги топшириқ қуйидагича: «Юқорида номлари зикр этилган машҳур шахслар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ воқеаларни келтириб кичик тарихий иншо ёзинг».

Тарих ўқитувчисининг педагогик маҳоратини оширишдаги зарурий шартлардан бири, бу ўқув жараёни ва унинг натижалари юзасидан ўқитувчининг ўз фаолиятини таҳлил қилишидир. Чунки педагогик тажриба-синов ишлари жараёнида ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилиши натижасида муайян вазифаларни ҳал қилиш тажрибаларини тўплаши маълум бўлди.

Масалан, ўқитувчи томонидан дарс жараёнида ўргатувчи машқларни танлашга самарали ёндашув бўлмади дейлик, ўқитувчи ўз-ўзини таҳлил қилиб, ушбу камчиликни аниқлагач, энди параллел синфда ўтиладиган навбатдаги дарсдаёқ унга тузатиш киритишга ҳаракат қилади ва шу билан бирга муваффақиятсиз танланган машқлар туфайли

аниқланган камчиликнинг ўрнини тўлдириш мақсадида шу синфнинг навбатдаги дарсида қўлланиши керак бўлган чораларни ўйлаб қўяди.

Ўқишни рағбатлантириш ва муаммоли-изланиш методларидан фойдаланишда тарих фани ўқитувчилари алоҳида қийинчиликларга дуч келадилар. Чунки айрим ўқитувчиларда дарсда билишга оид ўйинлар ва ўқув мунозараларини ташкил қилиш маҳорати етарли даражада шаклланган эмас.

Ўзлаштирилаётган тажрибани тўғридан-тўғри ўқувчиларга ўзаро таъсир ҳаракати орқали йўналтириш интерфаол методларнинг асоси бўлиб, бунда ўқитувчи тайёр билимларни бермайди, балки ўқувчиларни мустақил изланишга чорлайди.

Дарсда таълим методларини бир-бири билан мустаҳкам боғлаш, шу асосда дарс самарадорлигини ошириш, барча дидактик вазифаларни дарснинг ўзида ҳал этиш, уйга бериладиган вазифани ўқувчилар дарсда олган билимларининг мантиқий давомига айлантириш интерфаол методларнинг асосидир. Шу сабабли ўқитувчи интерфаол методларни қўллашда қуйидагиларни билиши лозим, деб ҳисоблаймиз:

- интерфаол методлар ва уларнинг мазмун-моҳиятини;
- таълим мақсадини амалга оширишда интерфаол методларнинг ўрни ва ролини;
- фанлар бўйича интерфаол методларни қўллаш тамойилларини;
- таълимий ва ишчанлик ўйинларини;
- муаммоли ривожлантирувчи таълим методларини;
- ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини ташкил қилиш ва таъминлаш йўллари;
- ўқувчиларнинг мустақил ишлаш маҳоратини ошириш усуллари.

Интерфаол методларни ўрганиш учун ҳар бир ўқитувчи малака ошириш жараёнида бу методлар билан ташкил этилган дарсларда бевосита иштирок этиши лозим. Бунда тингловчилар қуйидаги кўникма ва малакаларга эга бўлади:

1. 4-5 нафар аъзодан иборат тингловчиларнинг кичик гуруҳда ишлаши натижасида ҳамкасблар билан ҳамкорлик қилиш, фикр алмашиш малакаси шаклланади, бирор вазифани бажаришда гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўзининг аниқ вазифаси бор эканлигини ва уни бажариш кераклигини ҳис қилади. Бу ўқитувчида зиддиятларни олдини олиш ва бартараф этиш кўникмаларини шакллантиради.

2. Тингловчилар умумий вазифани ечимини топишда ёки муаммони ҳал қилишда ижтимоий қабул қилинган хулқ-атворни ишлатади, бу ўзидан бошқа тадқиқотчи педагоглар тажрибаларини қўллаш учун муҳимдир.

3. Тингловчилар ижодкор ва мустақил бўлади. Умумий вазифаларни ечиш жараёнида ижодий фаолият юритиш имконияти яратилади, фикр алмашиш, методик ёрдам кўрсатиш имконияти берилади, чунки муаммоларни ҳал қилишда катталарнинг бир-бирларига кўмак бериши муҳимдир.

4. Тингловчилар ўз иш натижасига шахсий масъулиятни ва жавобгарликни ҳис қиладилар, бу янгиликларни излаб топиш ҳамда уларни ўз шароитига мослаштириш малакасини шакллантиради.

Тарих фани ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда педагогик ўйинлар алоҳида аҳамиятга эга. Г.К.Селевко педагогик ўйинларнинг қуйидаги хусусиятларга эга бўлишини қайд этади:

- дидактик мақсад ўйинли вазифа шаклида қўйилади;
- ўқув фаолияти ўйин қоидаларига бўйсунди;
- ўқув материалдан ўйин сифатида фойдаланилади;
- ўйин фаолиятига айлантирилган дидактик вазифа ўқув жараёнида мусобақалашиш элементлари асосида ҳал этилади;

- дидактик вазифанинг муваффақиятли бажарилиши ўйин натижалари билан белгиланади [106;227].

Педагогик ўйинлар қуйидаги функцияларни бажаришга йўналтирилган бўлади:

- иштирокчиларда (улар катта одамларми ёки ўқувчими, барибир) ақлий фаолият методларини шакллантириш;

-назарий билимларни мустаҳкамлаш ва уларни амалиётда қўллаш кўникмасини ҳосил қилиш;

-ўйин жараёнида иштирокчининг фаолияти муайян хатти-ҳаракатни ташкил этишдан эмас, балки маълум мақсадга йўналтирилган дидактик қоидаларни ишлаб чиқишдан иборат бўлиши;

-иштирокчилар, яъни тингловчилар фаолиятини касбий фаолият характериға яқинлаштириб бориш билан бирга уларни ўйин орқали ўқувчи ёки бола фаолияти характери даражасига тушуриб, ўқувчиларға яқинлаштириш.

Ўйинли вазиятларни яратишға таянувчи методлардан фойдаланиш таълимда қизиқишни рағбатлантирувчи метод сифатида эътироф этилади.

Фаолиятни янгилашға рағбат уйғотувчи методларға **баҳсни келтириб чиқарадиган вазиятни яратиш**, ўқув мунозаларини ва **илмий баҳсни ташкил этишни** киритиш мумкин. Тингловчиларни илмий баҳслар вазиятиға олиб кириш тегишли масалалар бўйича билимларни чуқурлаштириб қолмай, янги муаммони ўрганиш, ҳал қилиш жараёнида янгича қизиқишни келтириб чиқаради.

Тингловчилар билан ўқув мунозараларидаги баҳс вазиятини ҳар бир мавзунини ўрганиш вақтида яратиш мумкин.

Бунинг учун тингловчиларға у ёки бу ҳодиса сабаблари ҳақида ўз фикрини айтиш, у ёки бу нуқтаи назардан фикрини асослаш тавсия этилади.

Бундай ҳолат учун «Ким бошқача ўйлайди?»-саволини ўртаға ташланишидаёқ баҳс вазияти яратилади. Бундай баҳс вазиятида тингловчилар у ёки бу тушунтириш тарафдорларига ажраладилар. Баҳс натижасида эса тингловчилар ўз фаолиятида зарур бўладиган янгиликни топадилар.

Малака ошириш жараёнида инновацион фаолиятға тайёрлашда тарих фани ўқитувчиларининг дебатларда иштирок этиши кўпроқ самара беради.

«Дебатлар» қадимги Грецияда яратилган бўлиб, улар демократиянинг муҳим элементи сифатида намоён бўлган.

Афина фуқаролари тақдим этилаётган қонунларнинг афзал томони ва камчиликлари ҳақида тортишиб, масалани яхши тушуниш учун уни турли томондан таҳлил қилишар, шу билан бирга, таҳлил қилиб баҳс қилишга ўрганар эдилар. Ўрта асрларда Европа таълим тизими таркибида «**Нутқ сўзлаш маҳорати ва дебатлар**» дарслари мавжуд бўлган. Ҳозирги вақтда дебатлар бутун дунё мактабларида ва университетларида ўтказилмоқда.

Дебатни ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим:

- 1-дебатлар кўп нарсага ўргатади,
- 2-чиндиллик ва виждонлилик мажбурияти,
- 3- хурмат ва эҳтиром кўрсатиш.

Дебатда иштирок этиш натижасида тингловчиларда муаммони аниқлаш ва ажратиш қобилияти, далиллар ва фикрларни аниқлаш маҳорати, танқидий фикр юритиш, муҳим бўлган маълумотни муҳим бўлмаган маълумотдан ажратиш, сабаб ва унинг бўлиши мумкин бўлган оқибатларига баҳо бериш, хулоса чиқариш, муаммоларни ажратиш ва самарали ечим топиш малакалари, ўзининг фикр юритишига, тафаккур жараёнига баҳо бериш кўникмалари, жамоада ишлаш қобилияти, нутқ сўзлаш маданияти шаклланади.

Ўтказилган педагогик тажриба-синов натижаларига таяниб, биз малака ошириш жараёнида дебат ўтказиш тартибини ишлаб чиқдик.

2.2.2-жадвал

«Дебат»ни ўтказиш тартиби

Дебатнинг мақсад ва вазифалари	Дебатлар қарама-қарши нуқтаи назарларнинг тўқнашувидир. Унинг мақсади-иштирокчиларда интеллектуал, мантиқий фикрлаш малакасини шакллантириш, ўзгача фикрни инобатга олмасдан хулоса чиқариш нотўғри қарор қабул қилишга олиб келиши мумкинлигини исботлашдан иборат. Ўйин сифатида дебатларда танқидий фикр юритиш, танқидий тафаккур, тадқиқий ва ташкилий малакалар, эшитиш, ёзма қайд қилиш малакалари шаклланади.
--	--

Дебатни тайёр-лаш ва ўтказиш тартиби	1. Дебат иштирокчилари учун қизиқиш уйғотувчи мавзу ёки ғоя аниқлангач, дебатнинг мавзуси тасдиқловчи турда ифодаланиши керак. Масалан: «Давлат ҳар бир болага таълим бериши керак» ёки «Ягона жаҳон ҳукумати зарурдир» каби. Дебатнинг мавзуси сиёсий, ҳуқуқий, қадр-қиммат мавзуларида бўлиши мумкин. 2. Дебатда иккита жамоа иштирок этади. Биринчи жамоа-тасдиқловчи томон сифатида, иккинчи жамоа-қарама-қарши томон сифатида. (Т1, Т2, Т3- тасдиқловчи томоннинг сўзга чиқувчилари, яъни спикерлари, К1, К2, К3-қарама-қарши томоннинг сўзга чиқувчилари, яъни спикерлари сифатида иштирок этади)
Дебатнинг ўтказилиши	Бунда энг асосий иш иштирокчиларни танлаб олиш бўлиб, бунда ҳар бир иштирокчини дебат билим орттиришга мўлжалланган дастур эканлигига ишонтириш лозим; маъмурият томонидан кўмак олиш, яъни тадбирларни ўтказиш жараёнида раҳбариятнинг иштирок этишини таъминлаш керак. Шу билан бирга, жамоа ишини тўғри ташкил қилиш ва жамоа тартибини сақлаб туриш, жамоанинг ҳар бир аъзоси ўз вазифасини тўлиқ тушунишига эришиш лозим.
Дебатнинг мазмуни	Дебатлар фикрни исботлашга асосланган бўлиб, иштирокчилардан аудитория эътиборини жалб қилиш учун кутилмаган статистик маълумот ёки мисоллар келтириш орқали эътибор қозониш талаб этилади.
Дебатнинг давомийлиги	Дебатда мавзу олдиндан эълон қилиниши ва мавзунини ёритиш учун вақт ҳисобга олинган бўлиши лозим. Малака ошириш курсларида ташкил этиладиган дебатларнинг давомийлиги 1 соатдан 3 соатгача белгиланиши мумкин. Ундан ортиқ вақт давом этган дебат кутилган натижаларни бермайди.
Назорат шакли ва баҳолаш	Ҳакамлар ҳар иккила жамоанинг келтирган фактларини тинглагач ҳакамият жадвалини тўлдирадilar ва дебат натижасида қайси жамоага афзаллик берилганлиги ҳақидаги ҳакамлар қарорини ёзиб қўядилар.

Шунингдек, малака ошириш жараёнида қўлланиладиган айрим технологиялар ва методларни келтириб ўтамиз:

2.2.3-жадвал

Малака ошириш жараёнида қўлланиладиган технологиялар ва методлар

«Бумеранг» технологияси	«Блиц-ўйин» технологияси
«ФСМУ» технологияси	«Муаммо» технологияси
«Лойиҳалаш» технологияси	«Дебатлар» технологияси
«3x4» технологияси.	«Мини-тест» методи.
«Ишчанлик ролли ўйин» технологияси	«Моделлаштириш» методи
«Чархпалак» технологияси	«Икки қисмли кундалик» методи
«Кластер» методи.	«Инсерт» технологияси.
«Ақлий ҳужум» методи	«Мулоқот» технологияси.
«Муаммоли ўқитиш» технологияси	«Интервью» технологияси
«Хулосалаш» технологияси	«Скарабей» технологияси
«Веер» («Елпиғич») технологияси	

Хулоса сифатида шуни қайд қилиш жоизки, малака ошириш жараёнида тарих фани ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда таълимнинг интерфаол методларидан фойдаланиш тингловчилар фаоллигини оширишга, ишга ижодий ёндашув кўникмаларини шакллантиришга олиб келади, ўз қобилияти ва имкониятларини текшириб олишга ёрдам беради, жамоа билан ишлаш маҳоратини шакллантиради, тингловчиларда турли вазиятларни турли нуқтаи назардан муҳокама қилиб, қарор қабул қилиш маҳоратини шакллантиради, ўз фаолиятининг натижаларига масъуллик ва қизиқиш уйғотади, муаммоларга диққатни жамлай олиш, ўз билимларини янги шароитларда, янгича вазиятларга кўчириш малакасини шакллантиришга ёрдам беради.

Энг муҳими, янгиликларни амалиётда қўллаш учун қарор қабул қилиш малакасини шакллантиради. Ўқитувчиларда ижодий фаолликни ошириб, янгилик киритиш учун технологик ва методологик тайёргарлигини шакллантиради, инновацион фикрлашни ривожлантиради, ўқитувчи мотивациясини вужудга келишида асосий рол ўйнайди.

2.3. Мустақил малака ошириш орқали тарих ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш имкониятлари

Инновацион фаолият ўз моҳиятига кўра ижодий характерга эга эканлиги сабабли унинг шаклланишида мустақил малака оширишнинг ўз ўрни мавжуд. Маълумки, инсон олдида бирор муаммо тургандагина ижодкорликка эҳтиёж туғилади. Педагогик ижодкорликнинг асосий моҳияти инновацион фаолият мақсади ва характери билан боғлиқ. Педагогик фаолият киши шахсини, унинг дунёқараши, эътиқоди, онги, хулқ-атворини шакллантиришдек умумий мақсадга бўйсундирилган сон-саноқсиз педагогик масалаларни ечиш жараёнидир. Ўқитувчи фаолиятидаги ижодкорлик шу масалаларни ечиш усуллари эгаллаганлиги, уларни ҳал қилиш йўллари қидириб топа билишида намоён бўлади.

Педагогик ижодкорликнинг манбаи педагогик тажриба ва мустақил малака ошириш бўлиб, педагогик тажриба муаммоли вазиятларга жуда бойлиги билан характерланса, мустақил малака ошириш шу муаммоларни моҳирлик билан ечиш имкониятини берувчи асосий восита ҳисобланади. Илғор педагогик тажриба деганда, биз ўқитувчининг ўз педагогик вазифасига ижодий ёндашувини, ўқувчиларнинг таълим-тарбиясида янги, самарали йўл ва воситаларни қидириб топишини тушунамиз. Аммо илғор педагогик тажрибани шакллантирувчи асосий омил бу мустақил малака ошириш орқали шахсий тажриба тўплаш эканлигини баъзида унутиб қўймоқдамиз.

Ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти тарих фани ўқитувчисининг ижодкор бўлишини, фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юритишни, ўқувчиларни ижодий фикрлашга, тадқиқот ишларига ўргатишни талаб қилади. Шунинг учун ўқитувчи, энг аввало, тадқиқотчилик малакаларини эгаллаши зарур. Чунки ўқитувчи тадқиқот ишларини олиб бориш давомида таълим-тарбия самарасини

таъминловчи омилларни тўплайди, таҳлил қилади, улар асосида хулосалар чиқаради. Фан хулосаларидан амалий фаолиятда фойдаланиш жараёнида ўқитувчи ўз малакасини ошириб боради. Малака ошириш шакллари ичида энг самаралиси ва қулайи мустақил (якка тартибдаги дастур асосида) мустақил малака ошириш ҳисобланади.

Тарих фани ўқитувчисининг анъанавий таълим методикасини қайта ўзгартиришига сабаб бўладиган биринчи асос бу унинг ўз-ўзидан қониқмаслигидир. Ўқитувчилик касбининг ўзига хос хусусияти, унинг моҳияти ўқувчига билим беришдан иборат эканлиги билан изоҳланади, шунга кўра ўқитувчи доимий ўқиши ва малакасини ошириб бориши зарур. Бунинг учун ўқитувчи муттасил ўз устида ишлаши, мутолаа қилиши, бир сўз билан айтганда, мустақил-мустақил малака ошириши талаб этилади.

Тарих фани ўқитувчиси педагогик фаолиятининг муваффақиятли бўлиши ижодкорликка, мустақил ишлашга ва узлуксиз равишда малака оширишга боғлиқ. Бу жараёнда мактабларда ташкил этилган фан методбирлашмаларининг роли, айниқса, муҳим. Фан методбирлашмалари ўқитувчиларга методик ёрдам бериш, уларнинг малакасини ошириш ишининг узоқ йиллар давомида тартибланган шакли деб ҳисоблансада, бугун аксарият фан методбирлашмаларининг фаолияти бу талабга жавоб бера олмайди.

Тадқиқот жараёнида ўтказилган педагогик тажриба-синов натижасида аксарият тарих фани ўқитувчилари методбирлашма фаолиятдан қониқмаслигини (59,4%), бу бирлашмалар ўқитувчилар малакасини оширишга қодир эмаслигини (61,2%), муаммоли мавзуларда семинарлар ва ўқувлар ташкил қилмаслигини (57,3%), тажриба-синов ишиларини қуйидан режалаштира олмаслигини ва тажриба-синов ишлари жараёнида ўқитувчига керакли методик ёрдамни ташкил қила олмаслигини (53,6%) маълум қиладилар. Шу сабабли фан методбирлашмаси ишларини жонлантириш учун ҳар бир ўқитувчининг мустақил малака

ошириш дастури бўлишини ва методбирлашма мазкур дастурнинг бажарилишини назорат қилиб туриши лозимлигини қўллаб-қувватлайдилар. Биз ўқитувчиларда инновацион фаолиятни шакллантириш жараёнида мустақил малака ошириш дастурларининг алоҳида аҳамияти борлигига ишонч ҳосил қилдик, чунки бундай дастурларни тузиш ва амалга ошириш ўқитувчиларда ўз фаолиятини мунтазам янгилаб боришига имкон яратади ва мактаб фан методбирлашмалари ишини ривожлантиради.

Бизнинг фикримизча, тарих фани ўқитувчиси ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, таҳлил натижаларини ҳисобга олган ҳолда мустақил малака ошириш дастурини тузиши керак.

Мустақил малака ошириш бу-бозор иқтисоди шароитида ходимнинг ўз малакасини мустақил равишда узлуксиз ошириб боришини тақозо этувчи, ходимнинг рақобат шароитида ўз иш ўрнини, обрў эътиборини сақлаб қолиши ва юксалтириши учун мустақил ҳаракат қилишини талаб этувчи таълим жараёнидир. Мустақил малака ошириш ҳар бир мутахассиснинг билим, кўникма ва малакаларини тезкорлик билан доимий чуқурлаштиришга, янгилашга ҳамда маданий савиясини кенгайтириб боришига йўналтирилган фаолиятдан иборат, унинг ҳаракатлантирувчи кучи-тинимсиз мустақил мутолаа ҳисобланади.

Ўқитувчининг касби ва лавозими бўйича сиёсий, иқтисодий- ижтимоий, маънавий, миллий ғоя ва мафкуравий йўналишдаги билимларини янгилаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш мақсадида дидактик воситалардан фойдаланиб ўрганиш, ўзлаштириш, билим орттириш борасида янада юқорироқ самарадорликка эришиш учун қилган мақсадли ижодий меҳнати мустақил малака ошириш ҳисобланади.

Мустақил малака ошириш эҳтиёжининг келиб чиқиши учун педагогик маҳоратни ўзлаштириш истаги билан бир қаторда, тарих фани ўқитувчиси психологик ва ижтимоий ривожланишнинг муайян даражасига эришган бўлиши, яъни:

1. Ўқитувчи малака оширишнинг дастлабки усуллари, ўз фаолиятини такомиллаштириш ва бойитиш усуллари билиши;

2. Ўқитувчи ўз малакасини оширишни хоҳлаши, етарли ривожланган ва иродали бўлиши, хилма-хил вазифаларни ҳал этиш қобилиятига эга бўлиши;

3. Ўзининг ўқитувчилик ижтимоий бурчини тушуниши;

4. Жамоа аъзолари билан ҳамфикр бўлиши, жамоада обрў-эътиборга интилиши, жамоа учун ижтимоий фойдали меҳнатга тайёр туриши;

5. Ўзини жамоанинг бошқа аъзолари, яқин кишиларининг кўзи билан кўриши ва ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиши лозим.

Афсуски, кўп ўқитувчилар ўзининг биринчи галдаги вазифасини ўқувчиларга дарсликдаги мавжуд билимни бериш деб тушунадилар ва кўп вақтларини шунга сарфлайдилар.

Ўқитувчилик касби бир қолипда ишлашни, замон талабидан орқада қолишни ёқтирмайди. Умрини шу ишга бағишлаган одам ўз тарбияланувчиларида кўришни истаган фазилатларнинг ҳаммасига ўзи эга бўлиши лозим. Бугун ўқитувчининг ўзи юксак инсонпарвар бўлиши керак. Ўқувчига инсонпарварликни фақат қалб меҳригина бериши мумкин, у, албатта, кенг маълумотли ва ижодкор бўлиши керак, чунки билишга бўлган иштиёқни фақат шу иштиёқ билан ёнган кишигина тарбиялаши мумкин. Ўқитувчи ватанпарвар бўлиши керак, чунки Ватанга муҳаббатни ўз юртини севган кишигина уйғота олади.

Бугунги кунда дунё амалиётида малака оширишни децентрализация қилиш (яъни марказдан жойларга қўчириш) амалга оширилмоқда. Бундай шароитда Ўзбекистон мисолида малака оширишнинг асосий бўғини мактаб бўлиб қолади. Мактаб шароитида мустақил малака ошириш эса фан методбирлашмасида шахсий дастур асосида амалга оширилиши керак. Ўқитувчиларнинг кўпчилиги мактабда малака ошириш деганда тажрибали касбдошларининг дарсларида иштирок этишни, дарс

кузатишни, тажриба алмашишни, ўз касбига доир методик журналлар, адабиётларни ўқиб боришни тушунадилар. Бу албатта тўғри. Лекин мактабда малака ошириш жараёнида ахборот технологияларини билиш ва улардан тўғри фойдалана олиш ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Педагогик тажриба-синов ишларида назорат гуруҳида иштирок этган тарих ўқитувчиларининг асосий қисми янги ахборот технологияларини ўрганиш малака оширишга таъсир этувчи омил эканлигини маълум қилсаларда, уни ўрганишга интилмадилар.

Тажриба гуруҳларидаги респондентлар педагогик тажриба-синов якунида янги ахборот технологияларида ишлаш малакасини эгаллагач, тарих дарсларида кўргазмали қуроллар ва дарс ишланмаларининг электрон вариантини яратишга эришдилар. Бугунги дунё манзарасини Интернет орқали тўлиқроқ тушуниш имконига эга бўлдилар ва бу соҳада ўқувчилардан орқада қолмаслик ўқитувчининг асосий вазифаси эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Мустақил малака ошириш дастури-ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда асосий омил бўлганлиги сабабли, биз бу дастурни тузишда қуйидагиларга амал қилишни тавсия қиламиз:

1. Мустақил малака ошириш дастурининг мақсадини аниқлаб олиш.

2. Мустақил малака ошириш дастурини ишлаб чиқишдаги асосий тамойилларга (узлуксизлик, илмийлик, дастурни амалга ошириш имкониятларини реал бўлиши) амал қилиш лозим.

3. Мустақил малака ошириш дастурининг тузилиши ва мазмуни ўқитувчи фаолиятининг таҳлили натижаларига асосланиши, бу дастур ўқитувчи маҳоратини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

4. Мустақил малака ошириш дастурининг бажарилишини назорат қилиб бориш фан методбирлашмаси ёки раҳбарият томонидан вақти-вақти билан назорат қилиниб, унинг мониторинги олиб борилиши керак.

Масалан, тарих ўқитувчисининг мустақил малака ошириш дастурини қуйидаги йўналишлар бўйича тузиш мумкин:

1. Миллий ғоя ва маънавият масалаларини ўрганиш.
2. Касбий маҳоратни такомиллаштириш масалалари.
3. Методик маҳоратни ошириш (инновациялар, илғор педагогик технологияларни ўрганиш) масалалари.
4. Педагогика ва психология соҳасидаги янгиликларни ўрганиш.

Миллий ғоя ва маънавият масалаларини ўрганиш жараёнида миллий ғоя ва маънавият масаларига оид асосий тушунча ва тамойилларни ўзлаштиришга йўналтирилган манбалар билан ишлаш, миллий ғоя мустақил Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг методологик асоси эканлигига эътибор қаратиш мустақил малака ошириш дастурида ўз ифодасини топиши лозим.

Иккинчи йўналиш ўқитувчининг касбий тайёргарлигини оширишга қаратилган бўлиб, бунда ўқитувчи:

-таълим тизими ривожланишининг ҳозирги босқичида тарих фанларини ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини билишни;

-тарих фанларидан Давлат таълим стандартлари, амалдаги мактаб дастури, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини, уларни бир-биридан фарқини билишни;

-курснинг қайси масалалари ўқувчиларда қийинчилик туғдиришини тез пайқashi, бу қийинчиликлар моҳиятини тушуниб, уларни бартараф этиш йўллариини тезликда топа олишни мақсад қилиб қўйиши лозим.

Учинчи йўналиш ўқитувчининг методик маҳоратини оширишга қаратилган бўлиб, бунда ўқитувчи ўз олдига:

-тарихни ўқитиш методикасининг назарий асосларини ўрганишни;

-маълум шароитларда дидактиканинг, педагогик-психологиянинг асосий қоидаларига таянган ҳолда ўқитишнинг қулай усулларини танлашни билиши;

-зарур ҳолда дарс ўтишнинг маълум усуллари бошқаси билан алмаштириш учун фаол таълим методларини билишни;

-дидактиканинг асосий тушунчалари (билим, кўникма, малака)ни, уларни шакллантириш методикасини эгаллашни;

-ўқувчиларда тарихга қизиқиш уйғотиш ва уларни маънавий ривожлантириш усуллари билишни;

-илғор педагогик технологиялар ва дарс ўтишнинг инновацион методларини тарих дарсларида қўллаш малакасига эга бўлишни;

-янги ахборот технологияларини ўрганишни ва тарих дарсларида улардан фойдаланиш малакасига эга бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйиши лозим.

Тўртинчи йўналишнинг асосий мақсади ўқитувчининг психологик-педагогик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, бунда ўқитувчи:

-тарих таълими жараёнида ўқувчи шахсини ривожлантириш малакасига эга бўлиш, ўқувчиларни ижтимоий-фойдали меҳнатга ва касб танлашга йўналтириш кўникмасини эгаллашга интилиши;

-тарих фани бўйича ўқув-тарбиявий ишларни тизимли, технологик ёндашувлар ва талаблар даражасида ташкил қилиш малакасини эгаллаши;

-оддий кўргазмали қуроллар тайёрлашни, мактабда тарих фани бўйича факультатив курсни ташкил этиш ва бу курсни олиб боришга тайёргарлик кўриши;

-тарих фани бўйича синфдан ва мактабдан ташқари ишларни режалаштириш ва унга раҳбарлик қила олиши;

-ёш давлари психологиясини билиш ва таълим тарбия жараёнида психологик-педагогик вазиятлардан чиқиш йўллари ўзлаштиришга аҳамият бериши лозим.

Мустақил малака ошириш дастури 1 йилга ёки 6 ойга мўлжаллаб тузилиши ва мактаб фан методбирлашмаси томонидан тасдиқланган бўлиши керак, дастурнинг назоратини раҳбарият амалга ошириши лозим. Биз педагогик тажриба-синов жараёнида тарих ўқитувчисининг мустақил малака ошириш дастурини тузиш учун тавсия

этган адабиётлар ва манбалар рўйхати 7-иловада келтирилган.

Мустақил малака ошириш дастурининг аҳамияти қуйидагиларда кўринади:

1. Мустақил малака ошириш орқали ҳар бир ўқитувчи ўз фаолиятида инновацияларни амалиётга татбиқ қилади.

2. Педагогнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳадаги билимлари янада кенгаяди ва чуқурлашади.

3. Кадрларнинг касбий билими, амалий кўникмалари рақобатбардош даражада бўлади.

4. Ўқитувчи ўқув машғулотларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш малакасига эга бўлади.

5. Ўқитувчининг нафақат ўзи, балки ўқувчилари ҳам мустақил мутолаа қилишга ўрганади.

6. Таълим-тарбия жараёнини Давлат таълим стандартлари даражасида амалга ошириш имконияти пайдо бўлади.

Мустақил малака ошириш дастури асосан малака ошириш курсидан кейинги даврда, курсдан курсгача бўлган ораликда ўқитувчининг фан йўналишидаги замонавий билимлар, психология-педагогика соҳасидаги янгиликлар билан ўз вақтида танишиб бориши учун йўналтирувчи восита ҳисобланади.

Мустақил дастур билан ишлаш долзарб мавзулар бўйича реферат, маъруза, тавсиялар, ишланма, мақола ёзиш, фан методбирлашмасида, мактаб педагогик кенгашида ва бошқа педагогик анжуманларда ахборот бериш, маърузалар ўқиш билан ёки ҳисобот тарзида яқунланиши керак.

Агар ҳар бир педагогда шу шаклда илмий-педагогик, методик адабиётлар ҳамда бошқа ахборот воситалари билан мустақил ишлаш кўникмаси шакллантирилиб борилса, уларда тинимсиз ўқиш, изланиш, яратувчанлик, бунёдкорлик, янгича фикрлаш хусусияти пайдо бўлади.

Билимларнинг янгиланиш жараёни жадал суръатларда кечаётган бугунги кунда ўқитувчи дарс ўтишнинг замонавий методларидан фойдаланиши зарур, чунки бирорта дарслик ҳам дарсни турли шаклларда ўтказиш бўйича тўла-тўқис

тавсиялар бера олмайди. Шунинг учун ўқитувчилардан мустақил ишлашлари орқали ўз фаолиятларини мунтазам янгилаб бориши талаб этилади. Ўқитувчи ўз дарсини ўзи таҳлил қилиши бу борадаги муваффақиятларни таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади ва биз ўқитувчиларнинг ўз фаолиятини назорат қилишлари учун саволлар мажмуасини 3-иловада келтириб ўтганмиз.

Тарих фани ўқитувчисининг мустақил малака ошириш дастурининг асосий хусусияти шундаки, бу дастур педагогик фаолият самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи мустақил малака ошириш лойиҳасини яратилишидан бошлаб, унинг мазмунини пухта асосланиши, шунингдек, дастур талабларига қатъий амал қилиш ва изчилликда амалга оширилиши зарур бўлган босқичларни ўзида жамлаган бўлади.

Тарих фани ўқитувчисининг мустақил малака ошириш дастурида амалга оширилиши зарур бўлган фаолият мазмуни, унинг ўзига хос хусусиятлари, фаолиятни ташкил этишдан кўзланган мақсад, педагогик вазифалар, шакл, метод ҳамда уларнинг бирлигини ва аҳамиятини ифодаловчи ғоялар ўрин олиши лозим.

Мустақил малака ошириш дастурини тузиш ва амалга оширишда халқаро алоқа тизими –Интернетдан фойдаланиш имкониятининг яратилганилиги, масофадан ўқитиш тизимининг ташкил этилганлиги каби омиллар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Чунки малака ошириш тизимининг истиқболи деб қаралаётган масофадан ўқитиш тизимида таълим олиш айнан мустақил дастурлар асосида амалга оширилиши кўзда тутилган. Мустақил малака ошириш дастури асосида малака оширишни ташкил этиш бўйича ўтказилган педагогик тажриба-синов ишлари бизга қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

- ўқитувчи ўз иш фаолиятида учрайдиган долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш усуллари бевосита таълим жараёнининг ўзида ишлаб чиқиш бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўлади;

- ўқитувчининг ўз фаолиятини доимо назорат қилиши ва ўз-ўзини таҳлил қилиб бориши, ўз малакасини оширишга бўлган қизиқишнинг ортиши кузатилади;

- ўқитувчида ўз малакасини оширишга бўлган масъулиятнинг ошиши кузатилади, бу ўқитувчи малакасига қўйиладиган Давлат талабларининг бажарилишига ёрдам беради;

- мустақил малака ошириш дастурлари бажарилишини назорат қилиш жараёнида мактаб фан методбирлашмаларининг фаолияти кучаяди ва мактабдаги методик ишлар жонланади;

- ўқитувчиларнинг ўзаро мулоқот малакаларининг такомиллашиб бориши, ҳамжиҳатликда, жамоа бўлиб ишлаш малакаларининг такомиллашгани яққол намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, мустақил малака ошириш дастурига эга бўлган ҳар бир ўқитувчи давлатимизнинг педагог кадрларга қўйган талабларига тўла жавоб бера олади, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшади, таълим жараёнида Давлат таълим стандартлари асосида билим бера олади ва энг муҳими таълим сифатини кафолатлайди.

II боб бўйича хулосалар

Умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган тарих ўқитувчиларининг фаолиятини ўрганиш, мавжуд методик қўлланмалар мазмунини таҳлил этиш, малака ошириш курслари самарадорлигини аниқлаш мақсадида олиб борилган педагогик кузатувлар натижаси қуйидагиларни баён қилиш имконини беради:

- малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг илмий-педагогик тизими ишлаб чиқилмаганлиги боис уларда мотивацияни кучайтиришга хизмат қиладиган муайян ўқув мажмуалари яратилмаган;

- ўқитувчиларнинг ўз устида ишлашлари ва мустақил малака ошириши жараёнида узилиш ҳолатлари мавжуд бўлиб,

бунинг олдини олиш учун мустақил малака ошириш дастуриларини амалиётга татбиқ этилиши лозим;

-ўқитувчиларни ўз устида мустақил ишлаш ва малака ошириши бўйича амалга ошириладиган ишлар бир тизимга келтирилиши керак.

Малака ошириш самарадорлигининг аниқланмаслиги, ҳудудий ХТБларида малака ошириш мониторингининг олиб борилмаслиги, сўз юритилаётган муаммо моҳиятини чуқур англамаслик инновацион фаолиятга тайёрлаш муаммосининг амалиётдаги ҳолатини яхшилаш зарурлигидан далолат беради. Бунинг учун:

1. Тарих фани ўқитувчилари фаолиятини янгилаш, уларни педагогик технологиялар, таълим жараёнидаги инновациялар моҳиятидан хабардор этишга йўналтирилган махсус малака ошириш курсларини, семинар-тренингларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

2. Малака оширишнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш мақсадида ўқитувчиларни мактаб шароитида мустақил малака оширишларини таъминлаш учун уларнинг шахсий малака ошириш дастурлари, лойиҳалари бўлишига ва бу дастурларнинг бажарилишига эришиш лозим.

3. Ўқитувчининг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, ўзини ижодий намойиш этиш ва таълим олиши учун қулай таълим муҳитини яратиш зарур. Мазкур муҳитда қарор топган муносабатлар икки томонлама муносабатга асосланган педагогик мулоқот бўлиши керак.

4. Малака ошириш курсини ташкил этишда мақсад аниқ белгиланган, таълим шакли, методлари ва воситаларининг мақбул вариантлари танланган, ўқув жараёнини ташкил этиш жараёнида тингловчи-иштирокчиларнинг ёши, руҳий ҳолати, эҳтиёжи, қизиқишлари ва фикрлаш қобилиятларининг ривожланганлиги ҳисобга олиниши керак.

5. Малака ошириш жараёнида ўқитувчига ўз-ўзини англаш, ўз фаолиятини назорат қилиш, баҳолаш, қайта тарбиялаш имкониятини бериш, жамоада ижодий ишчанлик кайфиятини яратиш, ҳар бир ўқитувчига ўзини эркин

намойиш этишига эришиш лозим. Ўз навбатида малака ошириш курсига келган тингловчи малака ошириш жараёни мақсадининг моҳиятини англаши, ўз фаолиятини ўзгартириш ва янгилашга нисбатан ички эҳтиёж ва қизиқишга эга бўлиши, таълим жараёнининг фаол субъекти сифатида ҳаракат қилиши, ўз билимини бойитиш йўлида мустақил фаолият олиб бориши талаб этилади.

III БОБ. ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВНИНГ МАЗМУНИ, ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ ВА НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ

3.1. Педагогик тажриба-синовнинг мақсад ва вазифалари

Муаммонинг психологик, педагогик ва ижтимоий хусусиятлари моҳиятини таҳлил қилиш учун умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган тарих фани ўқитувчилари фаолиятини ўрганиш ва уларни инновацион фаолиятга тайёрлаш механизми лойиҳасини ишлаб чиқиш асосий вазифа сифатида белгиланди ва тадқиқот доирасида амалга оширилган педагогик тажриба-синов ишларининг лойиҳаси яратилди.

Тадқиқот муаммосининг ижобий ечимини таъминлашга йўналтирилган **педагогик тажриба-синовнинг мақсади** тадқиқотда илгари сурилган ишчи фаразнинг тўғри эканлигини асослаш мақсадида тарих ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнида инновацион фаолиятга тайёрлаш механизминини ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш жараёнида ечиладиган педагогик вазифалар қуйидагилардан иборат, деб белгиланди:

- педагогик тажриба-синов жараёнида ўқитувчиларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва шу асосда тажриба-синов учун тайёрланган материаллар самарадорлигини аниқлаш;

- тажриба-синов ўтказиладиган майдонларни белгилаб олиш;

- педагогик тажриба-синов майдонларини ўқув жараёнига тайёрлаш; семинар-тренинг материалларини ишлаб чиқиш; педагогик тажриба-синовни ташкил этиш;

- педагогик тажриба-синов майдони сифатида белгиланган малака ошириш институтлари педагог ходимлари билан ҳамкорликда тарих ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш бўйича мақсадли тренинглар ўтказиш; малака тоифасига кўра ташкил этилган

ҳар бир тренингда иштирок этган ўқитувчилар касбий ва методик маҳоратининг шаклланганлик даражасидан келиб чиқиб, тренингдан кейин амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

-тажриба-синов майдонларида мониторинг ишларини олиб бориш.

Тарих ўқитувчилари инновацион фаолиятининг шаклланганлик даражасини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш жараёнида бу фаолиятнинг шаклланганлик даражасига кўра ўқитувчиларни шартли равишда учта гуруҳга ажратиб, таҳлил қилишни лозим топдик. Булар қуйидагилар:

юқори даража- инновацион фаолият технологиясини пухта эгаллаган, ўз назарий ва амалий билимларини мунтазам ошириб борадиган, фан янгиликларини пухта биладиган тренер даражасидаги ўқитувчилар;

ўрта даража- фаол таълим усуллари биладиган, лекин амалиётга фаол татбиқ эта олмайдиган, ўз устида ишлаш малакаси тўла шаклланмаган ўқитувчилар;

паст даража- ўз фаолиятини янгилашга қизиқмайдиган, бу борада сусткашликка йўл қўядиган, малака ошириш мазмунини тўла англамайдиган ўқитувчилар.

Педагогик тажриба-синов майдонларини белгилашда қуйидагилар асосий мезон деб белгиланди:

-тажриба-синов майдонларининг турли ҳудудлардан ихтиёрий олинганлиги;

-тажриба ҳамда назорат гуруҳларидаги тингловчиларнинг сони ва малака тоифалари бир-бирига яқинлиги;

-тажриба ва назорат гуруҳларидаги тингловчилар умумий фаолиятининг бир-бирига мослиги;

-малака ошириш институтларининг моддий-техник базаси ва илмий салоҳияти ўзаро бир-бирига тенглиги;

-педагогик тажриба-синовни ўтказишда иштирок этган тренерлар ва методистларнинг илмий-педагогик тайёргарлик ҳолати ва ҳ.к.

Педагогик тажриба-синовнинг мақсади тадқиқот ишида илгари сурилган илмий фаразнинг тўғри эканлигини исботлашдан иборат бўлиб, тажриба-синов 3 босқичда амалга оширилди:

Тайёргарлик босқичида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- тадқиқотнинг асосий йўналиши аниқлаб олинди;
- муаммонинг назарий ва амалий ҳолати ўрганилди;
- умумтаълим мактабларининг тарих фани ўқитувчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича тўпланган тажрибалар ўрганилди;
- таянч малака ошириш муассасалари танланди, уларда педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш учун моддий-техник, илмий-методик негиз ва педагогик шарт-шароитлар мавжудлиги ўрганилди;
- педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш учун зарур бўлган материаллар тайёрланди;
- таянч таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагогларва методистлар тажриба-синовни ўтказишга тайёрланди;
- дастлабки педагогик тажриба-синов ўтказилди.

Иккинчи босқичда қуйидагилар амалга оширилди:

- режа асосида педагогик тажриба-синов давом эттирилди;
- таҳлил асосида педагогик тажриба-синов ўтказиш учун тайёрланган материалларнинг мазмунига ва уларни амалиётга жорий этиш методикасига зарур ўзгартиришлар киритилди;
- педагогик тажриба-синовдан олинган натижалар миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил қилинди;
- ўқув-дастурий ҳужжатлар мазмуни ўрганилди, фаол таълим методларини ва мустақил малака ошириш дастурларини қўллаш билан тингловчиларнинг ўзлаштириш даражаси орасидаги сабаб-оқибатли алоқалар ва муносабатлар аниқланди;
- илмий далиллар умумлаштириб борилди;

- педагогик тажриба-синов мониторинги олиб борилди ва улар муҳокама қилинди.

Тадқиқотнинг учинчи босқичида:

- педагогик тажриба-синов ишлари давом эттирилди;
- назария ва амалиётнинг узвийлиги аниқланди;
- тўпланган маълумотлар асосида илмий хулосалар чиқарилди, тадқиқот натижалари таҳлил қилинди, уларни тадқиқотнинг ишчи фарази ҳамда тадқиқот вазифаларига мослиги асосланди;

- педагогик тажриба-синовда иштирок этиб, ўз малакасини оширган тарих фани ўқитувчиларининг фикр-мулоҳазалари ўрганилди, улар фаолиятининг сифат ва самарадорлиги ошганлигига ишонч ҳосил қилиш учун суҳбатлар ҳамда сўровномалар ўтказилди;

- тадқиқот давомида тўпланган барча материалларга статистик ишлов берилиб, уларнинг ишончли эканлиги исботланди ва методик ишларни амалиётга жорий этиш тадбирлари амалга оширилди. Малака ошириш жараёнида тарих ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш учун педагогик тажриба-синов режаси қуйидаги тартибда тузилди ва амалга оширилди:

1. Тарих ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш юзасидан малака ошириш институтларида олиб борилаётган ишлар ўрганилди ва таҳлил қилинди.

2. Тарих ўқитувчиларининг инновациялар асосида ишлаш кўникма ва малакалари шаклланганлигининг муайян даражаси аниқланди.

3. Малака ошириш институтларида тарих фани ўқитувчилари малакасини ошириш курсларида машғулот олиб боровчи ўқитувчилар ва машғулотларда иштирок этган тингловчилар фаолияти кузатилди.

4. Туман (шаҳар) ХТБнинг ижтимоий фанлар методистлари ва умумтаълим мактабларининг тарих фани ўқитувчилари билан суҳбатлар уюштирилди.

5. Тадқиқот муаммосига доир методик қўлланма ва ўқув дастури яратиш педагогик тажриба-синов режасининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли тарих фани

ўқитувчилари учун методик қўлланма ва семинар-тренинг дастури яратилди. Тарих ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнида чет эл нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратилди.

7. Педагогик тажриба-синов якунларини умумлаштириш ва математик статистика методлари ёрдамида қиёслаш асосида вариация коэффициентлари аниқланди.

8. Педагогик тажриба-синов ишлари умумий баҳоланди, илмий хулосалар чиқарилди ва методик тавсиялар берилди.

Педагогик тажриба-синов жараёнида тарих фани ўқитувчиси педагогик фаолиятининг самарали бўлишини таъминловчи объектив ва субъектив шарт-шароитларни, сабабларни ҳисобга олиб, тажриба-синов ишлари таркибида бир қатор тадбирлар ва ўқув-амалий семинарларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тарих ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш бир неча босқичда давом этадиган жараён бўлиб, бу борадаги ишлар мазмунини шакллантиришда ўзига хос қийинчиликлар ва муаммолар мавжуд. Аксарият ҳолларда, малака ошириш деганда малака ошириш институтларида ташкил этилган курсларда асосий иш жойидан ажралган ҳолатдаги ўқув жараёни тушунилади. Биз педагогик тажриба-синовни амалга ошириш жараёнида иштирокчи ўқитувчилар учун 3 босқичли малака оширишни ташкил этдик.

Агар ўқитувчилар ҳар 3 йилда бир марта малака ошириш курсидан ўтсалар, малака ошириш жараёнида олган янгиликларини педагогик фаолиятга муаммосиз татбиқ эта олмайди. Шу боис тарих фани ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш мақсадида ташкил этилган семинар-тренингларда қуйидаги педагогик вазифаларни ижобий ҳал этиш кўзда тутилди:

1. Тарих фани ўқитувчилари ўз фаолиятларини янгилаш учун назарий ва амалий билимларни ўзлаштиришлари кераклигига ишонч ҳосил қилиш ва муайян шарт-шароит яратиш, (чунки ўқитувчининг «Мен ҳали кўп нарсани

ўрганишим керак экан», - деган хулосага келишининг ўзининг фаолиятида янгилик, ўзгариш бўлишига олиб келади).

2. Фанга оид янгиликлар ва ўқитувчига қўйиладиган бугунги талаблар асосида тарих фани ўқитувчилари ўз фаолиятини такомиллаштириши зарур эканлигига ишонч ҳосил қилишга эришиш.

3. Тарих фани ўқитувчиларида ўз фаолиятини янгилашга нисбатан рағбатни юзага келтириш.

4. Тарих фани ўқитувчиларида янгиликларга нисбатан ижодий ёндашувни қарор топтириш, бу борадаги тажрибаларни ўрганиш, маҳоратни ошириш.

Инновацион фаолиятга тайёрлаш мураккаб жараён бўлиб, бу борада муваффақиятга эришиш учун тарих ўқитувчилари фан асосларини чуқур ўзлаштиришлари, фанлараро алоқадорликни, жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар моҳиятини ва давр талабини англашлари, шу билан биргаликда малака ошириш жараёнидан кўзланган мақсадни таҳлил этиш, руҳий жиҳатдан ўз фаолиятларини янгилашга тайёр бўлиш, ўз фаолиятларида мавжуд камчилик ва муаммоларни тан олишлари муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ўқитувчи ички имкониятларини инobatга олиш, унинг педагогик тажрибаси ва касбий маҳоратига таяниш лозим.

Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш муммосининг ижобий ҳал этилиши-умумтаълим муассасаларида фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг мазкур фаолият ва унинг моҳияти борасидаги маълумотларга эгалиги, назарий билимларни амалиётда қўллай олиш маҳоратининг шаклланганлиги, шунингдек, улар фаолият юритаётган таълим муассасаларида янгиликка эътибор қаратилаётганлигига боғлиқ эканлигини назарда тутиб, таъкидловчи тажриба жараёнида малака ошириш институтларида малака ошириш курсида ўқиётган ўқитувчилар ўртасида сўровнома ўтказилди.

Педагогик тажриба-синовга умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган 500 нафардан ортиқ тарих фани

ўқитувчиси жалб этилди. Биз ўқитувчиларнинг педагогик стажини ҳисобга олган ҳолда, уларни 3 та гуруҳга ажратиб олдик. 1-гуруҳга 3 йилдан 10 йилгача педагогик стажга эга бўлган ўқитувчилар,

2-гуруҳга 10 йилдан 20 йилгача педагогик стажга эга ўқитувчилар ва 3-гуруҳга 20 йилдан ортиқ педагогик стажга эга ўқитувчилар киритилди. Педагогик тажриба-синовнинг ҳаққонийлигини ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида назорат гуруҳларида ҳам тажриба гуруҳларида ҳам юқоридаги 3 та гуруҳ аъзолари бўлишига эътибор қаратдик.

Дастлабки сўров мазмуни тарих ўқитувчиларининг инновацион фаолият борасидаги назарий ва амалий билимларга эгаликлари, уларни қайси манбалар орқали ўзлаштираётганликлари, ўқитувчиларнинг янгиликларга нисбатан психологик тайёргарлик даражаси, янгилик киритиш учун муайян шарт-шароитлар мавжудлиги, раҳбарият томонидан мазкур масалага эътибор қаратилганлиги, таълим жараёнига киритилган янгиликка ўқувчиларнинг муносабати, педагогик жараёнга янгилик киритиш борасида тўпланган ижобий тажрибаларни ўрганишиш ҳамда мазкур масалада оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг мавжуд аҳволи таҳлил қилинди.

Респондентларнинг инновация моҳиятидан хабардорлик даражасини ўрганиш мақсадида, уларга педагогик фаолият назарияси моҳиятини очиб беришга йўналтирилган тарихни ўқитиш методикаси, Ўзбекистон тарихининг назарий-амалий асосларини очиб беришга хизмат қилувчи манбалар асосида тузилган, инновацион фаолият тушунчаси билан боғлиқ саволлар мажмуидан иборат сўровномалар тарқатилган эди.

Маълумки, бугунги кунда ҳар қандай янгилик ва маълумот тарқалишида оммавий ахборот воситалари, янги ахборот технологиялари ва Интернетнинг тезкор суръатда маълумотларни тўплаши, тарқатиши, умумлаштириши, қайта ишлашидаги чексиз имкониятидан фойдаланиш қулай шароит яратади. Аммо бугун ушбу воситалар хизматидан

фойдаланиш даражасини респондентлар паст деб баҳоладилар. Шунингдек, халқаро ҳамда ижтимоий ташкилотлар томонидан бу йўналишда ташкил этилган семинар-тренинглар фақат марказ жойларда фаолият кўрсатаётганини ва улар киритган янгиликлар чекка жойларга етиб бормаётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Биз ўқитувчиларни янгилик киритишга тайёрлик ҳолатини ўрганишда психологлар томонидан тавсия этилган қуйидаги сўровномадан фойдаландик. Саволлар мажмуасининг ушбу блоки ўқитувчиларнинг янгиликларга бўлган муносабатини аниқлаш мақсадида ўтказилди, бунда респондентлар қуйидаги саволларга жавоб бердилар:

1. Сиз киритган янгиликнинг мазмуни, мақсади, унинг самараси, олдинги шу йўналишдаги янгиликлардан фарқи нимада?

2. Сиз киритган янгиликнинг ўзига хос анъанаси тарихини биласизми? Бу янгилик олдин бирор жойда қўлланилганми? Агар қўлланилган бўлса, қандай қийинчиликларга дуч келинган ва натижаси нима билан тугаган?

3. Сиз киритмоқчи бўлган янгиликнинг ташкилий жиҳатлари: яъни педагогик тажриба-синов ишининг моддий қўллаб-қувватланиши кимга боғлиқ?

4. Янгиликни киритиш жараёнида қандай қийинчиликларга дуч келиш мумкин? Янгиликни киритиш жараёни алоҳида босқичларга ажратилиб, режа ишланганми? қаршилиқ кўрсатиш ҳолатлари ёки раҳбарият томонидан етарлича эътиборнинг йўқлиги, моддий базани янгилик киритиш жараёнида етарли бўлмай қолиши ҳолатлари ҳисобга олинганми?

5. Янгиликни киритиш жараёнида ўқувчи шахсини ривожлантиришда, иш мазмунида, ўқитувчининг касбий ва шахсий ривожланишида нима ўзгаради?

Бу саволномани ўтказишдан мақсад ўқитувчиларнинг янгиликларга нисбатан муносабатини, янгилик киритишда илмийлик тамойилига амал қилинишини ва бу борада

ўқитувчиларнинг психологик тайёргарлигини аниқлашдан иборат эди.

Бугун ўқитувчининг фаолиятини таҳлил қилишга янгича ёндашув ва фаолиятни таҳлил қилишнинг янги методларини қўллаш зарур. Шунга асосан биз ўқитувчи фаолиятини таҳлил қилишда В.А.Сластенин[129;115] томонидан таклиф этилган педагогик фаолиятни кузатув харитасидан ва сўровномасидан фойдаландик. Бунда ўқитувчининг фаолияти ва таълим жараёнига янгилик киритишга тайёргарлик даражаси 5 баллик тизимда назоратчилар томонидан баҳолаб борилди (3.1.1-жадвал ва 3.1.2-жадваллар), бунда 5 балл билан баҳоланган ўқитувчиларнинг фаолияти **юқори даража** деб, 4 балл билан баҳоланган ўқитувчилар фаолияти **ўрта даража** деб, 3 ёки 2 балл тўплаган ўқитувчилар фаолияти **паст даражада** деб олинди.

Педагогик тажриба-синов ишлари жараёнида таклиф этилаётган ўқув дастурлари ва мавзуларнинг аҳамиятини ҳамда самарадорлигини баҳолаш жараёнида эксперт сифатида таклиф этилган назоратчилар асосан туман (шаҳар) ХТБ методистларидан ва тажриба-синов мактабларида ўқув бўлими мудирлари ёки фан методбирлашмаси раҳбарларидан, малака ошириш институтларида эса курс раҳбарларидан танлаб олинди ва тажриба-синов ишларининг биринчи босқичида назоратчилар ҳам махсус тайёргарликдан ўтказилди. Бунда назоратчилар респондентларнинг фаолиятини кузатиш, назорат қилиш ва таҳлил қилишга тайёрланди, тажриба-синов ишининг мезонлари билан таништирилди.

3.1.1-жадвал

Ўқитувчиларнинг инновацион фаолият юритиш қобилиятини
баҳолаш учун педагогик харита (педагогик тажриба-синов ишларини бошланишидаги ҳолат)

№	Ўқитувчининг сифатлари	Таърифла таърифи	Назорат таърифи	Ўқитувчилар сони							
				Юқори даража		Ўрта даража		Паст даража		80 %	
				Т.г	Н.г	Т.г	Н.г	Т.г	Н.г		
I. Шахснинг ижодий-мотивацион йўналганлиги											
1.	Билимга интилиши, ижодий қизиқувчанлиги.	250	246	48	46	100	94	102	106	0.27	
2.	Ижодий муваффақиятга интиёқи.	254	250	46	50	98	87	110	113	0.83	
3.	Лидерликка интилиши.	250	246	48	52	96	92	106	102	0.29	
4.	Ижодий фаолият учун юқори баҳо олишга интилиши.	248	246	46	52	92	90	110	104	0.56	
5.	Ижодий фаолиятнинг шахсий аҳамияти.	252	250	49	47	95	94	108	109	0.04	
6.	Ўз-ўзини ўстиришга интилиши.	250	250	52	50	87	89	111	111	0.06	
II. Ўқитувчининг очқиллиги (креативлик хусусиятлари)											
1.	Вариативлик. Педагогик вазиятларда тўғри қарор қабул қилиши.	248	254	53	51	89	95	106	108	0.18	
2.	Мустақил мулоҳаза юритиши, ўз фикрини баён қилишдан тортинмаслик.	250	253	48	52	91	95	121	106	1.34	
3.	Фантазияси, тасаввур. Турли ғояларни яратишдаги интеллектуал салоҳияти.	250	251	47	49	88	91	115	111	0.16	
4.	Педагогик фаолиятда қотиб қолган фикрларни инкор қилиш қобилияти, фикрлар қарама-қаршичилигига бардош бериши.	252	254	47	48	94	94	111	112	0.01	
5.	Таваққалчилик қобилияти.	252	254	48	49	89	92	115	113	0.07	
6.	Педагогик фаолиятда муаммони олдиндан кўра билиш.	252	250	51	52	92	94	109	104	0.14	
7.	Танқидий фикрлаш, фикр-мулоҳазаларни баҳолаш қобилияти.	252	250	46	51	94	89	112	110	0.40	
8.	Ўз-ўзини таҳлил қилиши.	250	250	49	42	95	94	106	114	0.83	

III. Ўқитувчининг инновацион фаоллиятини рўёга чиқаришдаги касбий қобилиятини ва лаёқатини баҳолаш											
мезонлари											
1.	Ижодий фаоллият методологиясини эгаллашга интилиши.	248	246	52	51	98	89	98	106	0.75	
2.	Педагогик тадқиқот методларини эгаллаганлиги.	254	250	49	48	80	82	125	120	0.11	
3.	Муаллифлик концепцияларини қўллаш	248	252	48	43	82	91	118	118	0.71	
4.	Тажриба-синов ишларини режалаштира олиши.	250	246	44	46	92	84	114	116	0.39	
5.	Педагогик таъриба-синов ишларини мактабда ташкил этиш қобилияти.	251	253	46	48	90	83	115	122	0.52	
6.	Фаоллиятни янгилаш, камчиликларни тузатиш малакасига эгаллиги.	250	246	48	48	92	96	110	102	0.35	
7.	Ўзидан бошқа тадқиқотчи-ўқитувчилар таърибаларини таҳлил қилиши ва қўллаш олиши.	250	246	49	46	88	92	113	108	0.26	
8.	Ҳамкорлик қилиш ва бошқаларга методик ёрдам кўрсатиш.	249	246	51	44	92	95	106	109	0.61	
9.	Муаммоларни олдини олиш ва бартараф этиши.	251	254	43	42	100	94	108	118	0.62	
IV. Ўқитувчи шахсининг мустақил хусусиятлари											
1.	Ижодий фаоллиятнинг даражаси (тепни).	252	250	48	42	92	90	112	118	0.57	
2.	Ижодий фаоллият юритишда шахсининг ишга бўлган муносабати	252	250	50	42	90	91	122	117	0.72	
3.	Ўзига ишонч, қарор қабул қила олиши.	244	252	48	46	94	90	102	116	0.90	
4.	Жавобгарлик ҳисси.	254	250	48	42	91	93	115	115	0.39	
5.	Ҳаққонилик, виждонлилик.	250	250	45	43	90	88	115	109	0.23	
6.	Ўзини таҳлил қилиш қобилияти, таъкидлотчилиги.	250	250	51	46	92	89	107	105	0.33	

**Ўқитувчиларнинг инновацион фаоллиги юртинги қобилиятининг
баҳолаш учун педагогик харита (педагогик тажриба-синов ишлари якунидаги ҳолат)**

№	Ўқитувчининг сифатлари	Таърифи Турли	Назари Турли	Ўқитувчилар сони						
				Юқори даража		Ўрта даража		Паст даража		
				Т.г	Н.г	Т.г	Н.г	Т.г	Н.г	
I. Шахснинг ижодий-мотивацион йўналтирилган										
1.	Билимга иштироки, ижодий қизиқувчанлиги.	250	246	71	47	133	120	46	83	16.4
2.	Ижодий муваффақиятга иштироки.	254	250	79	45	131	121	43	85	23.5
3.	Лидерликка иштироки.	250	246	77	54	126	107	47	89	18.5
4.	Ижодий фаоллиги учун юқори баҳо олишга иштироки.	246	246	75	53	125	104	48	89	17.9
5.	Ижодий фаоллигининг шахсий аҳамияти.	252	250	86	58	127	113	39	79	19.8
6.	Ўз-ўзини ўстиришга иштироки.	250	250	77	46	138	119	45	85	21.5
II. Ўқитувчининг оқиллиги (креативлик хусусиятлари)										
1.	Бариятивлик. Педагогик вазиятларда туғри қарор қабул қилиши.	248	254	79	55	129	114	40	85	21.3
2.	Мушаққил мулоҳаза қилиши, ўз фикрини баён қилишдан тортинмаслик.	250	253	80	51	120	104	50	98	23.1
3.	Фантазияси, тасаввур. Турли ҳолатларни яратилишига интеллектуал салоҳияти.	250	251	76	44	128	118	46	88	22.1
4.	Педагогик фаоллигида қотиб қолган фикрларни инкор қилиш, фикрлар қарама-қаршилигига бардош бериши.	252	254	73	52	129	108	48	94	20.2
5.	Таваққулчилик қобилияти.	252	254	72	50	131	107	49	93	20.1
6.	Педагогик фаоллигида муаммони оқилдан қўра билиш.	252	250	76	54	127	107	49	89	17.2
7.	Танқидий фикрлаш, фикр-мулоҳазаларни баҳолаш қилади.	252	250	87	56	123	106	42	48	24.2
8.	Ўз-ўзини тақдир қилиш қобилияти.	250	250	78	45	126	115	46	90	23.5

III. Ўқитувчининг инновацион фаолиятини рўйга чиқаришдаги касбий қобилиятини ва лоялатини баҳолаш														
мезонлар														
1.	Ижодий фаолият методологиясини эгаллашга интилиши.	248	246	89	60	122	102	37	78	21,9				
2.	Педагогик тадқиқот методларини эгаллаганлиги.	254	250	80	57	132	106	40	87	24,1				
3.	Муаллифлик концепцияларини яратиб олиши	248	252	79	53	131	113	48	86	17,3				
4.	Тажриба-синов ишларини режалаштира олиши.	250	246	74	51	126	105	40	90	25,5				
5.	Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш қобилияти.	251	253	85	53	129	116	47	84	18,6				
6.	Фаолиятда қамчиликларни тузатиш малакасига эгаллиги.	250	246	75	52	121	112	42	86	19,8				
7.	Ўзидан бошқа тадқиқотчи-ўқитувчилар тажрибаларини таҳлил қилиши ва қўллаб олиши.	250	246	81	60	123	102	36	83	23,7				
8.	Ҳамкорлик қилиш ва бошқаларга методик ёрдам кўрсатиши.	249	246	81	50	120	103	48	93	22,9				
9.	Муаммоларни олдини олиш ва бартараф эта олиши.	251	254	80	52	123	106	49	95	21,8				
IV. Ўқитувчи шахсининг мустакил ҳусусиятлари														
1.	Ижодий фаолиятнинг даражаси (темп).	252	250	75	53	127	112	49	89	16,2				
2.	Ижодий фаолият юритишда шахсининг ишга бўлган муносабати	252	250	80	50	124	110	48	90	20,3				
3.	Ўзига ишонч, қарор қабул қила олиши.	244	252	78	44	117	113	49	95	24,1				
4.	Жавобгарлик ҳисси.	254	250	80	59	132	102	45	89	21,3				
5.	Ҳаққонийлик, виждонлилик.	250	250	80	50	121	104	49	94	22,3				
6.	Ўзини таҳлил қилиш қобилияти, ташкилотчилиги.	250	250	76	52	125	101	49	97	22,2				

Тадқиқот ишимизнинг мақсадига мос равишда, тажриба-синов ишларини баҳолаш мезонлари, ўқитиш технологияси ишлаб чиқилди. Таклиф этилаётган ўқув дастурларини белгиланган кўрсаткичларга мос келиши текширилди.

Малака ошириш жараёнида тарих ўқитувчиларини интерфаол таълим методларидан фойдаланиш малакаларини шакллантириш, мустақил малака ошириш дастурларини тузиш ва педагогик маҳоратини ошириш мақсадида олиб борилган тажриба-синов ишлари жараёнида мақсадли, муаммоли ва муаллифлик курслари, семинар-тренингларнинг аҳамияти айниқса яққол намоён бўлди (бундай курсларнинг ўқув-мавзу режалари диссертациянинг олдинги бобларида ва иловада келтириб ўтилган).

Бундай семинар-тренинг дастурлари ўқитувчилар эҳтиёжига асосланган ҳолда ишлаб чиқилганлиги сабабли, тренинглар жараёнида иштирокчилар жуда фаол қатнашди ва ўқитувчиларнинг лидерликка интилиши, ижодий фаолиятнинг аҳамиятини тушуниши, педагогик муаммоларни олдиндан кўриш ва ҳал қилишга интилиш, ўзига ишончи, бошқаларга методик ёрдам кўрсатиш, ўз фикрини баён қилишдан тортинмаслик ва фикрини ҳимоя қилиш малакаси шаклланганлиги намоён бўлди.

Педагогик тажриба-синов давомида назорат ва тажриба гуруҳларида олинган натижалар мунтазам таққосланди ҳамда математик статистика методи ёрдамида таҳлил қилинди. Бу таҳлилларнинг натижалари диссертациянинг кейинги бандида ўз ифодасини топган.

3.2. Педагогик тажриба-синов яқунлари ва олинган натижаларнинг таҳлили

Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш ва ўтказиш, олинган натижаларнинг холислигини таъминлаш, шу асосда тадқиқот иши самарадорлигини белгилаш мақсадида

ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш бўйича тажриба-синов ишлари ташкил этилди.

Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш ва натижаларни таҳлил этишда Киверялг [76:286] таклиф этган назорат ва тажриба-синов гуруҳларига бўлиб олиш методикасига асосланилди. Бунда бир ойда малака оширишга келган тарих ўқитувчиларининг гуруҳи тажриба гуруҳи этиб, мос равишда иккинчи ойда келган тингловчилар гуруҳи назорат гуруҳи этиб белгиланди.

Педагогик тажриба-синов жараёнида тарих ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш муаммолари ўрганилди, фаол таълим методларидан ва мустақил малака ошириш дастурларидан фойдаланиш имкониятлари аниқланиб, уларнинг самарадорлиги амалий жиҳатдан исботланди.

Назорат гуруҳларида малака ошириш жараёни амалдаги анъанавий ўқув-мавзу режа ва дастур бўйича олиб борилган бўлса, тажриба гуруҳларида биз таклиф этган ўқув режалари ва модуллар асосида семинар-тренинглар ташкил этилди ва фаол таълим усулларидан фойдаланилди.

Назорат ва тажриба гуруҳлари натижалари мунтазам равишда таҳлил этилиб, бир-бирига таққосланди ва хулосалар чиқарилди. Зарур бўлган ҳолларда бу жараёнда бевосита иштирок этган методистлар ва экспертлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокама қилиниб, малака ошириш курсининг мазмуни ҳамда методикасига, ташкил этилган семинар-тренинглар ва ўқув дастурларига ўзгартиришлар киритилди.

Респондентларнинг билими, касбий-педагогик маҳорати, амалий масалаларнинг мустақил ҳолда ижодий ечимини топишларида, ўрганилаётган инновация моҳиятини илмий англаб, мақбул равишда иштирокчиларнинг ўз мулкига айлантириш қобилиятлари орқали аниқланди. Респондентларда шаклланган билимлар сифат кўрсаткичларини баҳолашда онгли ўзлаштириш, билимларни Давлат талаблари доирасида тизимлилиги ва улардан ижодий фойдаланиш қобилияти, таълим тизими

янгилик киритишга бўлган иқтидорлари мезон сифатида фойдаланилди. Биз ўқитувчиларни фаолиятини қай даражада ўзгарганлигини аниқловчи, мустақиллик даражасини белгиловчи мезон сифатида ўқитувчиларни тарихий манбалардан фойдаланишни режалаштириш малакаларини олдик. Шунингдек, тарих ўқитувчиларини ўқувчилар учун маълум мавзулар бўйича мустақил иш ташкил қилишга мўлжалланган ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш жараёнида бошқа ҳамкасбларга методик ёрдам кўрсатиш малакалари шаклланганлигига аҳамият берилди.

Ёзма равишда ташкил этилган сўров ҳамда суҳбатлар якунига кўра тажриба ва назорат гуруҳларида аниқланган натижалар, шунингдек назорат ва тажриба гуруҳларининг саволларга берган жавобларини қиёсий жадвалларини келтириб ўтамыз, бунда **ТТЖ**-тўлиқ ва тўғри жавоб, **ТТБЖ**-тўғри ва тўлиқ бўлмаган жавоб, **НЖ**-нотўғри жавобни англатади. Педагогик тажриба-синов бошланишидаги ҳолат таҳлил қилинганда, ўқитувчиларнинг фақат 16,8% педагогика фанидаги инновацион ўзгаришларнинг йўналишларини билиши, 13,6% ўқитувчи педагогик тадқиқот методларини тўла тушуниб етиши ва уларни бир-биридан фарқлай олиши, 19,6% ўқитувчи дарснинг технологик харитасини тузиш малакасига эга эканлиги, 21,2% ўқитувчида танқидий фикрлаш қобилияти, тарих фани бўйича ўқув-режа ва дастурларни таҳлил қилиш малакалари тўла шаклланганлиги, тарих фани бўйича ДТСни ва ўқитувчига қўйилган Давлат талабларини тўлиқ билиши, 18,9% ўқитувчи ўз маҳоратини ошириш учун мустақил малака ошириш дастурини туза олиши маълум бўлди.

Педагогик тажриба-синов жараёнида назорат гуруҳидаги машғулотлар анъанавий ўқув дастурлари асосида олиб борилди, тажриба гуруҳларида эса биз таклиф этган ўқув дастурлари ва режалари асосида уч босқичда амалга оширилди.

Педагогик тажриба-синов якунидаги натижалар:

	Савол мазмуни	Ўқитувчи сони		ТТЖ		ТТБЖ		НЖ	
		Ҳ	Ҳ	Ҳ	Ҳ	Ҳ	Ҳ	Ҳ	Ҳ
1.	«Инновация» сўзининг маъноси нима?	250	250	84	54	123	95	39	101
2.	Педагогикада инновацион ўзгаришларнинг йўналишлари қайсылар?	250	246	80	42	125	106	45	98
3.	Ўқитувчининг тажриба-синов ишларини ре- жалаштириш маҳорати.	250	246	79	46	123	112	48	88
4.	Педагогик тадқиқот ме-тодларини эгалаганлиги.	249	246	81	34	119	146	49	66
5.	Дарснинг технологик харитасини туза олиши.	252	250	81	42	117	121	53	87
6.	Танқидий фикрлаш, фикр-мулоҳазаларни баҳолаш қобилияти.	246	252	77	32	120	114	49	106
7.	Тарих фанига қўйилган ДТСни билиши.	254	250	85	38	118	98	51	114
8.	Тарих фанидан ўқув режа ва дастурларига таклиф киритиш малакаси.	251	254	76	40	112	104	63	104
9	Мустақил малака ошириш дастурини тузиш.	248	252	83	43	107	100	58	108

Биринчи босқичда респондентлар тўғридан-тўғри малака ошириш шакли сифатида қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтларида таълим олдилар, иккинчи босқичда таянч таълим муассаси сифати олинган тарих фанини чуқур ўрганишга ихтисослашган мактабларда ташкил этилган 3 кунлик ёки 5 кунлик семинар-тренингларда иштирок этдилар, учинчи босқичда мустақил малака ошириш дастурларини тузиб, шу асосда малака ошириш ишларини амалда бажардилар.

Бу малака оширишнинг узлуксизлигини таъминлаш билан биргаликда, ўқитувчиларга ўз билимини маълум бир тизим асосида такомиллаштириб бориш имконини берди. Педагогик тажриба-синов якунида тажриба гуруҳларидаги ўқитувчилар фаолиятининг ўзгарганлигини қуйидаги натижалардан билиб олиш мумкин:

назорат гуруҳларидаги тингловчиларнинг умумий **ТТЖ** (тўлиқ тўғри жавоб)лари 21,6% ни ташкил этган бўлса, тажриба гуруҳларида **ТТЖ** (тўлиқ тўғри жавоб) 44, 8 % га тенг бўлган, аксинча, **НЖ** (нотўғри жавоб) назорат гуруҳларида 43,2 % ни ташкил этган, тажриба гуруҳларида **НЖ** (нотўғри жавоб) 23, 2 % га тенг бўлган.

Олинган натижаларни вилоятлар кесимида таҳлил қилиб, тажриба-синовда иштирок этган ўқитувчиларни фаолиятини алоҳида ҳолатда диаграммаларда тасвирлаш орқали эришилган натижаларни яққол кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик (3.2.1 ва 3.2.2-диаграммалар).

Педагогик тажриба-синов ишлари ҚР, Тошкент, Фарғона, Хоразм ва қашқадарё вилоятларида олиб борилганлиги сабабли, биз олинган натижаларни вилоятлар кесимида таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, биз тарих ўқитувчилари фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилиб, уларни шартли равишда учта гуруҳга ажратиб олдик.

Педагогик тажриба-синов якунидаги натижалар:

	Савол мазмуни	Ўқитувчи сони		ТТЖ		ТТБЖ		НЖ	
		Ў	Ў	Ў	Ў	Ў	Ў	Ў	Ў
1.	«Инновация» сўзининг маъноси нима?	250	250	84	54	123	95	39	101
2.	Педагогикада инно-вация ўзгаришларнинг йўналишлари қайсылар?	250	246	80	42	125	106	45	98
3.	Ўқитувчининг тажриба-синов ишларини ре- жалаштириш маҳорати.	250	246	79	46	123	112	48	88
4.	Педагогик тадқиқот ме-тодларини эгалаганлиги.	249	246	81	34	119	146	49	66
5.	Дарсинг технологик харитасини туза олиш.	252	250	81	42	117	121	53	87
6.	Танқидий фикрлаш, фикр-мулоҳазаларни баҳолаш қобилияти.	246	252	77	32	120	114	49	106
7.	Тарих фанига қўйилган ДТСни билиш.	254	250	85	38	118	98	51	114
8.	Тарих фанидан ўқув режа ва дастурларига таклиф қилиш маҳорати.	251	254	76	40	112	104	63	104
9	Мустақил малака ошириш дастурини тузиш.	248	252	83	43	107	100	58	108

Бунда педагогик фаолияти **юқори даражада** деб баҳоланган гуруҳга лидерликка интиладиган, ўз фикрини эркин баён қиладиган, илғор тажрибаларни таҳлил қилиб, ўз фаолиятида қўллай оладиган, мактабда тажриба-синовни ташкил қилиш бўйича тўлиқ дастур ва режа тузишни биладиган ва шу режа асосида ишлайдиган, педагогик тадқиқот методларини фарқлай оладиган, фан бўйича ўқув режаларини ва дастурларни таҳлил қилиб, таклиф киритиш малакасига эга ўқитувчилар киритилди.

Педагогик фаолияти **ўрта даражада** деб баҳоланган гуруҳга ижодий ишлашга иштиёқи бор, аммо ижодкорликни тўла амалга ошира олмайдиган, ўз ишига жавобгарликни ҳис қиладиган, аммо ўзига тўлиқ ишонмайдиган, ўзини эркин намоён қилишдан бир оз тортинадиган ўқитувчилар киритилди. Педагогик фаолияти **паст даражадаги** гуруҳга ўз фаолиятини янгилашга қизиқмайдиган, ўз-ўзини таҳлил қилиш малакаси шаклланмаган, методик ёрдамга муҳтож, педагогик тажриба-синовни амалга оширишни билмайдиган, муаммоларни бартараф этишга шошилмайдиган, ўз малакасини оширишга интилмайдиган ўқитувчилар киритилди.

Малака ошириш жараёнида тарих фани ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда фаол таълим методларидан ва мустақил малака ошириш дастурларидан фойдаланиш қуйидаги самарадорликка эришишга олиб келди: тажриба-синов гуруҳларида юқори даражада ўзлаштириш 35,2 % ни (назорат гуруҳларига нисбатан 13,6 % га кўп), ўрта даражада ўзлаштириш 49,2 % ни (назорат гуруҳларига нисбатан 11,2 % га кўп) ташкил этган, паст даражада ўзлаштириш эса 15,4 % (назорат гуруҳларига нисбатан 25,2 % га кам)ни ташкил этган.

Педагогик тажриба-синов натижаларини таҳлил этишда малака ошириш жараёнида тарих фани ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда фаол таълим методларидан ва мустақил малака ошириш дастурларидан фойдаланиш юзасидан олинган якуний натижаларга

асосланган ҳолда математик-статистика методи қўлланилди. Тажриба якунидаги натижаларга асосан тажриба гуруҳида 250 та ва назорат гуруҳида 250 та ўқитувчи иштирок этди. Юқоридаги жадвал кўрсаткичларидан математик-статистик таҳлил қилиш учун тажриба ва назорат гуруҳидаги умумий кўрсаткичларини кўрамиз. Улар қуйидагича:

3.2.4- жадвал

Гуруҳлар	ўқитувчилар сони	Жавоблар сони		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба	250	88	123	39
Назорат	250	54	95	101


Олинган маълумотларни Стъюдент-Фишер критерияси асосида математик-статистик таҳлил қиламиз.

Тажрибадан олдинги ва кейинги натижаларни мос равишда 1 ва 2- танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз.

1-танланма X_i : юқори; ўрта; паст;
(тажриба гуруҳи) m_i : 88; 123; 39.
 $m = 250$.

2-танланма Y_j юқори; ўрта; паст;
(назорат гуруҳи) n_i 54; 95; 101.
 $n = 250$.

Бу танланмаларга мос келган диаграммани чизамиз:



Диаграммада қайд этилган графикларидан англанадики, тажриба ва назорат синфлари учун танланма модал қийматлари мос равишда $M_T = 5$ ва $M_H = 3$, яъни улар орасидаги фарқ етарли даражада бўлиб, $M_T > M_H$ экан. Бу эса, ўз навбатида, бу танланмалар учун мос ўрта қийматлар ҳам $X > Y$ шартларни қаноатлантиришини олдиндан кўрсатади. Уларни қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\bar{X} = \frac{1}{m} \sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i = \frac{1}{250} (88 \cdot 5 + 123 \cdot 4 + 39 \cdot 3) = \frac{1}{250} (440 + 492 + 117) = \frac{1049}{250} = 4,2$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i y_i = \frac{1}{250} (54 \cdot 5 + 95 \cdot 4 + 101 \cdot 3) = \frac{1}{250} (270 + 380 + 303) = \frac{953}{250} = 3,8$$

Демак, тажриба синфида ўртача ўзлаштириш назорат синфидагидан катта экан: $X > Y$

Энди ҳар икки гуруҳ учун тарқоқлик коэффицентларини ҳисоблаймиз. Шу мақсадда дастлаб танланма дисперсияларни ҳисоблаймиз:

$$D_m = \sum_{i=1}^{n=3} n_i (x_i - \bar{x})^2 / (m-1) = \frac{110(5-4,2)^2 + 123(4-4,2)^2 + 39(3-4,2)^2}{250} =$$

$$= \frac{110 \cdot 0,64 + 123 \cdot 0,04 + 39 \cdot 1,44}{250} = \frac{56,32 + 4,92 + 56,16}{250} = \frac{117,4}{250} \approx 0,47$$

$$D_n = \sum_{i=1}^{n=3} n_i (y_i - \bar{y})^2 / (n-1) = \frac{54(5-3,8)^2 + 95(4-3,8)^2 + 101(3-3,8)^2}{250} =$$

$$= \frac{54 \cdot 1,44 + 95 \cdot 0,04 + 101 \cdot 0,64}{250} = \frac{77,76 + 3,8 + 64,64}{250} = \frac{146,2}{250} \approx 0,59$$

Бу натижалардан ўртача квадратик четланишларни топамиз: $\tau_m = \sqrt{0,47} \approx 0,69$ $\tau_n = \sqrt{0,59} \approx 0,77$

Булар асосида ҳар икки синф учун вариация кўрсаткичларини ҳисоблаймиз:

$$\delta_m = \frac{\tau_m}{\bar{X}} = \frac{0,69}{4,2} \approx 0,16 \quad \delta_n = \frac{\tau_n}{\bar{Y}} = \frac{0,77}{3,8} \approx 0,2$$

Агар статистик аломатнинг қийматдорлик даражасини $\alpha = 0,05$ деб олсак, у ҳолда Лаплас функцияси жадвалидан статистика учун критик нуқта $t_{кр}$ ни

$$\Phi(t_{кр}) = \frac{1 - 2\alpha}{2} = \frac{1 - 2 \cdot 0,05}{2} = \frac{0,9}{2} = 0,45$$

тенгликдан аниқлаймиз: $t_{кр} = 1,67$. Бундан баҳолашнинг ишончли четланишларини топсак:

$$\Delta_m = t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}} = 1,67 \cdot \frac{0,47}{\sqrt{250}} = 1,67 \cdot \frac{0,47}{15,8} \approx 1,67 \cdot 0,03 \approx 0,05$$

га тенг, назорат группасида эса:

$$\Delta_n = t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} = 1,67 \cdot \frac{0,59}{\sqrt{250}} = 1,67 \cdot \frac{0,59}{15,8} = 1,67 \cdot 0,04 \approx 0,07$$

га тенг. Топилган натижалардан тажриба синфи учун ишончли интервални топсак:

$$\bar{X} - t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}}$$


$$4,2 - 0,05 \leq a_x \leq 4,2 + 0,05 \quad 4,15 \leq a_x \leq 4,25$$

назорат синфи учун ишончли интервал:

$$\bar{Y} - t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}}$$

$$3,8 - 0,07 \leq a_y \leq 3,8 + 0,07 \quad 3,73 \leq a_y \leq 3,87$$

Буни геометрик тасвирласак:



Демак, $h \leq 0,05$ қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, тажриба гуруҳида ўртача баҳо назорат синфидаги ўртача баҳодан юқори бўлар экан.

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X} \approx 4,2$; $\bar{Y} \approx 3,8$; $\Delta_m = 0,05$; $\Delta_n = 0,07$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{\text{усб}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_n)} = \frac{4,2 - 0,05}{3,8 + 0,07} = \frac{4,15}{3,87} = 1,07 > 1;$$

$$K_{\text{одб}} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_n) = (4,2 - 0,05) - (3,8 - 0,07) = 4,15 - 3,73 = 0,42 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажрибадан кейинги кўрсаткич тажрибадан олдинги кўрсаткичдан юқори экан.

Олинган натижалар педагогик тажриба-синовда татбиқ этилган методика самарали эканлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Юқорида баён этилган фикрларга таянган ҳолда малака ошириш жараёнида тарих ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш, йўналтириш учун назарий ва амалий билимларни тарғиб этиш, бу борадаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда самарадорликни таъминлашга хизмат қилувчи қуйидаги хулосалар ва тавсияларни илгари сурамиз:

1. Таълимнинг глобаллашуви шароитида ўқитувчилар фаолиятини замон талабларига мослаштириш, улар ўртасида рақобатга асосланган меҳнат муҳитини вужудга келтириш учун ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш долзарб ҳисобланади ва таълим ислохотлари муваффақиятини очувчи калит вазифасини бажаради.

2. Ўқув фаолиятида фойдаланиладиган ўқув-методик манбалар, ўқитувчилар учун чоп этилган қўлланмалар мазмунига инновация, инновацион фаолиятни ташкил этишга оид билимларни, инновацион таълим элементларини сингдириш лозим.

3. Педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ва факультетларидаги касбий фанлар мазмунига юқоридаги муаммони ўрганишга бағишланган мавзуларни киритиш айниқса муҳим. Инновацион фаолиятга тайёрлашда педагогларнинг психологик тайёргарлиги ва қизиқишини ошириш, шахсий имкониятларини намоиш этишга йўналтириш муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, малака ошириш жараёнида бу масалаларга алоҳида аҳамият қаратиш лозим.

4. Инновацион фаолиятга тайёрлашда назарий билимлар ва амалий педагогик фаолиятнинг ўзаро алоқадор ва узвий бир бутун бўлишига эришиш, инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнининг изчиллигини таъминлаш муаммосини ҳал қилиш муҳимдир.

5. Инновацион фаолият инфратузилмасини шакллантириш, яъни инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган хизматларни инновацион фаолият субъектларига таклиф этувчи ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш керак.

6. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларда мотивацияни кучайтиришга хизмат қиладиган муайян ўқув мажмуалари яратилиши лозим. Шу билан бирга ўқитувчиларнинг ўз устида ишлашини таъминлаш ва мустақил малака ошириш жараёнида узилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида малака оширишни марказда тўпламасдан унинг айрим шакллари таълим муассасасининг ўзига кўчириш мақсадга мувофиқ.

7. Малака ошириш самарадорлигини аниқлаш тизими ишлаб чиқилиши керак. Худудий ХТБларида малака ошириш мониторингини олиб бориш лозим.

8. Ўқитувчилар фаолиятини янгилаш, уларни педагогик технологиялар, таълим жараёнидаги инновациялар

моҳиятидан хабардор этишга йўналтирилган малака ошириш курсларини, семинар-тренингларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

9. Малака оширишнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш мақсадида ўқитувчиларнинг мактаб шароитида, ўз устида мустақил малака оширишларини таъминлаш учун мустақил малака ошириш дастури ва лойиҳасини тўла амалиётга татбиқ этиш ҳамда бу дастурларнинг бажарилишига эришиш лозим.

10. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш учун барча малака ошириш институтларида махсус дастурлар, лойиҳалар ишлаб чиқилиши керак. Бу қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг самарали тизимига босқичма-босқич ўтиш жараёнида малака оширишнинг сифат ва самарадорлигини таъминлаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. -Т.: Ўзбекистон. 2017. -486 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. —Т.: Ўзбекистон, 2017. -592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. —Т.: Ўзбекистон, 2018. -508 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. -Т.: Ўзбекистон, 2021. -464 б.
5. Асқарова Ў. М. Педагогика: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик/ Ў.М . Асқарова, М. Хайитбоев, М.С. Нишонов. ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. - Т.: «Талқин», 2008 - 288 б.
6. Педагогика (педагогика назарияси ва тарихи): Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани таълим соҳаси бакалавриат йўналиши учун дарслик/ М.Х. Тохтаходжаева, ва б.; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги. — Тошкент: « Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» нашриёти, 2010. - 400 б.
7. Андреев, В.И. Педагогическая эвристика для творческого саморазвития многомерного мышления и мудрости: монография / В.И. Андреев. – Казань: Центр инновационных технологий, 2015. – 288 с
8. Алекс Муур. Таълим бериш ва таълим олиш: педагогика, таълим дастури ва тарбия. –Рутлеж. Иккинчи нашр. 2012 й. 202 бет.
9. Педагогика. М. Тохтаходжаева умумий таҳрири остида.-Т.:Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2010 й.
10. Педагогика назарияси ва амалиёти. Б.Х.Ходжаев.-Тошкент, “Сано-стандарт” нашриёти, 2017.
11. Андреев В.И. Педагогика. Учебный курс для творческого саморазвития. Казань. Центр инновационных технологий.-2012 г.-608 стр.
12. Сластенин В.А. и др. Педагогика Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений - М.: Издательский центр "Академия", 2013. - 576 с.
13. Умумий педагогика. Р .А .Мавлонова, Н .Ҳ .Раҳмонқулова, в.б - Т.: «Фан ва технология», 2018, 528 бет.
14. Азизхўжаева Н.Н. Ўқитувчи тайёрлашнинг педагогик технологияси. – Т.: ТДПУ, 2000. -52 б.
15. Ангеловский К. Учителя и инновации. Книга для учителя. Перевод с македонского В.П. Диденко. – М.: Просвещение, 1991. -158 б.
16. Анисимов В.В., Грохольская О.Г. Подготовка будущих учителей по предметом педагогического цикла. // Педагогика. -2000. -№9. 54-60 с.
17. Артиқбаева З.А. Малака ошириш тизимида мактаб математика ўқитувчиларининг касбий методик кўникмаларини такомиллаштириш.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т., 2004.-20 б.

18. Ахренов А. Управление развитием школ через инновационный потенциал педагогического коллектива. // Ж. Учитель. -2002. -№2. 29-30 с.

19. Аҳмедов.Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. -Т. Ўқитувчи, 2001.-198 б.

20. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумтаълим мактабида ўқитиш методлари -Т.: Ўқитувчи, 1990.- 229 б.

21. Белкин А.С. Ситуация успеха. Как ее создать. -М.: Просвещение, 1991.-214 с.

22. Беспалько В.И., Татур Ю.С. Системно-методическое обеспечение учебно-воспитательного процесса подготовки специалистов. – М.: Высшая школа, 1988. -144 б.

23. Беспалько В.П. Психологические парадоксы образования. //Ж. Педагогика. -2005.-№5. - 13-20 с.

24. Бозоров Э.Б., Мусурмонова О.А. Ўқитувчи ижодкорлиги давр талаби. -Т.: Ўқитувчи, 1991.-64 б.

25. Бойназаров.Ф. қадимги дунё тарихи. - Т.: Ўзбекистон, 2002.-234 б.

26. Виленский М.Я., Зайцева С.Н. Педагогические основы формирования опыта творческой деятельности будущего учителя. // Учебное пособие. – М.: МГПУ, 1993.- 57 с.

27. Вишнякова Н.Ф. Креативная психопедагогика. Психология творческого обучения. – М.: Просвещение, 1995. -67 с.

28. Гершунский Б.С. Философия образования для XXI века. – М.: Просвещение, 1998.-608 с.

29. Глобал таълим. Ўқитувчилар учун қўлланма.- UNISEF, 2003.-116 б.

30. Гомидов.Г.С., Колосов В.Г., Османов Н.А. Основы инноватики и инновационной деятельности. – СПб.: Политехника, 2000.-321 с.

31. Гончарева Т.И. Уроки истории-уроки жизни. –М .: Педагогика, 1986. -125 с.

32. Горская Г.И., Чуракова Р.Г. Мактабда таълим жараёнини ташкил этиш. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашрдан таржима. -Т.: Ўқитувчи, 1990.-98 б.

33. Гузеев В.В. Образовательная технология ТОГИС-ресурсное обеспечение. //Ж. Школьные технологии. -2001.-№1.-159-164 с.

34. Давлетшин М.Г. Кобилият ва унинг диагностикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1997.-134 б.

35. Давлетшин М.Р. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси.- Т.: Ўзбекистон, 1999.-29 б.

36. Дехқанова М.У. Касб-ҳунар таълими раҳбар ходимларини малакасини ошириш жараёнига тизимли ёндашув. Педагогика фанлари

номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: ЎМКХТМ, 2005. -128 б.

37. Жуманиёзова М.Т. Инновацион фаолият тушунчаси ва малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш. // Халқ таълими журнали.- 2004.- № 6.-137-140 б.

38. Жуманиёзова М.Т. Инновацион фаолият таълим сифатининг кафолатидир. // Узлуксиз таълим журнали.- 2004. -№ 6.-88-92 б.

39. Жуманиёзова М.Т. Мустақил малака ошириш-малака оширишнинг энг самарали усули сифатида. //Халқ таълими журнали.- 2005. -№3.- 132-134 б.

40. Жуманиёзова М.Т. Муаммоли таълимда ўқитувчига қўйиладиган талаблар. // Узлуксиз таълим журнали.- 2005.- № 4.- 40-44 б.

41. Жуманиёзова М.Т. Тарих дарсларида инновацион технологиялардан фойдаланиш. -Методик қўлланма. А.Авлоний номли ХТРХМОМИ б.- 2005. -16 б.

42. Жуманиёзова М.Т. Инновационная деятельность и ее особенности. -Ракурс инновации (Сборник научнўх и методических трудов).-СПбГПУ. ИМОП., Санкт-Петербург, 2006.-13-14 с.

43. Жуманиёзова М.Т. Тарих дарсларида инновацион технологиялардан фойдаланиш. // Халқ таълими журнали.- 2006. -№2. - 44-46 б.

44. Загвязинский В.И. Педагогическое творчество учителя.-М.: Педагогика, 1987.-84 с.

45. Зиёмухамедов Б. Абдуллаева Ш. Илғор педагогик технология: назария ва амалиёт. -Т.: Ибн Сино, 2001. 79-б.

46. Зиёмухаммадов Б. Абдуллаева Ш. Педагогика. -Т.: Ўқитувчи, 2000. -126 б.

47. Зокиров И.И. Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этишнинг назарий-амалий асослари. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т.: ЎзПФТИ, 2005. -126 б.

48. Зуннунов А., Маҳкамов У. Дидактика: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма.-Т.: «Шарқ», 2006-128 б.

49. Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар. . . -Т.: Шарқ, 1999.- 396 б.

50. Иванова Е.М. Психотехнология изучения человека в трудовой деятельности. – М.: МГУ, 1992.-94 с.

51. Йўлдошев Ж.. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари. -Т.: Ўқитувчи,1998. -207 б.

52. Йўлдошев Ж. Ўқувчи маънавиятини шакллантириш. -Т.: Ўқитувчи, 2000. -301 б.

53. Йўлдошев.Ж.ғ. Таълим янгиланиш йўлида. -Т.: Ўқитувчи, 2000. - 207 б.

54. Кан-Калик В.А. Учителю о педагогическом общении. Книга для учителя. - М.: Педагогика, 1987. -190 с.

55. Кларин М.В. Инновации в мировой педагогике: обучение на основе исследования, игры и дискуссии. – Рига: НПЦ Эксперимент, 1995. - 108 с.
56. Кларин М.В. Инновационные модели обучения в зарубежных педагогических поисках /Пособие к спецкурсу для высших педагогических учебных заведений, институтов усовершенствования учителей, повышения квалификации работников образования. –М.: Арена, 1994.-147 с.
57. Кларин М.В. Интерактивное обучения-инструмент освоение нового опыта. //Ж.Педагогика. -2000. -№7 –12-18 с.
58. Кларин М.В. Метафоры и ценностные ориентации педагогического сознания.// Ж. Педагогика. -1998. - №1. -21-27 с.
59. Кларин М.В. Технология обучения: образ идеала. //Ж. Школьные технологии. -2005. - №1. – 11-20 с.
60. Коджаспирова Г.М. Педагогика в схемах, таблицах и опорных конспектов. –М.: Айрис-пресс, 2006.—256 с.
61. Коротяев Б.И. Учение-процесс творческий // Книга для учителя. 2-е издание, доп. и испр. – М.: Просвещение , 1989. -158 с.
62. Костылов Ф.Б. Учить по новому: нужны ли оценки-балы. (Книга для учителя)- М.: Владос, 2000.-101 с.
63. Краевский В.В. Методология педагогического исследования. – Самара.: СГПУ, 1994. -174 с.
64. Крючкова О.В. Комплексная информатизация образования. – Минск.: Красика-принт, 2006. -172 с.
65. Кузьмина С.Л. Философия и педагогика: методологические аспекты истории взаимодействия. //Ж. Педагогика.- 2001. -№5. -8-12 с.
66. Киверялг А.А. Методы исследования в профессиональной педагогике. -Таллин.: Валгус, 1980. -198 с.
67. Леонтьев А.Н. Наука и человечество. 2 т.-М.: Знания, 1963.-366 с.
68. Лернер И. Я. Новое педагогическое мышление ғ Под. Ред. А.В. Петровского – М.: Педагогика, 1989. -280 с.
69. Лернер П.С. Инновационные технологии повышение интерактивности профильного обучения. //Ж. Школьные технологии. - 2004. -№6. –155-168 с.
70. Львова Ю.Я. Творческая лаборатория учителя // книга для учителя. 3-е издание переработанное и доп. – М.: Педагогика, 1992. -210 с.
71. Мавлонова Р., Тўраева О, Ҳолиқбердиев К. Педагогика. –Т.: Ўқитувчи, 2001.-510 б.
72. Мардонов Ш. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш.–Т.:Фан, 2006.-232 б.
73. Махкамов У.И. Ўқувчиларнинг ахлокий маданиятини шакллантириш муаммолари. – Т.: Фан, 1995.-200 б.
74. Медынский В.Г. Инновационный менеджмент. Учебник. –М.: ИНФРА-М, 2002. -210 с.

75. Методика преподавания истории в средней школе. Ежова С.А., Лебедева И.М. и другие. -М.: Просвещение, 1986.- 270 с.

76. Методы системного педагогического исследования. / под. ред. Н.В. Кузьминой. – Т.: Педагогика, 1980. -127 с.

77. Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услугий ёндашувлар. (Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифалари доирасида). Ш.қурбонов, Э.Сайитхалилов ва бошқ. –Т.: Академия.2002.- 279 б.

78. Мирқосимов. М. Мактабни бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари.-Т.: Ўқитувчи, 1995.- 158 б.

79. Михайличев Е.А. Понятийному аппарату педагогической диагностики. // Ж.. Педдиагностика.-2004.-№3.-59-77 с.

80. Мкрытичян Г.А. Параметры педагогической экспериментальной деятельности. // Ж.. Педагогика. -2001. -№5. –45-50 с.

81. Никольская О.Л. Психоло-дидактические затруднения учителей при освоении инновационных технологии. // Ж.. Педагогика. -2005. -№6. –31-36 с.

82. Нишоналиев У. Формирование личности учителя трудового обучения: проблемы и перспективы. – Т.: Фан, 1996. -88 с.

83. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования./под ред. Е.С. Полат. –М.: Академия, 1999. -224 с.

84. Нуридинов Б. Касб таълими ўқитувчиларини малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдаланишнинг илмий-педагогик асослари. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: ЎМКХТМ, 2002.-21 б.

85. Обидов К. Ўқитувчининг шахсий сифатлари-унинг малакасини оширишнинг ттаъсирчан омили. // Халқ таълими журнали. - 2003. -№ 4.- 28-30 б.

86. Онушкин В.Г. Теоретические основы непрерывного образования. -М.: Педагогика, 1987. -235 с.

87. Очилов.М. Муаллим-қалб меъмори.-Т.: Ўқитувчи, 2001.429 б.

88. Педагогика. Мунавваровнинг умумий таҳрир асосида.- Т.: Ўқитувчи, 2000. -198 б.

89. Педагогик изланиш. Г Амонашвили Ш.А. Лисенкова С.Н, Волков И.П ва бошқалар. -Т.: Ўқитувчи, 1990.- 603 б.

90. Питюков В.В. Основы педагогической технологии. -М.: Владос, 1999.- 189 с.

91. Подласый.И.П. Педагогика . 2-х томах.-М.: Владос, 2004.-572 с.

92. Поляков С.Д. В поисках педагогической инноватики. –М.: Педагогика, 1993.-104 с.

93. Поляков С.Д. Психопедагогика воспитание: Опыт популярной монографии с элементами учеб. Особые и научной фантастики. – М.: Педагогика, 1996. -130 с.

94. Портников Б.А., Султанов Н.З. Основы инноватики. 2-х томах.- Оренбург:ОГУ, 2000. -172 с., -144 с.
95. Поташник М.М. Как развивать педагогическое творчество. -М.: Знания, 1987.-88 с.
96. Поташник М.М. Педагогические инновации и научный эксперимент. //Ж. Педагогика. -1996. -№5. - 46- 50 с .
97. Раимов Х. Малака ошириш: Германия тажрибаси ва Ўзбекистонда ривожланиш истиқболлари.- Т., 2003 .- 85 б.
98. Решетников П.Е. Нетрадиционная технологическая система подготовки учителей. –М.: Владос, 2000.—304 с.
99. Решетников Н. Нетрадиционная подготовка будущих учителей. - М.: Владос, 2002 . -139 с.
100. Рогов Е.И. Личностно-профессиональное развитие учителя в педагогической деятельности. Диссертация на степени доктора педагогических наук. – Ростов на Дону, 1999. -341 с.
101. Рубенштейн М.М. Проблема учителя. // Под редакцией В.А.Сластенина. -М.: Академия, 2004 . -170 с.
102. Саидкулов Ш. Узлуксиз педагогик таълим ва малака ошириш муаммолари.- Самарқанд, 1996. -73 б.
103. Саидкулов.Ш. Ўқитувчилар малакасини оширишнинг услубий асослари. –Самарқанд: Зарафшон, 1992.-44 б.
104. Сайидахмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. – Т.: РТМ, 2000.-46 б.
105. Селевко Г.К. Опыт системного анализа современных педагогических систем. // Ж. Школьные технологии.- 1997. -№6. –35-38 с.
106. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. -М.: Народное образование, 1998.- 493 с.
107. Селевко Г.К. Технологии педагогических советов.- М.: Педагогика, 1998.- 127 с.
108. Сластенин В.А. Подымова Л.С. Педагогика-инновационная деятельность. -М.: Магистр, 1997.-221 с.
109. Слободчиков В.И. Инновационное образования. //Ж. Школьные технологии. -2005. -№2. - 4-12 с.
110. Слободчиков В.И. Проблемы становления и развития инновационного образования. // Ж. Инновация в образовании. -2003 - №2. –4-28 с.
111. Собиров Б.Б. Ўқувчиларда иқтисодий тушунчаларни шакллантиришда инновацион усуллардан фойдаланишнинг педагогик асослари. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертация автореферати. –Т.: ЎзПФТИ, 2004.-20 б.
112. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Семинар тренинг материаллари (тренерлар учун қўлланма) –Т.: ЎМКХТМ, 2002. -181 б.

113. Таълим технологияси. Розиков. О ва бошқалар. -Т.: Ўқитувчи, 1999.- 71 б.
114. Толипов.Ў., Усмонбоева.М. Педагогик технология: назария ва амалиёт.- Т.: Фан, 2005. -205 б.
115. Турсунов И. Халк таълимининг долзарб муаммолари.- Т.: Ўқитувчи, 1990.-140 б.
116. Турсунов И.Й., Нишоналиев У.Н. Педагогика курси. -Т.: Ўқитувчи, 1997.-232 б.
117. Тюляева Т.И. Настольная книга учителя истории. –М.: ООО. Астрель, 2003. -523 с.
118. Умумий психология. Петровский А.В. ва бошқалар.-Т.: Ўқитувчи, 1992.-507 б.
119. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури. –Т.: Шарқ, 1999.-№ 2. -303 б.
120. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар.-Т.: Фан, 2000. - 127 б.
121. Философский энциклопедический словарь. – М.: Энциклопедия, 1989.-513 с.
122. Фридман Л.М. Психологический справочник учителя. –М.: Просвещение. 1991. -287 с.
123. Хон.А.М. Психологические барьеры при внедрении нововведений в школьную практику и некоторые пути их преодоления.- Алма-ата.: 1990.- 167 с.
124. Шишов С.Е., Кальней В.А. Школа: Мониторинг качества. –М.: Педагогического Общества России, 2001.-320 с.
125. Юсупов Э., Юсупов У. Маънавий камолот ва жамият тараққиёти.- Хўжанд, 1996.-170 б.
126. Янчук В.А. Психологические основы образовательной инноватики. //Ж. Инновация в образовании.-2003.-№1. -15-27 с.,-№2.-35-44 с.
127. Қурбонов Ш, Мажидов И, Қўчқоров Р. Олий таълим тизимида бошқарув кадрларини тайёрлаш. – Т.: Академия, 2002.-89 б.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	2
I БОБ. МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
“Инновацион фаолият” тушунчаси, унинг моҳияти ва ўрганилганлик даражаси.	5
Инновацион фаолиятни ташкил қилиш зарурияти ва омиллари.....	5
Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш йўллари	5
I боб бўйича хулосалар.	5
II БОБ. МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ТАРИХ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ДИДАКТИК АСОСЛАРИ	
Малака ошириш жараёнида тарих ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг методлари, шакллари ва педагогик шарт-шароитлари.....	5
Фаол таълим усуллари ва уларнинг инновацион фаолиятни шакллантиришдаги ўрни.....	5
Мустақил малака ошириш орқали тарих ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш имкониятлари.....	5
II боб бўйича хулосалар	5
III БОБ. ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВНИНГ МАЗМУНИ, ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ ВА НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ	
Педагогик тажриба-синовнинг мақсади ва вазифалари	5
Педагогик тажриба-синов якунлари ва олинган натижаларнинг таҳлили.....	5
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР	5
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	5

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна

**ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА
ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

Toshkent - “Innovatsiya-Ziyo” - 2023

Muharrir: Xolsaidov F. B.

Nashriyot litsenziyasi AI №023, 27.10.2018.

Bosishga 14.01.2023. da ruxsat etildi. Bichimi 60x90. “Times New Roman” garniturasini.

Ofset bosma usulida bosildi.

Shartli bosma tabog'i 8. Nashr bosma tabog'i 7,75.

Adadi 250 nusxa.

“Innovatsiya-Ziyo” MCHJ matbaa bo'limida chop etildi.

Manzil: Toshkent shahri, Farhod ko'chasi, 6-a uy.



+99893 552-11-21

Muallif va nashriyot roziligisiz chop etish ta'qiqlanadi.